

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Тошкент тиббиёт академияси

**Абу Бакр ар-Розий  
Бўғин касалликлари  
ҳақида рисола**

Тошкент – 2005

53.59 Даволашнинг айрим тизимлари

# Халқ медицинаси

Таҳрир ҳайъати: Б.А. Абдуҳалимов, Ҳ.Ё. Каримов,  
Т.С. Солиев, А.А. Абдувалиев


Араб тилидан Ш. Саидаҳмедов таржимаси

Нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва бош сўз  
муаллифи С.У. Каримова

Тақризчи: т.ф.н. М. Ҳасаний

Ю 32189  
0

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-  
ги Фан ва технологиялар марказининг инновация дастурлари доирасида  
бajarилди.



## СЎЗ БОШИ

**У**нсон саломатлиги ва у билан боғлиқ фан соҳаси – табобат кишилик жамиятининг ҳамма даврларида долзарб ва юксак эътиборга сазовор соҳалардан бири бўлиб келган. Бунинг натижаси ўлароқ жамият тараққиётининг бугунги кунига қадар бу соҳада улкан кашфиётлар қилинди, пешқаддам муолажа восита ва усуллари яратилди.

Ҳозирги кунда шифокорлар ихтиёридаги дори-дармонлар, диагностика ва даволаш усулларининг йиғиндиси мутақаддим олимларнинг илмий излаНИШЛАРИ маҳсулидан таъкил топганлиги ҳаммамизга маълум. Ана шу тиббий билимлар хазинасига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири Абу Бакр ар-Розийдир.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий ўрта асрнинг йирик энциклопедист олимларидан бири, Шарқ табобатининг Ибн Синога қадар ўтган энг йирик намояндасидир. У 865 йилнинг 28 августида Рай шаҳрида туғилган, ёшлигидан адабиёт ва мусиқа билан шуғулланган, шеърлар ёзган. Кейинчалик фалсафа, математика, география, астрономия, кимё каби фанларни ўрганган. Табобат билан Розий 30 ёшидан кейин шуғулланган ва бу соҳада катта шухрат қозонган. У аввал Райда, сўнг Бардолда шаҳар касалхонасига мудирлик қилган. Ўз даврининг моҳир табиби бўлгани учун Розийни халифаликдаги турли ҳукмдорлар ўз ҳузурларига чақириб турар эдилар. Жумладан, Розий Бухорода ҳам бўлиб, Хуросон ҳукмдори Абу Солиҳ Мансур ибн Исҳоқни (915 й. ўлдирилган) даволаган.

Розий Бухоро илм аҳли билан ҳам яқин алоқада эди. Унинг яқин дўсти ва севишли шогирди Муҳаммад ибн Юнус ҳам бухоролик бўлган. Розий ўзиниш кимёга аталган икки катта асарини шу шогирдига бағишлаган. Умрининг сўнгги кунларини Розий ўзининг ватани - Рай шаҳрида ўтказди ва 925 йилнинг 26 октябрида ўша ерда вафот этади<sup>1</sup>.

Розий ўздан кейин бой илмий мерос қолдирди. Берунийнинг ёзишича, у табобат бўйича 56 та, табиёт бўйича 33 та, мантиқ бўйича 7 та, математика ва астрономия бўйича 10 та, фалсафага оид 17 та, илоҳиёт бўйича 14 та, метафизикага оид 6 та, кимё бўйича 22 та ва бошқа фанларга оид 19 та, жами 184 та асар ёзган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов У.И. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн». Илм.Акад. наук УзССР, Т, 1957, С.27-31.

<sup>2</sup> Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи. Кириш, таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар Ҳ.Ҳикматуллоевники. Т. Фан, 1974, Б.19-33.

Гарчи илмий қизиқишлари доираси кенг бўлса ҳам, Розийнинг истеъдоди кўпроқ фалсафа, кимё ва табобат соҳаларида намоён бўлди. Илмий адабиётларда ёзилишича, Розий тибга оид юзга яқин асар ёзган. Улардан энг йирик ва муҳим асари «Китоб ал-ҳовий фи-т-тибб» («Тибга оид [барча маълумотларни] қамровчи китоб») бўлиб, олим унга 15 йил умрини сарфлаган бўлса ҳам тугатолмай вафот этган. Унда муаллиф ўзидан олдинги табибларга касалликлар ва уларни даволаш ҳақида нима маълум бўлса, барчасини келтиради ва уларга ўз тажрибасида қўлга киритган натижаларини қўшиб, баён этади.<sup>1</sup> Бу асар XIII асрда лотин тилига таржима қилинади ва XV асрдан бошлаб турли Европа шаҳарларида қайта-қайта нашр этилади.

Олимнинг Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кенг шуҳрат қозонган асарларидан яна бири «Китоб ат-тибб ал-Мансурий» («Мансурга бағишланган тиб китоби») дир. Ўн қисмдан иборат бу асар ҳам лотин тилида кўп марта нашр этилган ва то XVI асрга қадар Европа университетларида ўқитиладиган асосий дарсликлардан бири ҳисобланган.<sup>4</sup>

Булардан ташқари Розий «Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб», «Подшоҳлар табобати», «Касалликлар тарихи», «Бўғин касалликлари ҳақида рисола» ва тибнинг бошқа турли масалаларига оид қатор асарлар ҳам яратган. Унинг «Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб» асари табобат тарихида алоҳида ўрин тутади. Унда илк бор чечак ва қизамиқ бошқа юқумли касалликлардан ажратиб тавсифланади.<sup>5</sup>

Розийнинг «Касалликлар тарихи» ни эса ўрта аср тиб амалиётидаги дастлабки клиник кузатишларнинг баёни деб аташ мумкин.

Ўз ФА Шарқшунослик институтида Розий тиббий асарларидан 8 тасининг бир неча қўлёзма нусхалари сақланмоқда.<sup>6</sup> Шулардан фақат «Бур ас-со» («Бир зумда тузатиш») ва «Касалликлар тарихи» гина ўрганилган бўлиб, қолган асарлари эса ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Нашрга тайёрланаётган «Рисола фи важъ ал-мафосил» («Бўғин касалликлари ҳақида рисола») ҳам мазкур қўлёзмалардан бири бўлиб, шу вақтга қадар ўрганилмаган эди. Бу асар бизгача жуда оз нусхаларда етиб келган. Унинг XVII ва XIX асрга мансуб иккита қўлёзмаси Техрондаги Малик кутубхонасида ва яна бир нус-

<sup>1</sup> Китоб ал-ҳовий фи-т-тибб ли Абу Бакр Муҳаммад бин Закариё ар-Розий. Жуъъ 1-23 Ҳайларобод 1955-1977 (араб тилида)

<sup>4</sup> Касалликлар тарихи Б.33-39.

<sup>5</sup> Абу Бакр ар-Розий. Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб. Арабчадан У.Каримов таржимаси./ Абу Бакр ар-Розий. Касалликлар тарихи китобида. Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, Б.30-67.

<sup>6</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Медицина. Составители: Х.Хикматуллоев, С.У.Каримова. Т.Изд. Народного наследия им.Абдуллы Кадыри, 2000. 302 с.

хаси Алеппода (Сурия) сақланади. Ўрта асрларда лотин тилига ҳам таржима қилинган<sup>7</sup>.

Рисоланинг ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган нусхаси 1717 йилда Йусуф ибн Шайх Фатҳ Муҳаммад исми кўчирувчи томонидан 1305 йил Табризда Муҳаммад ибн Йусуф ибн Муҳаммад ас-Садид қўли билан китобат қилинган қўлёзмадан наста'лиқ хатида кўчирилган, ҳажми 41 varaқ.

Қўлингиздаги китобча ана шу нусха асосида тайёрланди.

Рисоланинг кириш қисмида айтилишича, уни Розий Саффариёлар сулоласининг вакили, Сеистон (Эрон) амири Амр ибн Йаъқуб ибн Муҳаммад ибн 'Амрга (912-913) бағишлаб ёзган. Шундан кейин асарнинг фикҳристи, яъни бобларининг (рисолада *фасл*) номи келтирилган.

Рисола 22 фаслдан иборат бўлиб, уларда бўғин касалликларига тегишли бўлган назарий масалалар ҳамда муолажа восита ва тадбирлари ўрин олган. Шуни айтиш жоизки, рисолада назарий масалаларга кўпроқ ўрин берилган. Улар фақат касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва белгилари бўлиб қолмай, балки тўрт хил – қон, балғам, сафро ва савдонинг инсон танасида пайдо бўлиши, овқат ҳазмида иштирок этувчи аъзоларнинг тузилиши (меъда, жигар, ўт қопи, талоқ, ичаклар, буйрак, қовуқ), қон олинадиган томирларнинг қисқача таърифини ҳам қамраб олган. Шу жиҳатдан бу рисола Розийнинг «Китоб ал-ҳовий» асарининг бўғин касалликлари баён қилинган XI китобидан фарқ қилади.

«Ҳовий» катта энциклопедия бўлгани боис юқорида зикр қилинган мавзулар асарнинг бошланғич жилдларидан ўрин олган бўлиб, XI китобга фақат бўғин касалликларининг турлари, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва даволаш усуллари киритилган.<sup>8</sup> Шунга қараганда Розий ўз рисоласида мавзу бўйича нисбатан қадар кўпроқ ва чуқурроқ маълумот беришга ҳаракат қилгани ҳамда бу асарнинг катта бир китобдан (хусусан, «Ҳовий» дан) олинган сайланма бўлмай, мустақил асар эканлиги кўринади.

Бўғин касалликларининг муолажасига келсак, бу ерда IX-XI асрларда шу турдаги касалликларни даволашда умумий чора-тадбирларга амал қилинган, яъни қон олиш, сурги қилиш, қустириниш, доғлаш, дорилик боғламалар ишлатилиш ва ҳ.к. Лекин бу муолажалар ҳар бир касалликка қарши ишлатилган дориларнинг таркиби билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Розийнинг ўзи ниҳрис ва ирқуннасо каби бўғин касалликларини даволашда ишлатган мураккаб дориларининг таркиби «Ҳовий» билан рисолада бир хил

<sup>7</sup> Sezgin F. Geschichte des Arabischen Schrifttums. Leiden. E. J. Brill, 1970. VIII, S.288.

<sup>8</sup> Китоб ал-ҳовий, ж. XI, 1962, с. 97-280.

эмас. Ибн Сино «Тиб қонунлари» нинг тегишли бобларида келтирилган до-  
риларнинг таркиби ҳам Розийниқидан қисман фарқ қилади.<sup>9</sup>

Бу эса, фикримизча, амалиёт билан шуғулланувчиларга даволаш восита-  
лари доирасини анча кенгайтириб, бирор дори топилмай қолганда ўрнига  
бошқасини ишлатиш имконини беради.

Бу рисоланинг муҳим жиҳатларидан бири ундаги фикрларнинг Розий  
томонидан амалда синаб кўрилганлигидир. Бу эса китобдаги маълумотлар-  
нинг ишончли эканлигига далолат қилади.

Ушбу рисолани нашрга тайёрловчилар кўлэзмани таржима қилиш жара-  
ёнида кўрсатган ёрдамлари учун ЎзР ФА Шарқшунослик институти кўлэз-  
малар фонди мудир, тарих фанлари номзоди Маҳмуд Ҳасаний ва шу ин-  
ститутнинг илмий ходими А.Яминовларга, компьютерда саҳифаловчи М.Ак-  
рамовага ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.



---

<sup>9</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, Т, Фан, 1979 т.Ш (2) Б.498-521.



## АБУ БАКР АР-РОЗИЙ. БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАҚИДА РИСОЛА

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан!

Оламларнинг эгаси Аллоҳга мақтовлар бўлсин. Унинг пайғамбари Муҳаммадни ва авлодларини тангри ярлақасин!

Сўнгра айтаман: бу рисола Муҳаммад ибн Закариёнинг (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) бўғин касалликлари ҳақида ёзилган асари бўлиб, у амир Абу Йаъқубнинг<sup>1</sup> илтимосига кўра битилган.

Розий айтади: бу рисола ундаги маънолар ва мақсадларга қараб фаслларга бўлинган.

**Биринчи фасл.** Бўғин касалликларининг пайдо бўлиш сабаблари ва кайфиятлари ҳақида.

**Иккинчи фасл.** Аъзоларда тикилмаларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларнинг баъзи аъзолардан бошқаларига қўйилиши ҳамда инсондан иллатларни юқоридагиларга кўра даф қилиш ҳақида.

**Учинчи фасл.** Бўғин касалликларини уларда пайдо бўладиган моддаларга ва белгиларга қараб тақсимлаш ҳақида.

**Тўртинчи фасл.** Бўғин оғриқларига алоқадор бўлган умумий касалликларни даволаш ҳақида.

**Бешинчи фасл.** Қуймуч суяги бўғинларидаги касалликларни умумий даволаш ҳақида.

**Олтинчи фасл.** Ирқуннасонинг баёни ва уни даволаш ҳақида.

**Еттинчи фасл.** Иссиқдан бўлган бўғин касалликларини даволашда ишлатиладиган сурги дорилар ҳақида.

**Саккизинчи фасл.** Бўғин касалликларида балғам ва хилтни ҳайдовчи дорилар ҳақида.

**Тўққизинчи фасл.** Савдони ҳайдовчи дорилар ҳақида.

**Ўнинчи фасл.** Сафро ва балғамни баробар ҳайдаш ҳақида.

**Ўн биринчи фасл.** Оғриқларни қолдирувчи дорилар ҳақида

**Ўн иккинчи фасл.** Сон оғриқларида ишлатиладиган ҳуқналар ҳақида.

**Ўн учинчи фасл.** Бўғинларга боғланадиган ва суртма қилинадиган дорилар ҳақида.

**Ўн тўртинчи фасл.** Совуқдан бўлган бўғин касалликларида ишлатилувчи суртма ва боғланадиган дориларнинг баёни.

**Ўн бешинчи фасл.** Бўғинларга алоқадор қаттиқ, қотиб қолган шишларни даволаш ҳақида.

**Ўн олтинчи фасл.** Куйдирувчи ўткир дорилар ҳақида

**Ўн еттинчи фасл.** Сонга ёпиштириб қўйиладиган банкалар ҳақида



*Ўн саккизинчи фасл.* Қуймуч оғриғида доғлаш тадбири ҳақида.

*Ўн тўққизинчи фасл.* Бўғин касалликларини олдини олиш чоралари ҳақида.

*Йигирманчи фасл.* Сон оғриғи ва ирқуннасодан сақланиш ҳақида.

*Йигирма биринчи фасл.* Бўғин оғриқларини тартиб олувчи машҳур дори-лар ва уларни истеъмол қилиш ҳақида.

*Йигирма иккинчи фасл.* Мазкур касалликларга жавҳари билан фойда қилувчи нарсалар ва уларнинг хоссалари ҳақида.



## БИРИНЧИ ФАСЛ БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ ВА КАЙФИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Улардан биринчиси моддий сабаб бўлиб, у қуйидаги вазлардан пайдо бўлади: иккинчи ҳазмнинг<sup>2</sup> бузилиши, яъни жигарда бўлувчи ҳазм ва учинчи ҳазмнинг<sup>1</sup> бузилиши, у томирларда бўлувчи ҳазмдир. Агар бу ҳазмдан бошқа чиқиндилар кўпайиб кетса ҳам касаллик пайдо бўлади. Мана шу иккита ҳазмга зид бўлган нарсаларнинг пайдо бўлишидан касалликнинг содир бўлиши аниқланади. Бу моддий сабабдир. Томирлардаги учинчи чиқиндиси, яъни озиқланувчи ўмров суягида бўлувчи чиқинди ва шунга ўхшаш аъзоларнинг ҳар биридаги чиқиндилар касалликнинг пайдо бўлишида қувватни заифлаштирмайди. Биз мазкур ҳазмларнинг ҳолатлари ва улардаги чиқиндилар ҳақида иккинчи фаслда шарҳлаб ўтамыз. Уларнинг пайдо бўлишини бажарувчи сабаб аъзолардаги қувватлардир. Улардаги нуқсонларнинг кучайиши эса уларга алоқадор бўлмаган ва бошқа аъзолардан келадиган чиқиндилардир. Улар баданни тadbир қилишда заифроқ ва камроқдир. Бадандаги аъзоларда пайдо бўлган бўғин оғриқларидан ҳар бирининг тайин қилинган жойи бордир. Бўғинларда бу оғриқларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш ерлари суякдир. Бўғинлар кенгайиш вақтида керакли миқдорда кенгайдилар ва узоқ боғланадилар. Шунинг ҳисобидан бўғинларда бир ҳолатни топасанки, бу ҳолатда улардан ҳар бирлари етарли миқдорда ва айтилганидек ҳаракат қилувчи бўлади. Улар шундай ҳикмат ва қудрат билан яратилганларки, булардан бошқа ҳеч қандай қудрат йўқдир, уларнинг яратувчиси ва бошқарувчиси эса Аллоҳдир.

Соғлом қувватли аъзодан чиқиндиларни даф қилишда ўзидан заифроқ ва пастроқ бўлган аъзодан бошлаш керак. Иккинчи маротаба даф қилип эса биринчисига кўра енгилроқ бўлади. Шунингдек, учинчиси тўртинчисига қараганда енгилроқ бўлади. Тиқилмаларнинг миқдори камайтирилса, уларнинг сифатларида ёки кайфиятларида ҳам ўзгаришлар бўлади. Агар чиқиндилар кам бўлса, уларнинг ҳаракати камроқ бўлади. Улар ҳаракатларининг кўпайиш ва пасайишларида эса ҳеч қандай манфаат йўқдир. Оғриқ бир бўғинда пайдо бўлса ва унинг шу ерда доимий бўлиши совуқликнинг кучлилиги ва иллатнинг оғирлигига далил бўлади. Чунки у ўша аъзонинг юқоридаги бўғини учун тиргович бўлиб, унга кириш ва чиқиш йўллари кенгайди ва унга қуйилувчи моддалар бирлашади ва аксинча, қачонки оғриқ дастлаб мана шу бўғинда содир бўлиб, кейин эса бошқа бўғинда бўлса, ўша биринчи маротаба содир бўлгани қуйи тарафга мойил бўлади ва иккинчи маротаба бўлгани эса юқоридагига мойил бўлади ва унинг зиддига далолат қилади. Агар касалликнинг тadbири бир тadbир бўлиб, баробар ёки тафовутли бўлса, чи-

қинди ва қолдиқлар баробар миқдорда бир неча муддат сақланиб қоладилар. Шунинг учун мана шу иллатнинг такрорланиш даврини ҳудди бир неча муддат давом этувчи иситмалар каби унинг ўзидан топасан. Агар унинг тадбири ихтилофли ва тафовутли бўлса, унинг такрорланиш вақтлари орасида фарқ бўлар эди, яъни аниқ бир вақтда қайталамайди. Лекин чиқиндилар пайдо бўлиш сабабларининг ихтилофи сабабли фарқланадилар. Шунинг учун қачонки оғриқ такрорланиши вақтининг оралиғи аниқ бўлиб, лекин навбатдагиси вақтидан ўтиб кетиб қўзилса, унинг сабаблари кучаяди ва қийинлашади.

Аммо касалликнинг кайфиятига келсак, агар у қуйдирувчи иссиқ бўлса ёки иссиқ ва совуқ бўлган ёмон мизожнинг ортишидан бўлса, ундан иссиқлик ёки қуруқлик содир бўлади. Иллатнинг кўзғалишига келсак, кўп ҳолларда у баҳор фаслида кўзғайди. Чунки қишда инсон баданида чиқиндиларнинг пайдо бўлиши кўпаяди. Бунга қишда уйқунинг узоқ бўлиши, ичиладиган сувлар ва баданни ўраб олган нафас олинувчи ҳавонинг совуқлиги сабабдир. Буларнинг барчаси табиатни кучайтириш учун бўлиб, улар табиий ҳарорат деб аталади. Табиий ҳарорат билан бу вақтда иштаҳа ҳам кўпаяди ва таомни кўпайтиришга ҳожат туғилади. Булар эса томирларнинг кенгайишига сабаб бўлади. Чунки бу вақтда хилтлар ҳаракатга келиб, музларнинг кўчишига ўхшаб кўчипга ўтадилар. Баҳор келгач эса хилтлар етилади. Бундан кўп оқишлар ва моддаларнинг заиф жойларга қуйилиши содир бўлади. Шунинг учун инсонлар бу вақтда ўзларини қон олдириш ва ични суриш билан бўшатадилар. Ёзда эса хилтлар камаяди. Чунки бу фасл иссиқ бўлиб, шариф аъзолар<sup>4</sup> уни кўтара олмайдилар. Яна ёзда бўғинларда кўп нарсаларнинг тўпланиши секинлашмайди, уларни баҳор фаслида қилингани каби даф қилинади.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### АЪЗОЛАРДА ТИҚИЛМАЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БАЪЗИ АЪЗОЛАРДАН БОШҚАЛАРИГА ҚУЙИЛИШИ ҲАМДА ИНСОНДАН ИЛЛАТЛАРНИ ЮҚОРИДАГИЛАРГА КЎРА ДАФ ҚИЛИШ

**У** чиқиндиларни даф қилиш ва бадандан чиқариб ташловчи нарсаларга келсак, улар кам бўлганлиги учун (овқат чиқиндиларидан ташқари) у чиқиндиларни чиқаришга кўп ҳожат тушмайди. Чиқиндиларни даф қилиш ва кетказишнинг кайфиятини эса фаҳм билан ҳисс қилиш керак бўлади. Буларни билиш учун энг аввал озиқлантирувчи аъзоларнинг фойдаларини сифатлаш керак. Оғизнинг энг ичкари қисми **томоқ** деб номланади, унинг кириш ва чиқиш йўллари бўлиб, биридан нафас ўтади ҳамда кўкрак ва ўпкага доимо ҳаво тўлдириб, туради ва у ўпка найи деб аталади. Бошқаси эса озуқа ўтади-

ган йўналиш деб аталади. У ўпка найининг орқасидан, бўйин умуртқаларининг устидан ўтади ва унинг узунлиги сўнг кенгайди. Ундан кейин меъда ва қизил ўнғач келади, у *марий* деб номланади ва у юқорида пастки қисми билан меъдага боғланади. Меъданинг қуйи қисмидан ингичка ичаклар бошланади. Агар сен қовоқни ёки унга ўхшаш идишнинг туби ва бошига ичакларнинг ёпишганини тасаввур қилсанг, меъда қизилўнғач ва ичаклар билан шундай ёпишганини кўрасан.

Ичаклар ҳақида баъзи мулоҳазалар шуки, ичакларнинг *диқоқ*, яъни юпқароқ ва ингичкароқлари, *гилоз*, яъни қалинроқ ва кенгроқлари бор. Яна улардан фақатгина бир оғизлилиги бордирки, унга кирадиган ва ундан чиқадиган йўл битта бўлиб, бу ичак кўр ичак деб аталади. Пастдаги ичакда бўшлиқ кенгайди ва унинг қуйи оғзининг устида эса ботиқ мушак бўлиб, у билан оғиз ҳаракати тартибга солинади ва бу ичак жигарга яқинлашиш учун ўнг тарафга бурилган бўлади. Меъданинг усти қобиқ билан ўралган бўлади. Ундан сўнг қорин бўшлиғи, жигар келади ва меъданинг ён тарафи ташқарисидан чуқурлашади. Бошқа тарафи эса букилган бўлади. Жигар *жирмидан*<sup>5</sup> ташқи қисмига бир томир чиққан бўлиб, уни *боб* деб аталади. Ушбу томирдан эса кўп майда томирлар чиққан бўлиб, уларнинг баъзиларидан ичакларга кўп нарсалар оқиб киради. Овқат ичакда сўрилаётган вақтида унинг қисмлари бир-бирини итариб суради, яъни улардан кичиклари катталарини сурадилар.

Жигарнинг дўнг ери, яъни қовурға тарафи ҳақида айтадиган бўлсак, у ердан бир томир ўсиб чиққан бўлиб, унинг номи *ажвафдир*. У жигарнинг жирми ташқарига чиққан жойдан жуда ҳам кўп қисмларга бўлиниб, баданнинг ҳамма ерига тарқалади. Мана шу томирдан ташқари жигарнинг ичидан бир томир чиққан бўлиб, у биз юқорида зикр қилган жигар *боби* ҳақидаги нарсаларга далолат қилади. Мана шу томирлар жигарнинг дўнг еридан чиқиб, ундан қон оқиб ўтади ва жамики аъзоларга етиб боради ва тақсимланади. Шунингдек, томирлар жигарнинг дўнг еридан кўтарилаётган вақтда икки қисмга бўлинади, улардан бири баданнинг юқорисига кўтарилади. Тушаётгани эса бир неча бўлақларга бўлинади ва жамики ташқи аъзоларга боради ва баданнинг пастки қисмига йўналади, тушишда яна бўлиниб, жамики пастки аъзоларга ҳаракат қилади.

Жигар аъзоси ўзига хос бўлган гўштдан таркиб топган ва зикр қилинган томирлардан, пардалардан, ҳамда ҳаракат томирларидан ташкил топган. Қоннинг жавҳари жигарда бўлиб, баданда бўлувчи жамики қон ундандир. Жигарнинг ўсиқлари бор, шу ўсиқларнинг энг каттаси *зоида* бўлиб, унинг устига ўт пуфаги қуйига томон осилтириб қўйилган.

Ўт пуфагининг иккита тармоғи бўлиб, улардан бири жигарнинг чуқур томонига кирган, иккинчиси эса ўт қопидан бир оз узоқлашиб тенг бўлмаган

шоҳобчаларга бўлинади ва уларнинг кўпи ичакларнинг баъзисига (ўн икки бармоқли ичакка) боради, лекин бундай ҳолат кам бўлиб, кўп ҳолларда унинг катта қисми меъданинг пастки тарафига боради. Агар меъдада ейилган нарсаларнинг барчаси турган бўлса, унинг устидан таом ейилса, унинг ҳазми бузилади.

Қора талоқда ҳам иккита тармоқ бўлиб, уларнинг бири жигарнинг ичкарисига, иккинчиси эса меъданинг оғзига боради. У иккисининг ҳар бирида яна иккитадан бўйин бордир, улардан бири жигарнинг дўнг еридан кўтарилаётган томирга, иккинчиси эса қовуқ томонга боради. Қовуқда иккита сийдик йўли бўлиб, улар қовуқнинг иккита қобиғидан ўтади. Улар аввал биринчи қобиқдан ўтиб, кейин икки қобиқ орасида бир оз йўл ўтгандан кейин ички қобиқни тешиб, қовуқ ўртасига киради ва сийдикни қовуққа қуяди. Қовуқдан чиқарувчи бир бўйин бўлиб, унинг бошидаги мушак кучли ушлаб турувчи бўлгани боис чиқинди суyoқликни ушлаб туради ва у исталганда қўйиб юборилади.

Энди гавдага озуқа берувчи ҳамда чиқиндиларни чиқариб ташловчи аъзоларнинг фойдалари хусусида зикр қиламиз. Биз кўлимиздан келганича юқоридаги аъзоларнинг маҳсулини кифоя даражасида бу мақсадимиз учун зикр қилдик.

Айтадиларки, инсон озиқланувчилардан бири бўлиб, унда овқатни узоқ тутиб туриш ва чиқиндиларни ушлаб қолиш хусусияти бордир. Шунинг учун айтилган нарсаларнинг ўтиб кетиши юз бермайди. Озиқ ҳазм жараёнида кўр ичак деб аталувчи ичакка бориб тўхташи керак ва у ичакда бир дона оғиз бўлиб, унга кирувчи нарсалар ҳам ва ундан чиқувчи нарсалар ҳам шу оғиздан ўтадилар. Бундан олдин эса кўр ичакка келувчи нарса юқори ичаклар ичида тўхтаб, айланиб чиқади, шунинг ҳисобидан мана шу ичакларнинг шакли пайдо бўлади ва шу вақтда ичаклардаги озиқнинг ювилиши тугалланиб, ундан қолганлари чиқиндига айланади. Унда [йўғон ичакда] итариш ва бадандан чиқариб ташлаш хусусияти бордир. Шу боис чиқинди ундан орқа тешик билан боғлиқ тўғри ичакка сиқиб чиқарилади ва мана шу ичакда кенг бўшлиқ бор. Юқоридаги ичаклардан фойда шуки, уларда парчалаш хусусияти бўлиб, таомлардан парчаланишга муҳтож бўлган нарсаларни парчалайди.

Чайналган нарса меъдага тушгандан сўнг, меъдада ўзига яқин турган жигар ва талоқ каби аъзолар ёрдамида суюлиб, сўрилади, бу эса биринчи ҳазм дейилади. Биринчи ҳазмнинг чиқиндиси ичакларга боради. Меъдада ҳосил бўлган оқиш суyoқлик юнонлар тилида *кайлус* деб аталади. Унинг суyoқ қисми меъда ва ичаклардан сўрилиб, майда томирлар орқали жигар дарвозаси (*боб*) номли томирга боради. Бу ингичка томирлар жигар дўнгидан чиққан томирларнинг оғизлари билан учрашган бўлиб, кайлус жигарнинг ҳамма ерига, яъни гўштига тарқалади ва шу ерда қон пайдо бўлади. Кайлуснинг

жигарда ҳазм вақтида юзага чиққан қисми сафро, чала пишгани балғам, мўътадил етилгани қон ва чўкмаси савдо бўлиб, буни иккинчи ҳазм дейилади. Қон шу ердан жамики аъзоларга тарқалади. Жигардаги иккинчи ҳазмнинг чиқиндиси уч аъзо, яъни ўт қоғи, талоқ ва буйраклар томонига ўтади. Улардан биринчиси ўт қоғидир. У юқоридаги тарафи билан жигарга боғланган. Бу йўл жигарнинг ўзига ва қон вужудга келадиган томирларга туташади. Ўт қоғининг иккинчи бўйни орқали ичакларга ва меъдага сафронинг ортиқчаси қуйилади ва ичакдаги рутубат (намлик) доимо ўт билан ювилиб туради. Агар ўт қоғи сафрони жигардан тортиб турмаса у жигарда қолиб, қонга аралашиб, баданга тарқалиб ва ўрнашиб қолиб, сариқ касаллигини келтириб чиқаради. Ўт қоғи билан касалланган шахсларда сарамас, *намла*<sup>6</sup> ва иситмалар содир бўлади.

Талоққа келсак, у ўзининг бўйни билан жигарнинг чуқурлигига туташган бўлиб, шу бўйин орқали савдони (қон қуйқаси) тортади ва ичкарасидан ўсган бўйин орқали савдовий ғализ чиқиндиларни ҳайдаб чиқаради. Агар талоқ аъзоларни савдодан тозалашга кучсизлик қилса мелахолия ва *дуволи*<sup>7</sup> келиб чиқади. Талоқдаги хилт унинг озиқланиши учун сарф бўлади. Талоқдаги ҳазмдан унда (савдода) нордонлик ва ушлаб туриш хусусияти пайдо бўлади. Бошқа бўйиндаги йўл меъданинг оғзига ёпишган бўлиб, унга озоздан савдо тушиб туради. Агар талоқ меъда оғзига савдони жуда кўп юборса, очқиш кучаяди.

Икки буйракка келсак, уларга сувга аралашган қон келиб, уни қовуқ сувлик қисмидан ажратади. Буйракнинг гўшти кучли (қаттиқ) бўлади, чунки жигардан келадиган суюқлик ўткирлиги билан уни бўшаштириб юбориши мумкин. Буйрак қон чиқиндиларидан тозалангач, уларни (чиқиндиларни) ҳайдайди. Агар чиқиндиларни тозалашга буйрак заифлик қилиб, улар қонга ўтиб кетса, юқорида биз айтган касалликлар содир бўлади. Сувлик чиқинди, (яъни сийдик) сийдик йўлидан қовуққа оқиб ўтади. Қовуқнинг ичида эса сийдикнинг тўлланиши учун кенг бўшлиқ мавжуд. Бу эса инсоннинг ҳар бир соатда ҳожатга чиқавермаслиги учун керакдир. Яна қовуқ ичидаги мушак сийдикнинг чиқиб тарқалиб кетишига йўл қўймайди. Қовуқ икки табақали бўлиб, унинг ички табақасидан ўткир (куйдирувчи) сув ўтади, яъни сувлилик ички табақага тортилади ва ундан чиқади, бу эса буйракдан унга туташган иккита сийдик йўли воситасида бўлади. Бу йўллар эса қовуқни икки табақага айиради ва уларнинг орасига киради. Қовуқ тўлганда эса икки табақа бирлашгандек бўлиб, уларнинг орасидаги йўл гўё йўқолади, кейин сийдик қовуқнинг эгри бўйнидан чиқиш йўлига кетади.

Буйраклар озиқ оладиган томирларга келсак, улар жигардан чиқувчи *толеъ* томирдан ажралиб, икки буйракка боради, улар қонни сув қисмидан тозалайди. Қоннинг сув қисми буйракларни озиқлантиради. Қон *толеъ* (кўтари-

лувчи) томирлардан ва жигарнинг дўнг еридан баданнинг бошқа жойларидаги томирларга тарқалади ва уларнинг ичида яна пишади. Мана шу томирларда тарқалувчи нарса ва мазкур ҳазмнинг чўкмаси сийдикда ҳам бўлади. Шунинг учун чўкмалар жуда ҳам кўп нарсаларга далолат қилиши мумкин.

Томирларда яна пишган қон томирнинг майда тешикларидан сингиб, гўштга чиқади ва баданнинг муҳтож ерларигача боради. Уни томирлар ҳазми дейилади. Томирдан сингиб, гўштга ўтган қонлар ҳолати яна ўзгариб, қон қуюқлашади ва гўштга айланишга мойил бўлади.

Бу эса бадан ҳазми бўлиб, учинчи ҳазм ҳам дейилади. Бунда яна ўзидан олдинги ҳазмларни жамлаш мақсади ҳам бордир. Бу ҳазмда иккита чиқинди бўлиб, уларнинг чиқиб кетиши учун махсус йўл йўқ, улар тер ва оғриқдир. Тўрт аъзода мана шу чиқиндилар қарор топмайди, чунки уларда қайтарувчилик хусусияти мавжуд.

Мана шу аъзолар нарсаларни ўзларидан заиф бўлган аъзоларга даф қилгани учун ўша чиқиндиларнинг бир аъзодан суриб чиқарилиб, бошқа жойга даф қилиниши тўхтамайди. Ҳамда мана шу аъзода баъзи оқувчи касалликлар пайдо бўлади. Булар оёқ томирларининг кенгайиши, фил касаллиги, бўғин касалликлари, саратон, қизамиқ, флегмона ва бошқалар бўлиб, улар совуқ сафродан пайдо бўлади. Бу ерда энг катта манфаат хилтларни бадандан чиқариб ташлашдир. Энг катта зарар эса уларнинг бадан ичида қолиб кетишидир. Яна мазкур бегона чиқиндиларни шарафли аъзолардан даф қилиш энг катта манфаатлардан биридир. Ундайларнинг жисмларида ҳар турли шишлар, лимфа безларининг шишиб кетиши, шуса каби асаб касалликлари шунга ўхшаш бошқа касалликлар учрамайди яна уларда иситма касалликлари ҳам бўлмайди. Агар касаллик бўҳронининг теллашиш ҳолати юз берса, нарсалар бўғинлар томон боради, бўғин бундан заифлашиб, хилтларни қабул қилади, яъни бошқарувчи аъзолар чиқиндиларни уларга йўналтиришга мойил бўлади. Шу сабабли аъзоларда катта офатлар юз бермайди ва улар сурункали касалликлардан нажот топиб, халос бўладилар. Яна қудратли ва буюк Аллоҳ ўз ҳикмати билан ҳар бир аъзонинг тирик сақланиши, уларни бегона чиқиндиларни даф қилиш учун чидамли, ҳамда кучли қилиб яратиб қўйган. Шу боисдан ҳам юрак ўзидаги чиқиндиларни бошқа аъзоларга ҳайдайди ва буюк амр билан аъзоларнинг чиқиндилари эса унинг томонидан қабул қилинмайди. Мияга келсак, унда шундай табиат борки, у билан барча ишлар бажарилади, шу жумладан ҳимоя қилиш ва севиш ҳам. Юракдан чиқиндиларни чиқаришда заифлик бўлса, бунинг учун махсус кенг ўтиш йўли қилинган бўлиб, у чиқиндиларни ҳайдашга мослашган. Мен бир сафар бўғин касалликларидан бирига йўлиққан кишини даволамоқчи бўлган эдим. Унда хом шиш бор эди. Лекин бу касалликдан олдин бошқасини даволаш керак бўлди, яъни бир хато туфайли кучли шамоллаш рўй бериб,

унда нафас йўлидан кўкрагига оқувчи нарса кўп эди. Бу каби касалликлар жуда узоқ муддатга чўзилар эди. Бу касаллик зўраявергач, у ўпкасидан қаттиқ қўрқиб қолди ва табибга мана шу чиқиндининг ҳаммасини чиқариб ташлаш фикрини билдирди. Бош ва ўпкадан чиқиндиларни ҳайдаш учун бўғинларга зид бўладиган тадбир билан, яъни табибларнинг ўрталари даволайдиган усул билан даволадим. Мана шу касаллик бўлган вақтда бош ва кўкракка иссиқ сув билан компрес қилиш керак. Сувда эса эритувчи, хушбўй, юмшатувчи ва латифлаштирувчи дорилар қайнаган бўлиши керак. Бошнинг тадбирида унга эритиб тарқатувчи тадбирлар қаторида яна бошга қувват берувчи ёки хушбўй нарсалардан суртиш керакдир. Улар гул ёғи, шароб сиркаси бўлиб, яна кучли совутиш учун миртанинг қайнатмаси сепилади. Яна ҳаво хушбўй нарсалар билан яхшиланиши ва сандал, гул суви, кофур ва шунга ўхшаш елкани қувватлантириш тадбирида ишлатиладиган бошқа дорилар ишлатилади. Бўғинларнинг устига чиқиндиларни ҳайдовчи нарсалар қўйилади. Иссиқ сув билан компресс қилинади. Икки кун ўтмасдан касаллик қўзғала бошлайди ва учинчи кун оғриқ бошланиб, бошдаги касаллик кетади. Тўртинчи куннинг охирида эса бемор бошида ана ўша моддадан бирор нарса ҳам қолмайди ва ўнг оёғининг тиззасида кучли оғриқ билан жуда катта шиш пайдо бўлади ва ўнг қўлининг тирсак суягида эса ана ўша шиш каби бир нарса ҳосил бўлади, унинг бошида бўлган иллат эса миянинг ўнг тарафига мойил бўлади. Ҳаяжон, акса уриш ва қичима эса ундаги аҳволга белги бўлади.

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИНИ УЛАРДА ТУҒИЛАДИГАН МОДДАЛАРГА ВА БЕЛГИЛАРГА ҚАРАБ ТАҚСИМЛАШ

**Б**ўғин касалликлари кўп ҳолатларда балғамдан ва пишиб етилмаган хом хилтдан пайдо бўлади, кўпинча эса қондан, булардан камроқ ҳолатда сафродан, жуда ҳам кам ва ноёб ҳолатда эса савдодан пайдо бўлади. Агар у мураккаб бўладиган бўлса, кўпинча сафро ва иссиқлиги кам бўлган юмшоқ балғамнинг аралашмасидан пайдо бўлади. Яна кўпинча қоннинг кўп миқдордаги сафро хилтига аралашшидан ва булардан кам ҳолатда балғамнинг савдога аралашшидан бўлади. Мен уларнинг ҳар бир синфлари аломатларини Аллоҳ хоҳласа, айтиб ўтмоқчиман. Яна айтаманки, касаллик оғриқнинг туридан, беморни тинчлантирувчи муолажа усулидан ҳамда аввал бўлиб ўтган касалликларнинг тадбиридан ва мизожидан бўғинга мойил эканлигини билиш керак бўлади. Юқорида зикр қилинган иллатларнинг кўп ҳолатларда биттаси ёки иккитаси билан чегараланиб қолиш мумкин. Уларни билиш учун чуқур тадқиқ қилишимиз керак бўлади. Яна бу касалликни даво-



лашда кўп хатоларга йўл қўйилган. Мен бу нарсаларни Аллоҳнинг ёрдами ила тўғрилаб ёзмақчиман.

Мен айтаманки, ранг ёрдамида далил олиш ишнинг аниқроғи бўлади. Агар касал жойнинг ранги қизил бўлса, модда қондан пайдо бўлганлигига далолат қилади. Агар сариқ бўлса, сафродан пайдо бўлган бўлади, агар оқлиги жасаднинг бошқа ерларидан ҳам кучли бўлса, радиэ бўлмаган бағрам моддасига далолат қилади, агар у ернинг ранги тўқ ва қоралик билан ўралган бўса, у нарса савдо моддасига далил бўла олмайди, чунки бу рангга мойиллик иссиқдан бўлган бошқа шишларга ҳам далолат қилади. Аъзода қон тикилмаси бўлганда ҳам шу ҳолат кўрилади. Лекин агар у қора рангга ва совуқ бўлса ва беморнинг бошида ҳарорат бўлмаса, ундай ҳолатда ранглар далолатига эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш керак бўлади ва аъзони ҳаво ёки иссиқ сув, ҳаммом ёки иссиқ мизожли дори билан иситилади ёки унинг устига даволайдиган дори қўйилади. Аммо агар ўша жойнинг ранги жасаднинг бошқа ерига ўхшаса, ундай ҳолатда ўша туғилувчи дард шуларнинг ўзидангина бўлмайди. Чунки у ердаги модда юқоридаги хилтларнинг бирортасига ҳам ўхшамайди, лекин у бадандаги хилтларнинг баъзиларини бошқаларидан муҳофаза қилади ва хилтлар миқдорларидан бўлган оғриқларни уларнинг кайфиятларига ўтказилади. Яъни оғриқ тўлиш ва кўпайишдан бўлади. Модда эса аъзонинг жуда ҳам чуқур ерларига кўчиб юрувчи бўлиб, унда рангни зоҳиран кийиб олувчи нарса йўқдир. Агар тўлиб кетишликнинг далиллари зоҳир бўлса бемор аъзоларининг чуқур ерларида оғриқ ҳис қилмайди. Бундай ҳолатда модда бугун бадандаги хилтларнинг нисбатларини сақлашга ҳаракат қилади. Яна тўлиб кетишдаги оғриқ хилтларни қайтаришга сабаб бўлади. Тўлиб кетишнинг далиллари бўлмаса, оғриқ бошқача бўлади ва фонл хилтнинг кайфиятидан содир бўлганини билдиради. Бу ҳолда эса ранг бадан сатҳига чиқмайди ва оғриқ сабабларининг далилини бопқа нарсалардан излаш керак бўлади.

Тўлиб кетишлик далилларининг баёни. Тўлиб кетишликнинг далилларига келсак, уларни ўша нарсадан олдин бўлган ҳолатга борлаб баён қилиш керак. Жасаднинг ҳаммасида қалтираш рўй беради, аъзоларда чўзилиш, ҳаракатларда дангасалик ва секинлашиш содир бўлади. Яна юз, кўз ва жасаднинг бошқа ерларидаги томирларнинг тўлиб кетиши ва бемор рангида қизилликнинг кўпайиши кузатилади. Бу нарса пешонада ва калларда камроқ бўлади. Овқатга бўлган иштаҳа сусаяди, уйқу ва уйқудан терлаш ортади. Агар жасаднинг ҳаммасида кўпайиш бўлса, терида чўзилиш ортади. Демак, агар оғриқ бўлса, у аввалги нарсаларнинг кўпайишидан ҳамда бўшатишни тарк қилишдан содир бўлади. Касалликнинг қайталаши ёки аҳолининг оғирлашиши қон олиш, сурги қилиш, чарчаш, жинсий алоқа қилиш, ҳаммомда терлаш, бедорлик, қаттиқ фикрлашдан бўлиши мумкин. Касаллик қайталаса айтганларни ҳурсандчилик, уйқу ёки ўтирадиган ва ухлайдиган жойда со-

вуқликни ошириш билан алмаштирилади. Мавзуга тегишли далиллар иссиқлик, совуқлик, қаттиқлик, дағаллик, юмшоқлик, тўлиб кетишлик, чўзилишлик, бўшлик ва сиқилишликларга бўлинади. Агар далил иссиқлик бўлса, демак модда иссиқ бўлади, агар совуқ бўлса, ундаги модда ҳам совуқ бўлади. Балки яқин вақт ичида шу аъзо устига совуқ сув қуйилган ёки совуқ ҳаво пуркалганлиги боис у ушлаб кўрилганда зоҳиран совуқ бўлиши мумкин. Балки яна ўша аъзо борланган ёки жуда кучли муолажа қилинган, ёки бемор шу аъзо устида ухлаган бўлса, бу ҳолатда унинг ташқарисига қон қуйилиб, қаттиқ қизийди. Агар модда ўша иссиқлик пайдо қилингунига қадар бўшамаса, иссиқлик унинг табиатига қайтади ва ушлаб кўрганда сезилади. Балки кафт ушлаб кўришда мўътадил даражада иссиқ бўлиб, аъзодаги совуқлик ва иссиқликни аниқлай олмас.

Яна шундай аъзолар борки, уларда ортиқча ҳарорат бўлмайди, аммо уларнинг табиати ўзгармайди. Ҳарорат қўлтиқ ва човдан маълум бўлади. Билак суяги ва тизза ҳам шундай.

Қаттиқликка келсак, у нарса қуруқ ёки ғализ моддага далолат қилади. Юмшоқлик унда ҳўллик ва суюлиш билан содир бўлади. Агар аъзони мўътадиллашгирмоқчи бўлсанг, уни ташқи тарафдан ё иситилади, ёки совутилади. Совуқлик қаттиқ чиқиндилардан бўлади ва аксинча.

Дағалликка келсак, у қуруқ моддага, юмшоқлик эса ҳўл моддага далолат қилади. Агар дағаллик мавжуд бўлса, ўша ерга сиқувчи дорилар қўйилади ва силанади, агар бошқа нарса содир бўлса, уни тинчлантирилади.

Тўлиб кетиш<sup>1</sup>, ва чўзилишга<sup>9</sup> келсак, улар модданинг кўпайиб кетишига ёки унинг ичидаги бузилган нарса ва ҳавонинг кўпайишига ва уларга зид бўлган нарсаларнинг камайишига далолат қилади. Чўзилиш эса хилтнинг кўпайиб кетишидан бўлади. Агар хилтнинг камайиши билан у ҳам камаймаса, ёки чўзилишни пайдо қилувчи ҳаракатдаги бошқа нарса ҳам камаймаса, унда кўп миқдорда буғ тўпланади.

Чўзилишдаги оғриқ турига келсак, ачишиш, санчиқ ва урилиш ундаги модданинг иссиқ эканлигига далолат қилади. Урилиш эса яна ғализ хилтга ва йирингнинг гўшт ичида сиқилиб қолганига далил бўлади. Сиқилиш қаттиқ бўлгани боис ўша модданинг қондан бўлганлигига далолат қилади. Аммо ачишиш ва санчиқ сафродан бўлади. Бемор оғриқни ҳисс қилаётганда ўша аъзо қисқараётган ва йиғилаётган бўлиб, оғриқ йиғилиш тўхтагунича бўлади ва шу ерда тутилиб, туриб қолади. Шу ҳолат такрорланса, модданинг совуқлигига далолат қилади. Яна биз айтамызки, ўша совуқ модда кучли оғриқ билан бўлиб, аъзо ушлаб кўрилганда ҳарорат бўлмаса, бундан ташқари иссиқдан бўлган моддада аъзо қичишиб, санчиб оғриси ва ҳар тарафга чўзилаётгандек бўлса, шу билан бирга мўътадил кафт билан ушлаб кўрилганда терини чўзгандек кучли оғриқ бўлса, бундан бадан тўлиб кетганлиги ва

хилтларнинг қайтарилмагани билинади.

Даволаш усулларидан бири шуки, агар у [бемор] совуқ нарсалар билан тинчланса ва ором олса, иссиқ нарсалар эса унга ёқмаса ва уни безовта қилса, демак, дард иссиқдан пайдо бўлган бўлади ва аксинча. Беморга қилинадиган тадбирлардан бири шуки, агар унинг чанқоғи давомли бўлса, бунга сабаб ёғли овқатлар, ширинликлар ва шаробни кўп ичишдир. Гўшт, тухум, қуюқ шўрва, талқонлар ва ҳарисалар каби озуқалиги кўп бўлган таомлардир. Шу билан бирга энгил бадан тарбия қилиб туриш керак.

Қондан бўлган модда касаллик ҳуружидан олдин сафро тундирувчи иссиқ озуқлар ейишдан, чарчаш, кўп меҳнат қилиб, кам ухлаш ва кам чўмилишдан пайдо бўлади. Бунда модда қўзғалади. Агар озуқаси кўп бўлган нарсалар, масалан, ҳўл мевалар, полиз экинлари, буғдой, ҳазми оғир нарсалар берилса, кўп шароб ичилса, уйқу кўп бўлиб, ҳаракат бўлмаса, модда балғамли, хилт эса хом бўлади.

Аммо қонни савдовийга айлантирадиган тадбирга келсак, бу нарса сабабли бўғин касалликлари камроқ содир бўлади. Чунки бу тадбир қонни қуюқлаштиради ва ғамгинликни кучайтиради, бадандаги жуда кўп нарсаларни тарқатади ва шу билан бирга деҳқонлар ва шу кабиларнинг баданларининг ҳолатлари каби қаттиқлик ва йўғонликни пайдо қилади. Ғализ озуқалар ва (оғир) кучли ҳаракат модданинг оғир бўғинлардан шу бўғинга қуйилишини келтириб чиқаради ва уни (моддани) эритиб, ўша бўғинга жойлаштиради. Агар беморнинг мизожини аниқлашни исталса, қуйидагиларга эътибор қилиш керак.

Агар унинг ранги оқ ва қизиллиги кўп, эти (кесилганда) чиroyли, мўйла-ри кўп, териси нозик ва қизилга мойил бўлса, биз бундай инсонларнинг қон мизожли эканликларини биламиз.

Агар одамнинг бадани юмшоқ, ранги оқ бўлиб, мўйлабида қизиллик бўлмаса, майда томирлари кўриниб турса, эти бўшашган, ушлаб кўрилганда жуда ҳам юмшоқ бўлса, бўғинлари дағал ва аёлларнинг суяклари каби майда бўлса, биз бундай инсонларнинг балғам мизожли эканликларини биламиз.

Агар унинг гавдаси қотма, ранги сариқ бўлса, томирлари ва суяклари йўғон бўлиб, бўғинлари кўриниб турса, биз бундай инсонларнинг сафро мизожли эканликларини биламиз.

Агар тананинг ранги қора бўлиб, ўзи ҳолсиз ва букилган, териси қуруқ ва дағал бўлса, биз бундай инсонларнинг савдо мизожли эканликларини билиб оламиз. Бўғин касалликларига учраган мизож эгаларига берилган таъриф шудир.

Бўғин касалликларининг одам ёши билан боғлиқлигига келсак, улар ўсмирларда ҳам учрайди, яна у эркаклар ва аёлларда ҳам содир бўлади. Ёш

Йигитлар орасида кўпинча қон ва балғам моддаларининг сафрога айланиб кетишидан пайдо бўлади. Ўрта ёшларга келсак, уларда ўт ва қоннинг сафрога айланишидан келиб чиқади.

Қарияларда эса бу касаллик кўпинча тарқалувчи хилтлардан пайдо бўлади. Бу хилт эса сафро ва савдонинг уларнинг баданларида кўпайиб, иссиқдан бўлган ҳазми заифлаштиришга сабаб бўлади.

Бўғин касалликларининг совуқдан пайдо бўлишига келсак, улар қон ва балғамдан бўлади. Бўғин касалликларининг фасллардан пайдо бўлишига келсак, ёз ва куз фаслларида аъзоларда сафро ва савдонинг кўпайиб кетишидан, қиш ва баҳорда эса балғам ва қоннинг кўпайишидан содир бўлади. Айтадиларки, қондан бўлган модданинг далилларидан бири рангнинг қизил бўлиши, чўзилиш, ҳарорат, мудофаа, кўчиб юриш ва урилишнинг бўлиши ва юқорида зикр қилинган бошқа нарсалар.

Кучли иссиқдан бўлган сафровий моддаларнинг далилларига келсак, уларда чўзилишлик кам бўлади ва шишнинг ҳажми бўш бўлиб, унинг ўрнидаги рангнинг қизиллиги кам бўлади ва санчиб оғриқди, оғриқ эса тери тарафига ва баданнинг юзасига сафрони чиқарадиган бошқа нарсалар туйғули бўлади. Балғам моддасининг далилларига келсак, улар мудофаасиз чўзилиш, урилишсиз ва ҳиссиз ҳолда оғриқнинг бўлишидир. У гўёки бир жойда узоқ туриб эскирган нарсага ўхшайди ва унда қизилшик, сариқлик, ҳарорат ва хилтларнинг баданда камайиб кетиши юз беради. Ундан ташқари уларни бирлаштириш ва чиқариб ташлашга имконият бўлмайди. Бу нарсалар ҳақидаги сўзлар меникидир, уларга ҳеч қандай кўшимча талаб қилинмайди, аммо агар модда мураккаб хилтли бўлса, содда хилтларнинг далилларини билиш керак. Уларни билганингдан сўнг эса мураккабининг таърифи қийин бўлмайди ва яна биз зикр қилган бошқа сабаблардан ҳам ёрдам сўралади.

## ТўРТИНЧИ ФАСЛ БЎҒИН ОҒРИҚЛАРИГА АЛОҚАДОР БЎЛГАН УМУМИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА

**А**гар биз айтиб ўтган нарсаларимизнинг далилларини билиб олган бўлсак, қуйидагиларни айтамыз: қондан пайдо бўлган фализ моддани чиқариш учун ўша аъзонинг қарама-қарши тарафидан қон олишдан бошлашимиз керак бўлади. Чунки биз бу иш билан икки амални жамлаб оламыз. Улардан биринчиси моддани ўз ўрнидан тортиб кўчириш, иккинчиси эса унинг негизини парчалаш, тарқатиш ва уни тугатишдир.

Агар оғриқ ўнг оёқда бўлса, ўнг қўлнинг *босилиқ*<sup>10</sup> деб аталувчи томиридан ёки унинг баъзи шоҳобчаларидан қон оламыз. Ундан ва шоҳобчаларидан

бошқа ерларга оқизиб юборилмайди. Агар томирнинг шоҳобчаларидан бирортасини топа олмасак *акҳал*<sup>11</sup> деб аталувчи ўртадаги томирдан қон оламиз. Бу томир эса *абто*<sup>12</sup> томирининг *босилиқ* деб аталувчи шоҳобчаларидан бири бўлади. Елка курагининг томиридан *қийфол*<sup>13</sup> деб аталувчи бир шоҳобча ажралиб чиқади. Унинг вазифаси қонни ташиб юришдир. Шунинг учун бу томир юқори қисмидан *ахвафта*<sup>14</sup> ажралади, сўнг бўйин томирига боради. У бўйиндаги икки томирга бўлингандан кейин ўша ернинг ўзидан елка курагининг томирларига бирикиб кетиб, қўлга келади. Шу сабабдан: у тезлик билан бош ва бўйин тарафдан қонни юргиза бошлайди. Аммо [унинг] пастки тарафида эса *абто* томири, ундан сўнг эса *босилиқ* томири келади ва бу томир пастга қараб тақсимланиб, қовурға орасидаги кўкрак деворидан ташқарига чиқади ва *абто* томири тарафидан қўлга қайтиб келади. Шунинг ҳисобидан у тезлик билан пастки тарафларга қонни юргиза бошлайди. Лекин кучли оғриқ туфайли касаллик қўлда бўлса, моддани ундан икки тарафга ўтказиб юборса бўлади. **Биринчиси** - модда бошқа қўлга ўтказилади. **Иккинчиси** - оғриётган қўлнинг қарама-қаршисидаги оёққа ўтказилади. Бунинг учун оғриётган қўлдан ёки у иккисининг ҳаммасидан қон олинади. Қон олишни эса иккинчи [чап] қўлдан бошланади. Сўнг унинг қарама-қаршисидаги оёқдан олинади ва уни ўша ерда тўхтатилади. Агар оғриётган қўлда жуда катта шиш бўлса, иссиқ шиш учун оғир бўлган сабабнинг йўқлиги учун қувватга қарагандан сўнг қондан пайдо бўладиган нарсага эътибор бериш керак бўлади. Булар урилиш, чўзилиш, шамоллаш ва сарамас касалликларидир. Агар у шиш катта бўлса, уни бўшатишни кўпайтирилади. Агар унинг эдди бўлса, мана шу касалликларнинг ўзидагина эҳтиёж туғиладиган нарсаларни кўпайтирилади. Яна ўша ернинг ўзини боғландиган, оғриқ жойига қўйиладиган компресслар ва шу каби нарсалар билан ҳўлланади. Уларнинг ишлатилиши қуйидагича: дорини талқон қилиб, бир кунда бир маротаба қўйилади. Кимки ўнг қўли билак суягининг тугаган еридан кучли лат ейиш оқибатида эти узилиб, ранги қизариб кетса, алангаланиш, иссиқдан бўлган катта шишлар пайдо бўлса, бу катта ёрдам беради. Касалликни даволашдан олдин сут, ширинликлар, гўштлар ва шаробларни кўп истеъмол қилиш керак. Шунда унинг қуввати мукамал ва тўлиқ бўлади. Кейин унга ўнг қўлидаги *абто* томиридан ва ўнг оёғининг *софин*<sup>15</sup> деб аталувчи оёқ тўпиғининг томиридан бир вақтнинг ўзида қон олиб ташлаш-буюрилади. У иккисининг ҳар биридан ярим *ратл* қон олинади, сўнг овқатлантирилади. Қон олингач, уч соат ўтгандан сўнг яна уларнинг ҳар биридан ярим *ратл* дан қон олинади, кейин яна овқат берилади, ўша уч соатдан яна уч соат ўтгач, *софин* томиридан ҳам ярим *ратл* қон олинади. Мана шу вақтга келиб, мазкур оғриқ ва лат еган жойнинг катталиги камаяди. Бу қон олишни бир марта қилиш керак. Яна ўша ерда бўлган икки тарафдаги томирлардан бир хил тарзда қон олиниши керак. Яна улар қуруқ ва хотир-

жам ҳолатда бўлишлари керак, лекин модда пастга тортилишида касаллик икки нарсани из қилиб қолдиради, яъни фойда ҳам, хотиржамлик ҳам бўлмайди. Уларнинг биринчисини бу ўринда айтишнинг фойдаси йўқдир, шунинг учун мен уларни айтиб ўтирмайман, иккинчисининг эса фойдаси катта бўлиб, бу ўринда мисол билан уни билиш хос ва зарурдир. Шунинг учун мен уни айтиб ўтаман.

Агар шу ўринда мазкур касалликлар учун оғриқ ўнг қўлда бўлсаю ва у заифроқ бўлса, моддани пастки тарафга кучли тортиш керак. Яна тарафнинг биридан қон олишга эҳтиёж бўлишига қаралади. Мен қондан пайдо бўлган бўғин касаллигига учраган бир кишини даволаган эдим. Унинг ўнг қўлидаги иккита тирсак суягининг орасида ва билак бўғинларида оғриқ бошланган эди, ундан қон олишдан олдин суюқликларни чиқариш билан унинг оёғида ёки унинг қарама-қаршисидаги қўлида бу оғриқ даволадимми йўқми, деб ўйладим. Унинг ўзи эса оғриқни чап қўлининг бўғинида деб ҳисоблашини ва кўп ҳолларда у қаттиқ бўлишини айтганида ўша нарсанинг иккита оёғидан бирида бўлмаслигини ҳисобга олиш кераклигини билмаган эди. Унинг чап қўлидан қон олишдан воз кечилди ва ўнг оёғидан қон олинди ва талаб борлиги учун унинг муолажасида бир оз олдинга ўтилди. Унинг чап қўлининг баъзи бўғинларида шишлар борлиги сабабли ўнг қўлини ўрияб-сар қилиб қон олинди ва ундаги оғриқ бир оз муддатга таскин топди, лекин иккита тирсагининг орасидаги бўғинлар ғалаёнга келдилар. Ўнг қўлидан қон олиш жуда қаттиқ оғриқ ва катта шишлар бўлган иккинчи тарафидаги оғриқни кучайтириб юборди. Бу киши оқайтган нарса уни қийнаётганини айтганида, унинг қўлидан қон олиш тўхтатилди ва у юқорида айтиб ўтилган аввалги талабларни эслади ва уларга суянди. Шу ишлардан сўнг менга муҳаббат қўйиб, мақтади.

Мен катта табибларнинг фикрларига қўшилган ҳолда ва тажрибамга суянган ҳолатда ўз фикрларимни айтаманки, бу икки қарама-қарши бўлган нарсанинг бири, яъни моддани бошқа тарафга тортишни ихтиёр қилиш яхши ишлардандир. Оғриқда унинг қачон бошланишининг фарқи йўқлиги тажрибадан ўтгандир. Яна бемор эътибор бериши керак бўлган нарсалари ўша тарафда каттароқ ва кучлироқ бўлади, ёки ўша ерларда оғриқ бошланган бўлади. Бемор мана шу ҳолатга тушганда ўзидан қон олдириши ёки ҳушбўй нарсалар суртиши, ёки ўша аъзони ишқалаши, ёхуд суюқликлар суртиши, ёки компресс қўйиши, ёки мана шу тарафда моддаларни пайдо қилувчи бошқа талбирларни қилишга аҳамият бериши керак бўлади. Мана шунинг ўзи тарафларнинг бирига моддани тортиш учун кифоя қилади. Лекин ана ўша иккита тарафнинг бирида шариф аъзо бўлса, унда яра пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

Мен айтаманки, агар бирор кимсанинг ўнг қўлининг баъзи бўғинларида

қон олишни тақозо қиладиган оғриқлар бўлиб, лекин, унинг қовуғида иссиқ шиш бўлса, ёки шу нарса унинг баъзи ичакларида илгари ёки ҳозирда бўлса, ёхуд шундай ҳолат бачадонда ҳам кузатилса, мана шундай пайтларда унинг оёғидан қон олиш мумкин эмас. Агар биз бу ишни билмасдан қилиб қўйсақ, ўша шишган аъзони шикастлантирган ва моддаларнинг кўпини унга йўналтирган бўлар эдик. Агар ўнг кўлининг ўзидангина қон олишимиз лозим бўлса, бундай қилиш учун мавжуд шишдан ҳам хавфлироқ қондан бўлган шиш ўнг тарафда бўлиши керак, масалан, гўёки жигардаги ёки буйракнинг ўнг тарафидаги хавfli катта шишлар каби, ёки ўнг чотдаги хатарли катта чип-қон каби. Агар ўнг кўлининг бўғинидаги оғриқлар заиф, енгил, ёки ўртача бўлса, биз хатарли, оғир шишнинг кучайиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак бўлади. Яна моддани иккита тарафининг бирига етказишда бизларга бир ишнинг ичида иккита иш буюрилади. Масалан, бир аёлда иккита кўлининг баъзи бўғинларида қон олишни тақозо қиладиган оғриқлар пайдо бўлди, шу билан бирга оғриқ тўхтаган эди, ундан қон олишнинг ҳам кераги бўлмади қолди. Мен айтаманки, у аёлнинг оёғидан ҳамда қарама-қаршисидаги кўлидан қон олиниши зарур бўлди. Чунки бундай қилсак, иккита иш бажарилади, биринчиси, оғриётган жойдан модда кўчирилади, иккинчиси - дайз қони юргазилади. Биз улар ҳақда бу бобда етарлича хабар бердик. Агар улардан бирортаси қолиб кетган бўлса, чўчиманг. Чунки уларни айтаётган сўзларимизнинг ичидан чиқариб олиш мумкин.

Аммо юқорида айтиб ўтилган аёлга келсак, учинчи бўшатишнинг вақтидан яна уч соат ўтгандан сўнг унинг софин томиридан ярим ратл қон олиб ташланди. Оғриқ кучли бўлгани учун у ўша кечаси ухлатилди. Шу боис яхши ва мулозим нарсалар қўйиб қўйилганлигини билмади. Қон олинган кундан учинчи, соғайиш кунини келганида у жуда ҳам ҳушфеъл бўлиб қолди. Мен эса унинг зикрини бу мақолада қисқароқ қилиш учун жуда ҳам кам таъриф қилдим. Мана шулар қонни чиқариб ташлашда фойдаланадиган ашёларнинг мукамалларидир. Шунинг учун уни, яъни қон олишни қувватнинг яхшилигига қаралгандан сўнг муолажамизнинг аввалига қўйилади. Аъзоларни ушлаб кўрилганда уларнинг иссиқлиги билингандан сўнг уларда чўзилишлик, шиш бир оз енгил бўлса ва бўғин касалликларининг бундай турлари кўпайса, уларни бошқа касалликларсиз, ўзларини махсус ўрганиш керак бўлади.

Аммо уларни даволашда қон олишдан бошқа нарсаларга келсак, агар аъзоларни қувватлантирувчи ва улардан моддаларни даф қилувчи нарсалар ҳақида айтадиган бўлсак, улар ушлаб турувчи совуқ суртмалардирки, биз уларни мана шу фаслда айтиб ўтаемиз. Аммо биз уларни баданни бўшатишдан олдин буюраемиз. Модда қайтарилиб, бир шариф аъзода пайдо бўлишида баданнинг тўлиқ ёки бўшатишган бўлишининг фарқи йўқдир. Яна агар

оғриётган жойнинг ўзи дармондан кетса, шу жойга дармонни қайтарувчи боғламалар ва суртмалар қўйилади. Бу нарсалар модда жуда ҳам кўпайганда бўлади. Улардан қон олинса ва ўзининг еридан қайтарилса, шу билан аъзоларни кучайтириш энгиллашптирилса, модданинг тарқалиши қийинлашади. Шунинг учун мана шу боғламалар бундай ҳолатда оғриқни кўпайтириб юборади.

Қачонки совуқ суртмалар аъзоларнинг оғриғини кучайтираётганини, шу билан бирга улар чўзилаётган ва тўлишаётган вақтида ўзининг ўрнига қайтиши қийинлашганини кўрсак, уларда модданинг кўпайиб оқишини қайтариш учун суртмани касал аъзонинг устига қўйиб, моддаларни ўша аъзонинг ўзидан тарқатиш ман қилинмайди.

Бунга мисол. Агар оғриқ тосда бўлса унга дорининг етиб бориши учун қуйидагиларни қиламиз. Биринчи оғриётган жойни топиш. Агар оғриқ тўлиқ суягининг бўғинида бўлса, у дорини болдир суягининг катталашган ерига қўямиз, бундай тадбир ҳамма бўғинлар учун қўлланилади. Аммо агар у дорини оғриётган жойнинг ўзигагина қўлласак, оғриқ ва чўзилишни кўпайтирмайди. Лекин бу нарсани бир озгина муддат ишлатишимиз мумкин ва бу бошқачасидир. Лекин уни сен кўриб турган шишга қўлланмайди, зеро, шишнинг ҳажми ҳарорати ва зарбнинг асорати кўпайиши мумкин. У баъзи тинчлантирувчилар билан тинчлантирилади. Мана шу вақтдан бошлаб бу нарсаларни тўхтатамиз. Агар биз уларни истеъмол қилишни давом эттирсак, модда куюқлашиб, биз зикр қилаётган шишга айланиб кетади. У шиш қондан бўлган бўлиб, *флегмона*<sup>16</sup> деб аталади. Унинг ҳолати эса тарқатилиши қийин бўлгани боис *сиқирус*<sup>17</sup> деб аталувчи қаттиқ шишнинг ҳолатига ўхшайди. Ўша ғализликдан ҳосил бўлганлиги учун тарқалмаслиги ҳам мумкиндир. Лекин шишнинг ҳажми ўсишдан тўхтагандан сўнг лат еган жой қури-са, шиш ҳажмининг кичиклашиб, баданнинг устки тарафига мойил эканлигига қаралади. Унинг табиати эса бўшатишга мойил бўлади. Агар биз сифатлаган нарсаларнинг зидди бўлса, биз қуйида зикр қиладиган юмшатувчи ва тарқатувчи нарсаларни истеъмол қилиш керак бўлади. Лекин сиқиб турувчи совуқ суртмаларни лат ейиш, оғриқ, яллиғланиш ҳолатидаги шишларни тинчлантириш учун ишлатилади.

Юмшатувчи ва тарқатувчи суртмаларни эса лат ейиш ва ҳароратда ҳамда ўша жойда ғализлик қолиб кетмаслиги учун қўлланди. Яна мазкур суртмаларнинг таъсирини кучайтириш учун шишни бир неча муддатга суслаштирувчи воситалардан қўйилади. Аммо мана шу иккита вақтнинг орасида эса аъзони ўраб боғлашнинг бир ўзи билан кифояланади. Бу нарса эса мен сифатлаган ҳолатта тўғри келсагина қилинади ёки биз қуйида зикр қиладиган қайтарувчи ва бўшатувчилардан таркиб қилинган дорилар билан муолажа қилинади. Буни аъзода алангаланиш ва ўша моддани қуюқлаштирувчи деб



ҳисобланган ҳарорат бўлганида ишлатилади. Бу бобда ҳам у ҳақида ҳамда унга эҳтиёжimiz тушадиган жамики нарсалар ҳақида етарлича айтиб ўтдик. Аммо касаллик тадбирининг бошқа жиҳатларини эса биз бундан буён қисқа тарзда айтиб ўтамыз.

Мана шу вақтда физиолик бўлиши учун латиф ва кам ояқат берилиши керак. Шу билан бирга у қонни қуюлтирувчи, сиқувчи ва совутувчи бўлиши керак.

Биз қуйида мана шулар ҳақида айтиб ўтамыз. Ўша тадбирни қўллаш учун шароблар, гўштлар, ширинликлар ва *исфидбожларнинг*<sup>18</sup> истеъмолини тўхтатиш керак. Яна аччиқ, ўткир нарсаларнинг ва ачиб чирувчи нарсаларнинг истеъмолини ҳам камайтириб, улардан кўра нордон, аччиқ, буриштирувчи нарсалар ва соф, совутилган тиниқ сув ичиш ёки нордон *сиканжубин*<sup>19</sup> ичиш ёхуд нордон, буриштирувчи меваларнинг қиёмларидан, жумладан олма, анор, ровоч, лимон, узум ёраси ва хурмонинг қиёмидан ҳар куни чанқаган вақтда истеъмоли қилиб турилади ва ўша оқаётган моддани тўхтатиш ва қуритиш ҳамда оғриқни тинчлантириш учун ҳаракатни, хусусан, ўша оғриётган бўғиннинг ҳаракатини ҳамда ҳаммомга тушиш, жинсий алоқа қилишни тўхтатилади. Модданинг оқишини тўхтатиш, лўқиллаш ва яллиғланишни кетказиш керак. Бадан ҳам аъзоларда ҳосил бўлган моддаларни бўшатишга мойил бўлиб, ўша нарсалардан фориғ бўлишга ҳаракат қилади. Ўртача ҳолатда ўша бўғинни ювиш ва ҳаракатлантириш керак. Агар оғриқ ўша ҳолатда кучайиб кетса ва беморга ундан кучли оғриқ етишидан кўрқилса, бунда унга оғриқни тинчлантирувчи деб танилган дорилардан берилади. Шу билан бирга ўша аъзога оғриқни қолдирувчи дорилар билан суртма қилинади, лекин бу нарсани кўпайтирмасдан, эҳтиёт бўлиб, кучли аҳамият билан қўйилади.

Аммо, агар модда сафродан бўлиб, бўғинда *ҳумра*<sup>20</sup> деб номланувчи шиш пайдо бўлса, аввало ўт қопини ични сурувчи дорилар билан тозалаш керак бўлади ва унга ўшандай ҳолатда баданнинг қувватига ва ундаги ўша вақтдаги иссиқлик миқдорига қараб дори танланади. Агар мазкур нарсалар ўртача ёки заиф бўлиб, ҳаво эса мўътадил бўлса, беморга олхўрининг суви, *таранжубин*<sup>21</sup>, Ҳунайн шароби<sup>22</sup> ва шу каби нарсалар билан сурги қилдирилади. Агар бадан кучли бўлса, сариқ ҳалила, сабр, *сақмунӣ*<sup>23</sup> ва шу каби нарсалар билан сурги қилдирилади. Ҳудди шунингдек, агар баданда бир оз *каймус*<sup>24</sup> бўлса, сургини бир ёки икки мартаба қилинади. Агар у каймус яхши бўлса, сургини бир неча мартаба қилинади. Ҳудди шу каби қон олиш ҳам юқорида айтилган иллатларни жуда яхши кетказди. Ўт қопини тозалашда эса бу тадбир бошқа муолажалардан ҳам кучлидир.

Бундан сўнг эса аъзо боғламалар ва суртмалар билан муолажа қилинади, чунки улар совутиш ва ҳўллаш хусусиятига эга. Бу нарсалар биз аввал айтиб ўтганимиздек, оғриқ кучайишини тўхтатиш учун ишлатилади. Яна унга

бошқача суртмалар ҳам қўйилади. Лекин мана шу каби дориларнинг ўхшаш-ларига баданни бўшатиш тайин қилингандан сўнг эҳтиёж тушмайди. Уларни юборишда ҳам қўрқилмайди. Аъзолардаги қотиб қолишликда эса улар юмшатувчанлиги ва латифлаштирувчанлиги билан фойдалидир.

Касалликнинг тадбирига келсак, биз биринчи ҳолатда айтганимиздек, уларни совутиш билан енгиллаштириш керак бўлади. Биз эса бундай ҳолатда тос суягининг мизожини ҳўллайдиган нарсаларга эътиборимизни қаратамиз. Бунинг учун беморга арпа сувини опқовоқ билан берилади. Яна бодринг ва рум исмалоғидан ҳамда бошқа шу каби нарсалар берилади, шу билан бирга аччиқ таъмли қиздирувчилардан тийилади. Беморнинг муолажадан дам олаётган кунларида эса унинг мизожини арпа суви, опқовоқ суви, бодринг, зиғир уруғининг қайнатмаси ва мол гўшtidан тайёрланган нордон таомлар, нордон анорнинг суви ва шу кабилар билан ўзгартирилади. Яна у ўтирадиган ва ухлайдиган жойини совутишга ҳаракат қилинади. Агар ёз фасли бўлса, ҳўллаймиз, қишда эса бошини ва баданининг бошқа ерларини ўраб қўйиб, сўнг уни бурни билан қуюқлашган ҳавони ҳидлаши учун дорини ёндирмасдан тутатилган жойга бошини чиқариб қўямиз. Яна унинг ёзда совуқ сувга, қишда эса илиқ сувга бир кунда бир неча маротаба тушишини мажбурий қилиб қўямиз. Яна унинг бедор қолишига, чарчашига, ғамгин бўлишига, ғазабланишига йўл қўймаймиз. Ана шундай ҳолат эгаларини узоқ муддат овқатлантирмасдан ушлаб туриш мумкин эмас. Баданга эса (у ердаги кўкарган жойлари увишмаслиги ва эҳтиёт чораси учун) совуқ сув қўйилади ҳамда зарур бўлса у ерга оғриқни тинчлантириб, тозаловчи дорилар билан суртма қилинади.

Агар модда балғамли ёки аралашган хилтли бўлиб, бемор заиф бўлса унга бўшатиш тадбиридан аввал махсар мағизи, қичитқиўт уруғи, асал суви ва бурақни *муррий*<sup>25</sup> билан берилади. Агар беморнинг қуввати кўп бўлиб, ундаги модда ғализ (қуюқ) бўлса, унга абу жаҳл тарвузининг эти, хотинак супурги, савринжон, бузайдон, марги моҳий, турбид, нил ўсимлигининг уруғларидан берилади. Яна ҳожатга қараб бир неча маротаба сурги қилдирилади ва шу билан бирга зарур ҳолатда турп, сиканжубин, *муррий*, туз, лавлаг, хардал ва асал сувлари билан қайт қилдирилади. Агар баданда ғализ балғам пайдо бўлиб, қувват эса ўртача бўлса, ҳалила, кучала, етмаклардан истеъмол қилинади. Хусусан, агар оғриқ пастки бўғинларда ва қўймуч суягида бўлса, қусишни давом эттирилади. Қўймуч бўғини оғриғи *ирқуннасо*<sup>26</sup> деб аталадиган махсус сўз бўлиб, у ҳақида алоҳида айтиб ўтилади. Беморга қайт қилдиргандан ва сурги қилингандан сўнг, дам олаётган кунларида мизожини алмаштирувчи нарсалар берилади. Улар эски *гуланжубин*<sup>27</sup>, занжабил мураббоси, фалофий жуворишини<sup>28</sup> ва тўрт хил доридан ясалган тарёқ ва шу каби дорилардир.

Агар балғам кучли ва кўп бўлса ёки касаллик кучайган бўлса, бундай касаллик учун қон олиш яхши бўлиб, совуқ мизожли касалликларда бадан совуқ кетишидан қатъий назар, мазкур чиқиндилардан халос бўлиш учун шундай қилнади. Қайтарувчилар сифатида ишнинг бошида ва тугатишдан олдин боғламалар ва суртмалар ишлатилади. Ишнинг бошида яна энгиллаштирувчи нарсалар ҳам ишлатилади. Ишнинг охирида эса қувватлари кучлилиги боис юмшатувчи ва бўшаштирувчи нарсалар ишлатилади. Жоҳил табиблар мана шундай шишларни кучли бўшаштирувчи дорилар билан қайтардилар ва уларни ўзларича сир сақлайдилар ва дори қувватининг асоратини, бўшатиш тезлигини ва ўша шишга таъсир қилишдан билиб олган нарсаларининггина башорат қиладилар ва моддани ўша шиш қотиб қолмагунича ёки қаттиқлашмагунича қайтармайдилар. Бу нарсаларни бўшатиш учун эса ўраб боғлаш керакдир. Бўшаштириши кучли бўлган дорилар ўша шишлардан нозикроқ ва латифроқдирлар ва уни ёмонлашишини тезлаштирадилар ва улардаги ғализлик шишларни қотиради ва юмшашларини қийинлаштиради. Агар ўша бўғин қийшайиб ва эгилиб қолса, унинг устига юмшатувчи нарсалар билан сезиларли даражада уриш керак бўлади ва бошқа тарафига эса бўшаштирувчи дорилар билан урилади. Қачонки биз шишни кўп нуқсонлар билан бузилганлигини кўрсак, унинг бузилишидан олдин бўлган қаттиқлик у билан қайтиш қайтмаслигига қарашимиз керак бўлади. Агар у қайтган бўлса, бўшатишни албатта ишлатмаймиз ва у янада юмшаши учун уни юмшатувчи дорилар билан қиздирамиз. Яна аввалги ҳолатига, яъни ундан ҳам юмшоқроқ ҳолатга ўтиши учун бўшаштирувчи дориларга қайтилмайди. Агар у нуқсонни билан қаттиқлик ҳолатидан юмшамаса, биз аввал нима билан муолажа қилган бўлсак, ўша билан қиздирамиз. Биз бўшаштириш тенг нарсаларни жамлаш билан содир бўлишини билиб олдик. Агар шиш бирор бир ҳолат сабабидан қотиб қоладиган бўлса, бўлган ҳаммом орқали тарқатувчи нарсаларнинг тадбирини ишлатамиз.

Аmmo бошқа тадбирларга келсак, биз беморнинг овқатларини латифлаштирамиз ва уни кундан кунга ҳисоблаб борамиз ва у хоҳлаганича ухлаши керакдир. Унинг оғриқларини фақат уйқутинга қолдиради, у яна тўйиб овқатланмаслиги керак. Ундаги эскирган қолдиқ хилтларини бўшатувчи дорилар билан тарқатилади. Бу эса сув ва асал аралаштирилган сув ичишдир, бошқаларини эса озуқалиги бор моддалар ҳақидаги жойда айтилади. Агар модданинг оқиши тўхтаса ва шишнинг ҳажми кичиклашмаса, ундай ҳолатда биз баданни бўшатиб, оқизишликни ва юмшатувчи иссиқ ҳаммомни кўпроқ қабул қилиш ҳамда сийдикни ҳайдаш каби тадбирларни қилишимиз керак бўлади.

Агар модда бўғинларнинг биридан бошқасига хилт орқали ўрмалаб борса, бу нарсалар тўлиқликдан ва хилтларнинг кўпайиб кетишидан бўлади. Бу-

нинг муолажаси қон олишдан бошланади, сўнгра турли хил хилтларни бадандан чиқарувчи сурги дориларга ўтилади. Улар *қуқайо*<sup>29</sup> деб танилган Жолинус ясаган ҳаббдир. Ундан бошқа ҳеч нарса бўғиқларни қувватлантира олмайди ва шариф ёки бошқарувчи бўғинларга чиқиндиларни ўтказмасликда ҳамда баданни бўшатишда унга тенг келолмайди. Шунингдек, шишнинг қаттиқлигини ва оғриқни камайтириш учун овқатлардан ва лагифлаштирувчи дорилардан ёрдамчи қилиб олинади ва бунинг тадбирида ҳозирда биз айтиб ўтган нарсалардан бошқа нарсаларни кўпайтиришга эҳтиёж йўқдир. Аммо ўша бўғиндаги шиш флегмона бўлса, уни сарамас касаллиги деб атаيمиз, агар шиш қондан пайдо бўлган бўлса ва у қонда балғам кўп бўлса, ёки у балғамдан бўлган шиш бўлиб, унда флегмонанинг сабабларидан бири бўлса, уларни содда дорилар билан муолажа қилиб чиқарилади. Масалан, бир бўғинга ҳарорат тегиши сабабли шиш пайдо бўлди, уни ушлаб кўрилганда кучли иссиқ, лўқиллаш ва чўзилишлик заиф бўлиб, унинг рангида қизиллик йўқ эди. Буларнинг барчаси эса ана ўша ҳарорат миқдорининг ҳисобидандир. Агар шиш холис қоннинг ўзидан бўлиб, оғриқ ҳам унинг ўзидан бўлса, бир мартаба лўқиллаш бўлиб, яна бир мартаба санчиб оғриш бўлса, ёки лўқиллаш билан санчиб оғриш бирга келиб қолса, мен айтаманки, бу шиш сафровий қондан таркиб топган моддадан бўлгандир. Унинг давоси эса қон олиш билан сафрони бўшатишдир.

Аммо савдовий моддаларга келсак, биз юқорида бўғин касалликлари у сабабли жуда кам пайдо бўлади, деб айтиб ўтган эдик. Шунинг учун биз у ҳақидаги сўзларни ташлаб ўтаимиз. Биз яна бўғин касалликларини даволаш ҳақида айтадиган бўлсак, умумийликка алоқадор бўлган сўзларимизни етарлича айтиб ўтдик ва эҳтиёжимиз тушадиган бошқа нарсаларни ҳам ўз йўли билан айтдик. Биз ҳозир қуймуч суягининг бўғинлари ва ирқуннасо оғриқлари ҳақида тўхталиб ўтаимиз. Сўнгра эҳтиёжимиз тушадиган моддалар ҳақида ҳам мана шу ерда айтаимиз. Айтадиларки, билим ажрата билиш билан кенгайтириш ва уни қуввиб етувчиларнинг ҳар бирига бўлиб берилади, инша Аллоҳ.

### БЕШИНЧИ ФАСА ҚУЙМУЧ СУЯГИ БЎҒИНЛАРИДАГИ КАСАЛЛИКЛАРНИ УМУМИЙ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА

**Қ**уймуч суягининг бўғинида оғриқни пайдо қилувчи моддага далолат қиладиган нарсадан касаллик далиллари ва аломатлари келиб чиқади. Лекин касалликка далолат қилиш унинг аломатларидандир ва унинг муолажасида ҳам қисман ихтилофлар бордир. Шунинг учун мен унга алоҳида сўз ажратдим ва унинг ўзини махсус ўрганилаётганини кўрдим. Айтишлари-

ча, чуқурликда кўчиб юрувчи бўғин бўлиб, унинг устидаги нарса эса гўштдан катта бўлиб, унинг сезгиси ҳам бўлмайди. Агар ўша ердан бир нарса ажралса, у жуда ҳам катталиги сабабли касалликка далолат қилади. Яна у ўша бўғинга ва унинг негизига мойил бўлади. Агар уни ушлаб кўрилганда иссиқлак ёки совуқлик ажралаётгани сезилса, у нарса ўша иссиқлик ёки совуқлик жуда заифлашиб ажралган нарсадан кўпроқлигига далолат қилади. Бу нарсаларнинг барчаси мана шу бўғиннинг чуқурлиги ва унинг устидаги нотўғриликидан пайдо бўлади. Аммо кўп ҳолатларда мана шу ўринда иссиқлик ёки совуқлик ажралмайди ва уни ушлаб кўрмасдан, оғриётган ҳолатида мўътадилликдан чиққан рангига қарамасдан билиб бўлмайди. Шунинг учун бошқа далиллардан ташқари унга мансуб бўлган хилтни чиқариб ташлаш керак. Яна кўп ҳолатларда ундан балғамли хилтлар ҳосил бўлиб, унинг мақоми ўша ерда бўлади. Агар унга узлуксизлик<sup>30</sup> мансуб бўлса ва уни бўшатиш йўли ҳам битта бўлса, хилтни бўшатиш қийин бўлади. Бу хилт бўғин чуқурчасида кўпайиб, бойлоқни бўшаштиради ва ёнбош суяги ўрнидан қўзғалади. Бирикиш ва ўрнидан қўзғалиш орасида тез чиқиб, тез ўрнига тушиш ҳолати юз беради. Ундай касалликлар доимий оқсоқликка олиб келади. Бу нарса эса мана шу бўғинда рўй берувчи жуда катта балолардандир.

Аммо қотиб қолишга келсак, мен уни мана шу бўғинда старлича кўрганимни эслай олмайман. Лекин табибларнинг бири бу нарсани кўрганман деб, менга хиёнат қилди. Қотиб қолишликка мансуб бўлган нарса латиф жойларга тарқалсагина ва у ерда ғализликни ва аралашиб кетишни жамлаساгина пайдо бўлади. Аммо бошқа бўғинларда эса қотиб қолишлик ва ёрилишни неча маротаба кўрганимни ҳисобламадим. Яна бошқа ажойиб, кам тарқалган нарсалар борки, уларни айтадиган бўлсак, китоб чўзилиб кетади.

Унинг муолажасига келсак, агар биз баданда мана шу қоннинг иллатини зоҳир бўлган ҳолатда кўрсак, оғриётган куймуч бўғинига муқобил тарафдаги қўлнинг *босилиқ* томиридан қон олишни бошлаймиз ва юқорида айтиб ўтганимиздек, қонни бир неча маротаба чиқариб ташлаймиз. Агар қонни зоҳир бўлган ҳолатда кўрмасак, унда бемор баданидаги қувватига ва ҳароратининг миқдорига қараб қонни чиқарадиган вақтда жасад совипининг ва ҳазм ёмонлашишининг гувоҳи бўламиз. Муолажанинг бошқа турларида ҳам ундан қон олишнинг мана шу услуби, яъни куймуч бўғинидан қон олиш етук амаллардан бўлиб, агар модда қоннинг ўзидан бўлсагина ундан бошқача услубга муҳтож бўлинмайди. Кейин қустирувчи дорилар билан совутилади. Сўнгра эса сурги дорилар ва кучли ҳуқналар билан тадбир қилинади. Ундан сўнг (агар бунга мажбур бўлсак), ўткир дорилар суртиб, куйдирилади. Агар оғриётган жойнинг ранги қўнғир бўлса ва юзаси хира, гўшти эса бўшашган, ҳазм қилиши заифлашган бўлса, биз мана шундай ҳолатда бадан совиб қолмаслиги, ҳазмининг бузилмаслиги ва унда чиқиндиларнинг туғилишини кўпай-

маслиги учун қон олишни тўхтатамиз, ва қустириш билан муолажа қиламиз. Сўнгра эса биз айтиб ўтган бошқа нарсалардан даражалари ва мартабаларига қараб, уларга бўлган ҳожатнинг миқдорига қараб, қуймуч бўғинига яқин бўлган нарсаларнинг ҳисобидан компресс қилинувчи ва боғланувчи нарсаларни баданни бўшатишдан аввал ишлатамиз. Агар илиқ ҳароратли нарса билан унинг устини боғлаган ҳолатимизда оғриқ кучайиб кетса, унга оғриқни қолдириши мумкин бўлган нарсалар қўйилади, лекин улар моддани тортиб ололмайди. Улар бобуна, зиғир уруғи ва хина ёғи билан *шибит* (укроп) ёғининг аралашгани ва шу каби оғриқни қолдирувчи нарсалардир. Лекин, моддани тортиб олишга уларнинг кучи етмайди. Шунинг учун компресс қилинувчи ва боғланувчи иссиқ мизожли дорилар қуймуч бўғинидан кўп хилларни оқизиб юборса, бадан тезлик билан кўп моддаларни қуймучга тортади. Чунки қуймуч бўғини мана шу ҳолатда жуда кўп заифлаштирувчи, бўшаштирувчи нарсаларни ичига тортади.

Аммо совитувчи боғламаларга келсак, қуймуч бўғинини даволашда уларга эҳтиёж туғилмайди. Шунинг учун уларнинг моддани тўхтатишда ўзининг қувватидан бошқа ҳеч қандай таъсири йўқдир. Чунки бу модда ноаниқ, қайтиб кетувчи йўллардан келади. Уларнинг ҳаммаси бўғинни оғритиши мумкин ва уни бу бўғиндан чиқариб ташлаймиз. Яна баданнинг ташқари тарафига бу бўғиннинг чуқурлигидаги нарсаларни тортишни кўпайтиришимиз керак. Бундай қилиш билан биз сурункали оғриқни кетказмиз, бунинг учун майдаланган боғламаларни истеъмол қилишга юзланамиз ва агар бунга мажбур бўлсак, ўша ернинг ўзини доғлаймиз. Яна юқорида зикр қилинган миқдорда қустирувчи дорилардан баданни бўшатиш учун ишлатамиз ёки биз чиқиндиларни кўп ёки кам деб фарз қилсак, уларни ични сурувчи дориларнинг бири билан бўшатишда балғамларни ва чиқиндиларни чиқарувчи ёввойи бодринг, Абу Жаҳл тарвузи эти, хотинак супурги, ва шу каби нарсалар билан хослаймиз. Агар унга сабр қўшилса ажойиб бўлади, агар ишқалаш ва қонни юргазиб юбориш лозим топилса, у нарса ни тўхтатган яхшидир. Иллат эса ундай ҳолатда кўпаяди ва зарба натижасида шишиб кетган жойни фақатгина қон олиш билан даволанади. Яна қустирувчи дорининг бир ўзи истеъмол қилинади ёки у иккиси бирга ишлатилади. Тадбир аввалида тақсимлашдан олдин унга сурги дори ишлатилмайди. Бундай қилиш эса ундаги моддаларни шу тарафга оғриқли ҳолатда тортиб олади. Яна уни чўзилишдан сўнг ўткир озукалар, қустирувчи нарсалар ҳамда сурги дорилар билан қўзғатилади. Бу ишлардан кейин ўткир дорилар билан балғамни парчалаш ва чиқариб ташлаш учун унга ўткир нарсалар тайин қилинади. Ундаги дағалликка келсак, биз бадан роҳатланиши ва бўшатишга мойил бўлиши учун иккита бўшатувчи нарсанинг орасига уйқуни қўямиз. Хусусан, агар биз муолажани диққат билан бажарсак, ўша иккита бўшатиш ораси-

даги вақтни бундай ҳолатда узайтирамиз. Чунки қувват бир оз пасайган бўлади. Агар биз қувватнинг ошишини узоқроқ муддатга тарқ эгшишни хоҳласак, бу ишни қилиш учун физиолиги кўп ва чиқиндилари кам бўлган озуқалардан олинади. Улар ёғлик нон, тухумнинг сариғи, парранда гўшти ва қуввати тушиб кетмаслиги учун мўтадил бўлган тоза шароб берилади, чунки бу касаллик сурункали бўлади. Бемор дам олаётган кунларида эса унинг мизожини алмаштириш учун балғам моддасининг муолажаси бобида айтиб ўтилган дорилардан берилади. Яна ундаги хилнинг миқдори ва кайфиятига қараб унга кучли ёки кучсиз дорилар танланади. Яна у чиқиндиларни кўп тундирувчи озуқалардан ва бугдой ва ширинликлардан сақланади ва имконияти борича очликни ўзига лозим қилади. Баданни бўшатувчи бошқа нарсаларни ўринбосар қилиб олмайди. Қуймуч бўғинига бошқа турдаги чиқиндилар қуйилмаслиги учун беморга юриш ва бир жойда кўп туриш, жинсий алоқа қилиш, бирор нарсага миниш, нажас ва сийдикни ушлаб туриш ман қилинади ва у моддаларнинг мойиллиги ва қаттиқлиги пасаймаслиги учун иккита сургининг орасида кустирувчи дорилардан истеъмол қилади. Ёки биз бадандаги чиқиндиларнинг кўплиги ёки камлигига қараб кустирувчи дориларни сурги дорилар билан бир неча мартаба истеъмол қилдираемиз. Агар биз иллатни қуруқ ҳолатда кўрсак, беморга қонни юргазувчи ҳуқналар билан ҳуқна қилинади ва унга биз қуйида зикр қилмоқчи бўлган талқон дорилар боғланади, уни иссиқ сувга ўтказиб, қуймуч бўғинига оловда қиздирилган банкчалар қўйилади. Агар шулар билан бирга оғриқ узайиб, кенгайиб кетса ва тосни ўрнидан қўзғалган ва қайтган ҳолатда кўрсак, тос бўғини олиб қолиши ва оғриқнинг сурункали бўлишини олдини олиш учун доғлашга шошиламиз. Яна тосни агар у чиққан бўлса ўзининг аслига қайтариш керак. Агар доғламоқчи бўлсак, у ерда пайдо бўлувчи яраларни эҳтиёт қилишимиз, яъни чиқиндиларнинг яралардан чиқиб кетиши учун уларни битиб қолишдан сақлашимиз керак. Булар қуймуч бўғинидаги оғриқларни даволаш ҳақидаги жумлалардир.

## ОЛТИНЧИ ФАСАЛ ИРҚУННАСОНИНГ БАЁНИ ВА УНИ ДАВОЛАШ.

**И**рқуннасо оёқнинг юқори қисмидаги қуймуч суяги тарафидан оёқ тагида бармоқларнинг тугаш еригача чўзилган кучли оғриқ бўлиб, у қўндалангига бир оз ёйилган бўлади. Уни чўзилган таранг нарсага ўхшатилади. Баъзида у оёқнинг тагига етмасдан тиззанинг пастида, тўпиқ суяги бўғинида бўлиши ҳам мумкин ва уларнинг ҳар бири томирларнинг икки қисмидан пастки қисмга қараб икки оёқдан тушган бўлиб, томирларнинг тўлиб қолишидан пайдо бўлади. Яна у баланининг пастки тарафига чиқиндиларни олиб

келадиган рутубатлардан ҳам бўлиши мумкин. Биринчи мисолимизга келсак, у нарса инсон танасида қон кўпайиб кетганда хуруж қилади. Унинг сабаблари кўп юриш ёки миниш, шу билан бир қаторда кўп гушт ейиш ва шароб ичиш, ширинликларни ортиқча истеъмол қилишдир. Бунда бемор ўзида чўзиқ иситмани кучли оғриқ билан ҳис қилади. Мана шу томирлар ўтган ердаги бўғинлар ушлаб кўрилганда иссиқлиги шиддатли бўлиб, бошқа ерлардаги мана шу томирлар ўтган жойларни ушлаб кўрилгандаги ҳароратдан кўра юқори бўлади. Бундай ҳолатнинг бўлишига купинча шу томирнинг ўта тўлиб кетиши сабаб бўлади. Бунинг оқибатида эса чириб сасиш рўй беради. Бундай ҳолат пайдо бўлгач, оғриқ жуда кучайиб кетиб, хилтларнинг миқдори ва кайфиятларининг барчасига таъсир қилади. Буни даволаш учун *ирқуннасо* деб танилган томир бўлмиш болдирнинг ён тарафида кўринган томирдан қон олинади. Агар у кўринмаса, оёқнинг орқа тарафининг устидан пастга тушган томирдан, яъни оёқ бармоқларининг жимжилоқ ва тўртинчи бармоғи тарафидан қон олинади. Чунки мана шу тарафдаги бўлиниш мазкур томирдан бўлади. Аммо кирувчи тарафдаги томир эса *софин* ва *ирқуннасо* деб аталувчи томирлардандир. Агар уларнинг барчаси бир томирдан ўсган бўлиб, тиззанинг букилиш ерига бориб етса, ундай ҳолатда оғриқни қолдириш учун *ирқуннасо*дан ва унинг шоҳобчаларидан қон олинади. Чунки у томирда чиқиндилар *софин* томирига қараганда кўпроқ бўладилар. Яна тиззанинг букилган еридаги томирдан ҳам қон олинади, чунки ундан қон *софин* томирларининг ҳаммасига тақсимланади. Шунинг учун тажрибали табиблар бу томирдан қон олишни афзал биладилар. Улардан баъзилари эса, у узоқ муддатда даволанади деб, ўз фикрларида қолдилар. Биз эса қўлимиздан келганича буларни текшириб кўрдик ва жуда кўп тажрибалар билан унга ишонч ҳосил қилиб, юқорида айтиб ўтган ва яширинган бир ишни топдик. Биз беморга бир касалликни юбордикки бу ўринда уни айтиб ўтишнинг мавриди эмас, чунки сўзимиз узайиб кетади. Қисқаси шуки, мазкур томирдан оғриётган оёқнинг муқобилидаги қўлнинг *босилиқ* томиридан қон олганимиздан кейингина қон олинади. Баданнинг тўлиқ бўлишининг фарқи йўқдир. Бундан сўнг эса тadbирни латифлаштирилади ва беморни бадандаги қонни кўпайтирувчи ҳар бир нарсадан ҳимоя қилинади. Улар нон, шароб, ҳоввалардир, яна у нордон ва аччиқ нарсалардан ҳамда нордон сиканжубин билан сув ичишдан сақланади. Юриш ва узоқ сафарга чиқишни тўла тўкис қилаверади. Мана шу тоифадаги инсонлар булардан бошқа муолажаларни қилишга эҳтиёж сезмасликлари керак.

Аммо иккинчи турига келсак, у ҳам мазкур томирнинг ўзидан қон олиш билан муолажа қилинади, лекин бу уни тамоман даволаб юборишга ёки ана ўша савдовий қоннинг асосий қисмини бўшатиб, қуритиш учун камлик қилади. Қон олиб бўлинганидан кейин бемор савдони тортиб олувчи сурги дори-



ларни қабул қилади. Улар *афитимун*<sup>11</sup>, *басфоиж*<sup>12</sup>, қора ҳалила, ҳинд тузи, *гориқун*<sup>11</sup> ва шу кабилардир. Яна беморни савдони туғдирувчи озуқалардан қайтарилади, улар эланмаган ун, арпа нони, ясмиқ, боқила. мол гўшти, шунингдек зўриқтирувчи, тузланган нарсалар, қуялтирилган шароб, карам ва шу кабилардир. Яна мулойим рутубатли қон туғдирувчи нарсаларни ҳам ҳисобга оламиз. Улар чала пиширилган тухум, парранда гўштлири, улоқ, кўзичоқ гўштлири ва мулойим шароблардир. Унда мана шу ғализ қон туғилишини тўхтатиш учун дам олиш ва ҳаммомга тушиш буюрилади. Яна мана шу қисмдаги аломатлар аввалги қисмининг аломатларига қараганда эскидир, лекин ўзидаги иссиқлик ва оғриқнинг камлиги билан ва кўчиб юришлик ҳамда чўзилишнинг кўплиги билан ажралиб туради. У касаллик кўпроқ савдо мизожли кишиларда пайдо бўлади ва бунда савдони туғдирувчи тадбирни таъқиб қилиш керакдир.

Даволашнинг учинчи турига келсак, улар қайтарувчи дорилар бўлиб, мана шу иллатга боғланади. Бемор оёғида ғудда ва совуқликни сезса, ўзида очлик, ташналик, ҳаракат ва терлаш кўп бўлса, сув аралашган шароб ичиш кўпайтирилади. Унинг муолажасидан эса, аввало, қустиришни олиб ташланади, сўнгра эса шу қаторда биз юқорида қуймуч суягининг муолажаси ҳақида айтиб ўтган балғамни суриб чиқариш муолажасини ҳам ҳўл меваларни истеъмол қилмасдан, қовурилган нарсалар, хусусан, қовурилган гўшт, талқон қилинган нарсалар бериш билан амалга оширилади. Унга яна сувни кўп ичиш буюрилмайди, беморга асал суви, асалдан тайёрланган сиканжубин ичирилади. У дам олаётган кунларида эса мизожини алмаштирувчи нарсалар берилди. Улар тўрт хил нарсадан тайёрланган тарёқ, ва *Хермес*<sup>14</sup> иёражи ёки зира, мурч, аччиқ ялпиз, аччиқ занжабил ва шу кабилардир. Агар иллат суғуриб олинмаган бўлса, ўша жой доғламасдан дори баданнинг узунаси бўйича мулойимлаштирилган ҳолатда қуймуч бўғинининг бошқа тарайига, тос суягининг оғриган жойининг ўзига ва оёқ тагининг юзасига қўйилади. Агар булардан сўнг ҳам у ерда бирор нарса қолиб кетса, уни шиёф билан парчалаймиз.

## ЕТТИНЧИ ФАСЛ ИССИҚДАН БЎЛГАН БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН СУРГИ ДОРИЛАР

**Б**ўғин касалликларини даволашда ишлатилувчи сурги дорилар бобининг муҳокамасида у билан боғлиқ касалликларнинг ҳар қайси-си чуқур тушунтирилади. Бу дорилар машҳур бўлмай, улар ҳақида хатто китобларда ҳам зикр этилмаган. Машҳур дориларга келсак, уларни ўз жойларидан олиш, улар ҳақида гап кўпаймаслиги, уларнинг ҳар бирини ажратиб

олиш ҳамда ўз ўринларига тартиб билан қўйиш учун мен уларни ўз номлари билан зикр қиламан. Улар яна керак бўлган вақтдагина истеъмол қилинадилар ва уларни ўзларига ўхшаган бошқа дорилар билан қиёслаган ҳолатда истеъмол қилиш мумкин эмас. Мен бошқа дориларнинг зикрини келтирмайман ва бу ишни қилишим жуда кўп жиҳатдан фойдалидир, деб ўйлайман.

#### **Сурги дори:**

У қондан ва сафродан бўлган бўғин касалликларида баданда иссиқлик бўлиб, мўътадил ҳолатда ични суришга эҳтиёж туғилганда истеъмол қилинса, фойда беради. [Таркиби:] Ярим *ратл* аччиқ анор суви ва ярим *ратл* шакар гулобинни беш *дирҳам* пўсти ажратилиб майдаланган сариқ ҳалилага қўшилади ва бир кеча-кундуз қолдирилади, сўнгра докадан ўтказиб тиндирилади ва ичилади.

#### **Бошқа таркиб:**

Бу дори аввалгисидан кучлироқ сурги бўлишига қарамай, умуман иситма чиқармайди балки иситмани туширади ва совутади. Бир *ратл* шакар гулобинни олиб, унда ўн *дирҳамдан* ўн беш *дирҳам*гача (ҳожатга қараб) пўсти ажратилган ва майдаланган сариқ ҳалилани ивйтиб бир кеча-кундуз қолдирилади, сўнгра докадан ўтказиб, унга бир *уқия* испағул аралаштирилади.

#### **Бошқа таркиб:**

Ўттиз *дирҳам* қумсия олхўриси, ўн беш *дирҳам* ҳинд хурмосини олиб, уч *ратл* сув қўшилади ва бир ярим *ратл* қолгунича қайнатилади ва иккига бўлинади, сўнг тиндириб, докадан ўтказилади. Шундан сўнг уни ўн *дирҳамдан* ўн беш *дирҳам*гача сариқ ҳалилага қўйиб, бир кеча-кундуз қолдирилади, кейин докадан ўтказиб, ўн *дирҳам табарзад* шакари билан ичилади.

**Ҳалиланинг шароби.** У бўғин касалликлари, иссиқдан бўлган иситмалар, вақти-вақти билан тутадиган иситмаларда фойда қилади, сафрони ҳайдайди ва қувватни оширади.

Майдаланган семиз сариқ ҳалилани олиб, уни иссиқ сув билан яхшилаб ювилади, сўнгра унинг шарбатини олиб шиша идишга солиб қўйилади, сўнг ҳалила устига ўша шарбат миқдорича тоза сув қўшиб, шиша идишнинг оғзи маҳкам беркитилади ва у уч кунгача ёз кuni офтобга қўйилади. Сўнгра ҳалиладан сувини олиб, яна тўлдириб сув қўйилади ва оғзи беркитилади ва ҳалиланинг ранги оқариб, шишиб, таъми кетгунича шундай чора кўрилади. Сўнгра йиғилган сувини таом пишириш учун мўлжалланган хурмачага солиб, унга сув миқдорича тоза оқ *таранжубиндан* солинади ва гулоб ҳолига келгунича паст оловада пишириб кўпиги олиб турилади. Сўнгра уни шиша идишга солиб, бошини маҳкам беркитилади. Ҳожат бўлганида ундан икки ёки уч *уқия* олинади ва унга сув билан аралашган гулобдан тенг баробар қўшиб, ичилади. Бу ичимликнинг қуввати *сақмуний* билан оширилади ва у жуда кучли сурги дори бўлиб, ундан зўри йўқдир. Уни таркиб қилишга кел-

сак, аввал вазнини билиш керак, унинг ҳар бир *ратл* вазни учун бир *миққол сақмуниё* ва гул шаробини у сифадиган идишга солиб, унинг устига гулоб солинади ва қайнатилади ва ҳаммаси аралашиб кетгунича аралаштириб, оловдан олинади.

*Дориларни рад этувчи ва улардан сақланувчилар учун сурги.* Икки уқия гулобдан олиб, унга бир *донақ* вазнда *сақмуниё* қўшилади, сўнгра йигирма уқия кумсия олхўрисидан ювиб қўшилади ва ўртача оловда қайнатиб олинади. Сўнг бир кеча қолдирилади. Олхўри ейилади, ҳосил бўлган ичимлигини эса ичилади. Агарда сиканжубинни ихтиёр қилсангиз, у ҳолда ҳудди шу тадбирни сиканжубин билан амалга оширилади. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам *сақмуниё*нинг таркибини яхшилайдди. Сиканжубин асалдан тайёрланади, гулобга келсак, унинг таркибида гул бор. Шу боис унга бирор нарса қўшгандан кўра ўзини ичган маъқул.

*Олхўри шарбати.* У ҳароратни туширади, чанқоқни босади, сафрони ҳайдайдди ва иситмани туширади. Бир неча яхши, сувлик, катта, ювилган олхўрини олиб, унга сув қуйилади ва қуёшга қўйиб, унга уч кунгача сув қўйиб турилади, Сўнгра сувини докадан ўтказиб, уни яна қуёшга қўйилади, сўнг яна сув қуйилади. Ҳамма сувни жамлаб, унга тахминан олти вазн сув ва табарзад шақари қўшилади ва унга гул сувидан қўшиб, тайёр бўлгунича қайнатилади, сўнг эҳтиёж бўлганда, латифлаштириш ва ични юмшатиш учун ичилади. Агар ич суришни кучайтиришни хоҳланса, унга яна гулобдан қўшса ҳам бўлади. Яна шу дорига олхўри, тамр ҳиндийлардан қўшилса, у ҳам кучли сурги бўлиб, ўт қопини мустаҳкамлаб, қусишни тўхтатади. Манг шу ўринларда қувватлантириш учун яна пишлоқнинг суви ҳамда гулнинг суви ишлатилади. Фақат пишлоқнинг суви модда сафровий бўлганда, ҳаво иссиқ бўлганда ва баданнинг ҳолати эса нуқсонли бўлганда ишлатилади. Яна унга балғам аралашганда ҳам ишлатилади. Юқорида бу нарсалар баданда рутубатни ҳосил қилади, деб айтдик. Гул шаробига келсак, у иссиқдан пайдо бўлган бўғин касалликларига яхшидир ва ундан қайтарувчи дори сифатида фойдаланилади. Агар ични ўртача суришни хоҳласак, *сақмуниё* билан бу дорини қувватлантирамиз, агар баданни кўпроқ бўшатмоқчи бўлсак.

*Ҳалила қайнатмаси.* У иссиқдан бўлган бўғин касалликлари учун яхшидир. Ўн беш *дирҳам* пўсти ажратилган сариқ ҳалила, икки *дирҳам* оқ савринжон, бир *миққол* эрмон ўти, сачратқи уруғидан бир *миққол*, девпечакдан тўрт *миққол*, саводан ва шоҳтарадан тўрт *миққолдан олиб*, ҳаммасини уч *ратл* сувда бир *ратл* қолгунича қайнатилади. Қайнатма докадан ўтказилади ва ўн *дирҳам* шакар билан ичилади. Бу биринчи таркиб бўлиб, уни кўп марта қустириш учун бадан қувватли бўлсагина истеъмол қилинади.

Саккиз *динордан* бир *донақгача* миқдорда беҳида пиширилган *сақмуниё*, бир *дирҳам сабр*, бир *донақ* майдаланган гулдан олиб, гулоб қилинади ва

қайнашидан илгари тезда олиб, уч соатга қолдирилади. Сўнг истеъмол қилинади. Унга бир *мисқол сабр* ва уч *мисқол мастакидан* ҳам қўшиш мумкин. Сачратқи суви қўшиб, ҳаб дори тайёрлаймиз ва беморга ундан туннинг биринчи ярмидаги намоз вақтида бир *мисқол* берамиз. Агар саҳар вақти бўлса, биз айтиб ўтган ва таркиби юқорида келтирилган қайнатмадан иссиқдан бўлган бўғин касаллиги хуруж қилганда берамиз.

*Иссиқдан пайдо бўлган бўғин касалликларида қилинадиган яхши амал.* Бир *дирҳам сабри суқутро*<sup>35</sup>, саккиз *динордан* бир *донақгача* миқдорда беҳида пиширилган *сақмуниё*, икки *донақ* афсантин шарбати, учдан бир *дирҳам* оқ савринжондан олиб, сачратқи суви билан жам қилиб, ҳаб дори тайёрланади ва бу бир ичишлик дори бўлиб, бу каби бошқа бир дори йўқдир. Уни кучли сурги қилишга эҳтиёж бўлганда истеъмол қилинади.

*Шу йўналишдаги бошқа бир ҳаб дори.* Бир *дирҳам* сариқ ҳалила, учдан бир *дирҳам сабри суқутро*, саккиз *динор сақмуниё* ва икки *донақ* моҳизаҳралардан олиб, ҳаммасини олма, беҳи суви ёки гулоб билан ҳаб қилинади ва бу бир ичиш миқдоридир. У сафро ва хилтдан бўлган нарсаларни яхши ҳайдайди, иссиқдан бўлган бўғин касалликларини даволашда унинг таъсири яхшидир.

#### **Талқон дори:**

У иссиқдан бўлган бўғин касалликларини даволашда яхши фойда беради. Ҳиди яхши бўлгани учун дориларни тан олмайдиганларнинг дардларини ислоҳ этишга ҳам фойдалидир. Ўн *дирҳамоқ* савринжон, учдан бир *дирҳам* пиширилган антокий *сақмуниёси*, уч *дирҳам* кабоба<sup>36</sup>, ўттиз *дирҳам* табарзад шакардан олиб, ҳаммаси қўшиб майдаланади ва уч *дирҳамдан* ичилади.

#### **Бошқа таркиб:**

Бу тажрибадан ўтган жуда яхши ҳаб доридир. Қирқ *дирҳам* алоз, йигирма *дирҳамдан* оқ савринжон ва сариқ ҳалила олинади ва уларни итузум шарбати билан аралаштириб, икки ярим *дирҳамдан* ичилади.

*Бошқа бир ҳаб дори.* Ўн *дирҳам* майдаланган *сақмуниё* олинади ва аччиқ беҳи ҳамда олма сувини сиқиб олиб, бир кеча кундуз тингунга қадар қолдирилади. Сўнгра докадан ўтказиб, чўкмаларидан тозаланади ва унинг ўн *дирҳамини* идишга солинган *сақмуниё* устидан қуйилади ва идишни ёпиб, то қуриб қолгунига қадар олиб қўйилади, сўнг йигирма *дирҳам* сурма каби майдаланган кабобадан олиб *сақмуниёга* қўшилади ва гулоб билан аралаштириб, эллик *дирҳамдан* ҳаб дори қилинади ва сояда қуритилади, кейин уни оловда пишитилган оғзи берк идишга солиб қўйилади. Ундан керак бўлганда ҳожатга қараб бир, икки ёки учтадав олиб истеъмол қилинади. Бу ҳаб дори барча ҳолатларда фойдали бўлиб, ундан қуланж, йўталиб балғам ташлашда ҳамда ич суришни хоҳланганда кечқурун ва наҳорда бир донадан ичилади.

*Сафрони ҳайдовчи, меъдани қувватлантирувчи, таъмли ва ҳушбӯй маъжун*<sup>17</sup>. Эллик дирҳам пўсти артилиб, ингичка бўлақларга бўлинган нордон беҳини олиб, уни бир кунгача эски-сиркада ивитиб қўйилади, сўнг уни то марҳам бўлгунига қадар ёғоч ёки тош ҳавончада майдаланади ва вазни ўлчанади. Унинг олтмиш дирҳамига ўн дирҳам сақмуниё, икки дирҳам қоқила, бир мисқол майдаланган сумбула ва беш дирҳам пиширилган қизил гулдан солиб, олтмиш дирҳам асал билан маъжун қилиб, олиб қўйилади ва ҳожат бўлганда ундан икки дирҳам ёки кўпроқ олиб, истеъмол қилинади.

*Сафро ҳайдовчи, иссиқлик ва иситмани туширувчи, иссиқликни меъдага мослаштирувчи ҳамда чанқоқни босувчи атиргул кулча дорилари.*

Майдаланган қизил гулдан ўн дирҳам, майдаланган бодринг уруғи, пирип қовоқ уруғининг ҳар бирдан беш дирҳамдан олинади, чучукмия қиёмидан икки дирҳам, пиширилган кофурдан<sup>18</sup> тўртдан бир дирҳам вазнича олиниб, аралаштирилади ва аралашманинг бир ичиш миқдори фарфиюн<sup>19</sup> суви билан аралаштириб, бир мисқолдан кулчалар ясалади.

*Сафрони сурувчи бинафша кулчалари.* Уларни кўкрак дағаллигида, йўтал, зотилжам ва сил касаллигида истеъмол қилинади. Ўн дирҳам қайна-тиб, сўнг қуритилган бинафша, бир мисқол қовурилган сақмуниё, икки дирҳам чучукмия, бир дирҳам катиро<sup>20</sup>, бир дирҳам саноларни жамлаб, гулоб қўшилган отқулоқ суви билан қорилади ва кулчалар ясалади. Ҳар иккита кулча учта табарзад шакари билан ичилади. Биз сафрони ҳайдовчи кулча-ларни айтиб ўтдик.

## САККИЗИНЧИ ФАСЛ БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИДА БАЛҒАМ ВА ХИЛТНИ ҲАЙДОВЧИ ДОРИЛАР.

**Б**у ерда балғам ва суюқликларни ҳайдовчи сурги дорилар баён этилади.

### *Биринчи таркиб.*

Ичаклардаги ёмон хилтларни ҳайдайди, чиқиндиларни ва ғализ балғам-ларни чиқаради. Бир *ратл* маҳсарнинг юмшоқ ери, ўн дирҳам бурақ ва нондан ўн дирҳам вазнича олиб, яхшилаб майдаланади, сўнг катта қилиб юма-лоқлаб, ундан бир *жавза* ёки икки *жавза* олинади.

### *Бошқа бир сурги дори.*

Қичитқийўт уруғидан ва бурақдан олинади ва юқоридаги тadbир амалга оширилади, Бу дори қоринни ҳаракатга келтиради.

*Шу йўналишдаги бошқа бир сурги дори.* Бир дирҳам *илк ал-бутм*<sup>21</sup>, бир дирҳам бурақдан олиб, барчасини майдалаб талқон қилинади ва у, дарҳақи-қат, баданни тозалайди.

### **Бошқа таркиб.**

У балғамни ҳайдайди, меъда ва ичакларни тозалалайди ва бўғинлардаги балғамни суради. Майдаланмаган яхши *турбиддан*<sup>42</sup> олиб, уни сурмадек қилиб майдаланади ва унинг ўн *дирҳами* йигирма *дирҳам* шакар билан ара-лаштирилади. Унинг бир ичими икки *дирҳамгачадир*.

**Турбид шарбати.** Бу дори бўғинлардаги ва сондаги балғамни кучли ҳайдайди ва дорини ёқтирмайдиганларнинг дардларини ҳам даволайди. Бир *ратл* янги турбиддан олиб, унга кўмадиган миқдорда тоза сув (қор суви) қўшиб, ёз офтобида боши берк пиша идишда ўн кунгача қолдирилади. Сўнгра турбидни докадан ўтказилади. Бу вақтгача турбиднинг таъми батамом кетган бўлиб, унга яна сув қўшилади ва бу тadbир қайта такрорланади. Сўнгра ҳамма сувини жам қилиб, унга икки *ратл* табарзад шакари қўшилади ва уни паст оловда гулоб ҳолига келгунича қайнатилади ва уни ҳам гулоб ичирилгандек ичирилади. У балғам хилтини чиқариб ташлайди. Агарда бу шаробни тез тайёрлаб олишни истасанг, уни оловда тайёрла. Қувватда эса унинг аввалига хилоф жойи йўқдир, лекин унда аввалги тозалик бўлмайди.

**Балғамдан бўлган бўгин касалликларида ишлатилувчи жуда яхши сурғи дори.** Икки *дирҳам* савринжон, икки *дирҳам* бузойдон, учдан бир *дирҳам* моҳизаҳра, бир ярим *дирҳам* турбит, бир *донақ* занжабил ва яна шунча шакар олинади ва бу бир ичиш миқдоридир.

**Балғамдан бўлган бўгин касалликларида қўлланилувчи кучли қайнатма:** Уч *дирҳам* оқ савринжон, уч *дирҳам* бузойдон, бир *дирҳам* моҳизаҳра, тўрт *дирҳам* турбид, икки *дирҳам* рўян ва *ҳанзал*<sup>43</sup> пўстлоғини олиб, ҳаммасини бир ярим *ратл* сувда то ярим *ратл* қолгунича қайнатилади ва ичилади. У жуда кучли бўлиб, ични қаттиқ суради.

Бошқа бир қайнатма.

Турбид, пўсти ажратилган *ҳабб ун-нил*<sup>44</sup>, савринжон, бузойдонлардан беш *дирҳамдан*, бир *мисқол* моҳизаҳра, икки *дирҳам* ҳанзал барги ва луфодан олиб, бир ярим *ратл* сувда бир *ратл* қолгунича қайнатилади ва докадан ўтказилгандан сўнг ичилади.

**Балғамни кучли ҳайдовчи ҳаб дори.** Бир ярим *дирҳам* турбид, икки *донақ* ҳанзал ёғи, тўртдан бир *дирҳам* муқлдан олиб, ҳаб дори тайёрланади ва у сондан хилтларни ҳайдашда ажойиб дориدير.

**Бошқа таркиб.** Бир *мисқол* қизил анзарут, бир *мисқол* оқ савринжонни олиб, бир *уқия* бақатерак ёғида ва шунча миқдор укроп қайнатмасида эри-тилади, ва ичирилади. Дарҳақиқат, у безиён таъсир этиб, куймучдан оғриқни бутунлай чиқариб ташлайди. Аммо куймуч оғриқларида ишлатиладиган дориларга келсак, улар ҳанзал эти, луфо, ёввойи бодринг шарбати, савринжон, бузойдон, бақа жўхориси, назла ўти, қаврак елими, говшир ва шу кабилардир. Буларни балғамдан бўладиган куймуч оғриқларида ичиладиган сур-

гиларга тааллуқли деб билиш лозим.

**Бошқа таркиб.** *Никрис*<sup>45</sup> ва хусусан, балғамдан бўладиган бўғин касалликларида фойда қилади. Беш *дирҳам* қуруқ *ҳанзалнинг* пўстлоғи, бир *ҳусса* олиб, уларнинг ҳар иккисини уч *ратл* сувда учдан бири қолгунича қайнатилади ва докадан ўтказиб, ичилади ва у думбадан балғам ва хилтларни ҳайдашда жуда яхшидир.

**Жуда кучли ҳаб дори.** У бўғинлардан ва қуймучдан балғамни жуда яхши ҳайдайди. Ярим *дирҳам* савринжон, ярим *дирҳам* бузайдон, учдан бир *дирҳам* моҳизаҳра, учдан бир *дирҳам* турбид, тўртдан бир *дирҳам* *ҳанзал эти*, бир *донақ фарфиондан* олинади ва булар бир ичишлик бўлиб, уни шу ўринда истеъмол қилинади.

**Шитараж**<sup>46</sup> ҳаб дориси, нажот ҳаб дориси, ҳабби савринжонлар жуда машҳур ҳаблардан бўлгани боис биз уларнинг таркибларини бу китобга кiritмадик.

**Илдиз суви.** Уни канакунжут ёғ билан бирга ичилса, балғамдан бўлган артрит ва қуймуч оғриқларида касалликни даф қилиш ва даволашда ажойибдир. Ўн *дирҳам* петрупика илдининг пўстлоғи, ўн *дирҳам* олакуланг, беш *дирҳам* ковул илдизи, беш *дирҳам* *ҳанзал* пўстлоғи, беш *дирҳам* ингичка *қантуриюн*, беш *дирҳам* *шитараж*, беш *дирҳам* жувона, беш *дирҳам* *анисун*<sup>47</sup>, беш *дирҳам* савринжон, беш *дирҳам* моҳизаҳралардан олиб, уч *ратл* сувда бир *ратл* қолгунича қайнатилади ва ҳар куни ундан бир *уқиядан* олиб, унга бир *мисқол* канкунжут ёғи қўшилиб истеъмол қилинади. Агар касаллик кучли ва ёмон бўлса ҳам яхши таъсир қилади.

**Кучли сурги ҳаб дориси.** У кучли қувват билан қуймуч ва бўғинлардан балғамни ҳайдайди, ҳаттоки бошқа дорилар унга теяг кела олмайдилар. Ўн *дирҳам* қуритилган турбид, икки ярим *дирҳам* *ҳанзал эти*, уч *дирҳам* ёввойи бодринг шарбати, ўн *дирҳам* пўсти артилган *ҳабб ун-нил*, бир *мисқол фарфион*, беш *дирҳам* савринжон, беш *дирҳам* бузайдон, беш *дирҳам* моҳизаҳра, икки *дирҳам* анзарут, икки *дирҳам* *сакбинаж*<sup>48</sup>, уч *дирҳам* пўсти артилган *кирмдоналардан*<sup>49</sup> олинади ва барчасини жамлаб, ҳаб қилинади. Қувватли ҳамда қувватсиз кишилар ҳам уч ярим *дирҳамдан* ичадилар. Ундан ташқари бу кучли ҳаб дорини баданда балғам кўпайганда ҳам истеъмол қилинади. Бундай ҳолатда Руфуснинг маҳсус иёражи,<sup>50</sup> ва Антиёфатрус иёражи<sup>51</sup>, ва Жолинуc иёражи<sup>52</sup> истеъмол қилинади. Уларнинг ичида балғамни суришда етукроғи ва тўғрироғи Руфус иёражидир. Биз балғамни сурувчи қувватли дориларнинг баёнини тугатамиз.

## ТҶҶҚИЗИНЧИ ФАСЛА САВДОНИ ҲАЙДОВЧИ ДОРИЛАР

**Б**у боб қондан пайдо бўлувчи иркуннасо ва камёб бўгин касалликларида истеъмол қилинувчи дориларга бағишланади ва биз, иншааллоҳ, шуларни баён қиламиз.

**Сурғи дори.** Беш *дирҳам* совутилган девпечакни икки *уқия* асал суви билан ичилади. У думбадан савдони яхши ҳайдайди.

**Бошқа таркиб.** Йигирма *дирҳам* бистпоя, йигирма *дирҳам* янги девпечак ва ҳаммасининг вазнида *табарзад* шакари олинади ва уни тўрт *дирҳам* гулоб билан қўшиб ичилади.

**Бошқа нусха.** Йигирма *дирҳам* қора ҳалила, беш *дирҳам* куртубий девпечакдан олиб, бир ярим *ратл* сув қўшилади ва уч кун тиндириб қўйилади, сўнгра сузиб, ичилади.

**Девпечак қайнатмаси.** У ўз қуввати билан савдони бутунлай ҳайдайди. Йигирма *дирҳам* қора ҳалила, беш *дирҳам* бистпоя, етти *дирҳам* сано, худди спунча девпечакдан олиб, ҳаммасини уч *ратл* девпечак сиркасида бир *ратл* қолгунича қайнатилади, сўнгра унга девпечакдан солиб, оловдан олинади ва бир кеча қолдирилади, кейин тиндириб, докадан ўтказилади ва бир *дирҳам гориқун*, учдан бир *дирҳам* ҳинд тузи, тўртдан бир *дирҳам* харбақ ва бир *дирҳам* магнит тошини олиб, сиканжубин билан майдалангач, ҳаммаси жамланади ва саҳарда ичилади.

**Савдони ҳайдовчи ҳаб дори.** Бир *дирҳам* девпечак, бир *дирҳам* бистпоя, учдан бир *дирҳам гориқун*, тўртдан бир *дирҳам* ҳинд тузидан олиб, ҳаммаси бирлаштирилади ва ҳаб қилинади, бу бир ичиш миқдоридир. Савдони суришдаги яхши талбир ўша бўшатувчи дорини жуда кўп маротаба ичишдир. Чунки бу хилт бир маротаба ичишнинг ўзида чиқиб кетмайди, бу дорини ичишдан аввал ҳаммомга тушиш, гавда устидан сув қуйиш, сиканжубин ичиш, ични мулойим суриш ва бўшатиш мумкин.

## ЎНИНЧИ ФАСЛА САФРО ВА БАЛҒАМНИ БАРОБАР ҲАЙДАШ

**Б**ўгин касалликлари кўп ҳолатларда балғам моддаси билан аралашиб кетган сафродан бўлиб, бу нарса инсонларда учраб туради. Шунинг учун қисқа муддат ичида бу оғриқда хилтлардан қийналган кимсаларни кўрасан. Уларнинг оғриқлари эса жинсий қувватнинг пасайиши, чарчашлик ва бедорлик билан давом этади. Яна қиздирувчи нарсаларга қаршилик қилмасалар касалликлари чўзилиб кетади. Агар таомдаги ўткирликни касб қилсалар ҳам уларда касаллик чўзилиб кетади, чунки ўткирлик мана шу хилтлар учун



керакдир. Шу боисдан ични сурувчи дорилар бўғин касалликларининг купиди фойдалидир. Улар балғам моддасини сафродан ажратади.

Ёлғиз ишлатиладиган дориларга келсак, булар чўл қовоғи, *мозариюн*<sup>51</sup>, моҳудона, бон уруғларидир. Мураккаб дориларга келсак, улар *сақмуниё*-дир. Агар у билан турбид ёки *ҳабб ун-нил* ёки ҳанзал эти аралаштирилса, сафро билан балғамни тозалашда унинг қуввати кучаяди. *Сақмуниё*нинг ўзи эса балғамни тортиб олгани каби жигардан сафрони ҳам тортиб олади. Яна балғам хилтини ҳам жуда кучли тортади. Агар алоэни турбид билан аралаштирилса, у ердаги сафрони ва хўлликларни тортиб олади. Шу фаслда мен мана шундай дориларни тайёрлаш учун улар каби дориларнинг бир нечтасини саралаб, бу китобнинг ўқувчилар учун фойдаси бўлиши учун айтиб ўтаман.

***Сафро ва балғамни мўътадил ҳайдовчи қулча дори.*** У кишини қайғуга солмайди, меъда ва жигарни оғритмайди, балки уларнинг қувватини оширади. Бир ва учдан бир *дирҳам* пиширилмаган *сақмуниё*, ўн *дирҳам* майдаланмаган турбид, бир ва учдан бир *дирҳам*, майдаланган қизил гул, ярим *дирҳам* яхши сунбулдан олинадиди ва буларнинг барчасини олма ёки беҳи шарбати билан жамлаб ундан мўътадил ўнта ичишлик ўртача қулчалар тайёрланади. Уни бошлашда бир донадан, кейинчалик бир ярим ва иккитадан истеъмол қилнади.

***Сафро ва балғамни баробар сурувчи қайнатма.*** Беш *дирҳамдан* ўн *дирҳамгача* пўсти ажратилган сариқ ҳалила, уч *дирҳамдан* беш *дирҳамгача* қорайтирилган оқ турбиддан олиб, уни уч *ратл* сувда учдан бир *ратл* қолғунича қайнатилади ва ўн *дирҳам* шакар солиб, ичилади.

***Сафро ва балғамни кучли қувват билан ҳайдовчи ҳаб дори.*** Бир *дирҳам сақмуниё*, икки *дирҳам* ҳанзал эти, тўрт *дирҳам* алоэ, бир *дирҳам* эрмон шарбати, ярим *дирҳам катиरो*, бир *дирҳам* мастаки олинадиди. Бу жуда яхши танланган ҳаб доридир. Агар унга қувватли бўлиши учун савринжон қўшилса, бўғин касалликларини барча турларида фойдалидир, лекин у шаҳватни пайсайтеиради. Шу сабабдан бу доридан фойдаланган одам уни ичгандан сўнг меъдани қувватлантирувчи дори ичиши лозим, у дориларга доимо қиздирувчи дорилар ҳам қўшилади. Уларга ҳамиша арпабодиён, занжабил ва шу қабилар аралаштирилади. Яна шунга ўхшаб даволашда муваффақиятга эришиш учун бўғинларни иссиқ сув билан, қорақуя ва ёғлар билан компресс қилинади, қадимгилардан кўпчилиги “қарғанинг оёғи”, “зоғ оёғи”<sup>54</sup> деб номланувчи ўсимлик бу иллатга наф қилишда савринжондан яхшироқдир, деганлар. Шу билан бирга у меъдага озор бермайди, дейишади. Мен эса уни амалда синаб кўрмадим.

## ЎН БИРИНЧИ ФАСЛА ОҒРИҚЛАРНИ ҚОЛДИРУВЧИ ДОРИЛАР ҲАҚИДА

**Б**у дориларни оғриқ жуда кучли бўлганда ва оғриқнинг кучидан беморга ҳушдан кетиш хавфи туғилса, истеъмол қилинади. Бу дорилар қонни ва танадаги жамики суюқликларни қуюқлаштиради, шу сабабдан уларни тана ҳолсизланиб оғриқ жуда кучайган ҳолатлардан бошқа вақтларда истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Биз бу дориларни оғриқ ҳиссини озгина камайтириш учун ишлатиб кўрдик ва мен уни синаб кўрдим.

*Кучли оғриқ бўлган вақтда ичиладиган дори.* Бу дори оғриқларни бутунлай қолдиради ва йўқотади. Оқ савринжон, табарзад шакари, бобуналардан олиб, уч *дирҳам* совуқ сув билан *шиёф*<sup>55</sup> қилинади.

*Бошқа дори.*

Куйдирилган тухумдан икки *дирҳамдан* ичилади.

*Бошқа нусха.*

Бир *дирҳам* савринжон, икки *донақ шитараж*, икки *дирҳам* шакар олиб, аралаштириб ичилади.

*Бошқа хили.*

Дуб ёнғоғини узум сиркасида бир кеча кундуз ивителиди, сўнгра қуритилиб, лозим бўлганида уч *дирҳам* ичилади.

*Бошқа дори.*

Пўсти ажратилган ясиқ, қуритилган кашнич, сиркада ивитилган дуб ёнғоғи ва оқ савринжондан олиб майдаланади ва ундан уч *дирҳамдан* ичилади. Яна пишмаган хом узум, татим, ясиқ, сирка ва нордон равоч билан тушлик қилинади. Булардан оғриқ чўзилган ҳолда ва иссиқ моддалардан бўлганида фойдаланилади. Агар оғриқ кучайса, биз ухлатувчи, дориларни истеъмол қилишни тавсия қиламиз.

*Бошқа таркиб:*

Сутчўп уруғи ва мева шарбатидан ўн *дирҳам*, оқ бангидевона уруғидан ўн *дирҳам*, *созаждан*<sup>56</sup> икки *дирҳам*, девпечакдан икки *дирҳам* олиб, ҳаммасини жамлаб, ёнғоқ катталигида ҳаб тайёрланади ва шу ҳолатда унга тинчлантирувчи дорилардан ҳам қўшилади ва бўғинларнинг устига дока билан боғланади ва у ҳар қандай ҳолатда уйқуни келтиради. Шунингдек, афюндан тайёрланган шиёфдан ҳам қўйилса, яхшидир. Хусусан агар оғриқ оёқда бўлса, бу шиёфни оёққа қўйганда оғриқни қолдириб, уни тортиб чиқаради. Агар оғриқнинг негизи совуқдан бўлса ҳам ҳудди шу каби дорилар ишлатилади.

*Бўгин касалликлари учун маъжун.* ўн *дирҳам* савринжон, беш *дирҳам* Макка саноси, беш *дирҳам асорун*<sup>57</sup>, занжабил, кермон зираси, узун мурч, игирларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олиб асал билан маъжун қилинади. Унинг бир ичими икки *мисқолдир*.

### **Бошқа дори.**

Савринжон, бузайдон, моҳизаҳралардан ўн *дирҳамдан* олинади. Беш *дирҳамдан* мурр, зира ва панжангушт, икки *дирҳамдан* афюн ва меҳригёдан олиб, асал билан маъжун қилинади ва ундан уч *дирҳам* олиб устига ёпиштирилади. Агар оғриқнинг моддаси мураккаб бўлса, дори ҳам шунча мураккаб бўлиши лозим. Таомга эса қуруқ мизожли нарсалар истеъмол қилинади. Улар қовурилган, қайнатилган ва қуруқ пиширилган нарсалардир, буларнинг истеъмолидан сўнг бемор чанқайди бунга эса сабр қилиш керак.

*Совуқдан бўлган ниқрисни қолдириш учун яхши даво.* Ўйгирма *дирҳам* савринжон ва унинг уруғидан ҳам ҳудди шунча, зирадан ўн *дирҳам* олиб, улардан уч *дирҳам* вазнидаги шиёф қилинади. Яна оғриқнинг кучи хилтининг чўзилишидан бўлса, аъзога бобуна ёғи суртилиб, гулхайри, зигир уруғлари билан оғриган бўғин устига боғланади.

## **ЎН ИККИНЧИ ФАСЛА СОН ОҒРИҚЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҲУҚНАЛААР<sup>58</sup>**

**Б**у бўғинни даволашда моддани ундан суғуриб олиш ва кучли ҳуқналар қилиш катта тадбирлардан бўлиб, бунда моддалар ичакларнинг ўзидан сўриб олинади ва ўша куни оғриқ қолади. Мен сон суягининг оғриғини бир кишида сирка билан қўшилган мазаси ўткир овқатларни ейиши билан босилганини кўрдим. Шундан кейин ундаги оғриқ тинчиб кетди. Яна кўп инсонларни ични сурувчи ва ҳуқна қилинувчи дорилар қийнаб қўйганини кўрдим, лекин улар бу нарсалар ёрдамида тозаландилар, енгил тортидилар. Яна шунга ўхшаш сон суягининг оғриғи вақтида ичакларда сўрилувчи нарсалардан фақат шу касалликда мумкин бўлган дорилар қолади. Мен мана шу ҳуқналарни икки ёки уч синфга бўлиб, алоҳида-алоҳида зикр қиламан.

**Жуда кучли ҳуқна.** У қонни юргизади ва иллатларни суғуриб ташлайди. Ковул илдизи пўстлоғи, ҳинд *шитаражи* пўстлоғи, *ҳанзал* пўстлоғи, ингичка луфо, ёввойи бодринг, моҳизаҳраларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олиб, уч *ратл* сувда учдан бири қолғунича қайнатилади, сўнг докадан ўтказиб, ярим *уқия* ҳанзал ёғи билан орқа тешикка киргазиб, ҳуқна қилинади. Яхши фойда бериши учун ҳуқна қилинган аъзо тинч қўйилади ва имкон қадар дорини кўпроқ ушлаб турилади. Ҳуқнадан аввал бемор таом еб олиши лозим. Тунда эса қайнатилган тоза сув билан ошқозон тозаланади, ундан олдин эса лавлаги ва бурақ сувлари билан ичакларга ҳуқна қилинади. Ҳуқнани ичакларнинг ичига улар тоза бўлиши ва уларнинг ишлашлари қувватли бўлиши учун қилинади.

**Бошқа бир кучли ҳуқна.**

*Артанисо*<sup>59</sup>, оқ харбақ, моҳизаҳра, кирмдона, исирик, *ҳанзал* эти, *тара-*

тизак, ушнон ахзар<sup>60</sup>, мозариюнлардан бир ҳуфнадан олиб, уч *ратл* шаробда учдан бир қисми қолгунича қайнатилади ва уни беш *дирҳам* эски ёғ билан ҳуқна қилинади. Бу иссиқ ҳуқна бўлиб, ҳудди шу каби ҳуқналарни сассиқ гализ хилт ва балғамлик қилтларга ишлатиш яхшидир. Аммо кимда бунга ўқшаш оғриқлар бўлмаса ва хилтида сассиқликлик бўлмаса ҳамда ҳўллик кўп бўлганда лавлаги, бурақ сувлари билан ҳуқна қилинади ёки намақоб ёки муррийнинг набатийси билан ҳуқна қилинади.

*Хилтларни камайтирувчи кучли ҳуқна дори.* Ҳанзал эти, қантуриюн, артанисолардан бир ҳуфнадан ва шу миқдорда моҳизаҳрадан олиб, аввал айтиб ўтганимиздек, сувда қайнатилади ва уни канақунжут ёғи билан ҳуқна қилинади.

*Бошқа хили.*

Бобил индовини олиб, сувда ивителиди ва ўша сувдан ҳуқна қилинади, бунинг ўзи кифоядир.

*Бошқа ҳуқна.*

Уч *ратл* сув олиб, унга бир *ратл* бурақ солиб, оғзини маҳкам ёпган ҳолда икки хафта офтобга қўйилади, сўнгра у билан ҳуқна қилинади.

*Бошқа нусха.*

Артанисони сувда қайнатиб, шу қайнатма билан ҳуқна қилинади ёки япил ушнонни суви билан ҳуқна қилинади.

*Бошқа дори.*

Зикр қилинган ҳуқналарнинг ўрнига ўтувчи бир шамча дори бўлиб, ҳанзал эти, бурақ, артанисолардан бармоқ катталигида шамча тайёрланади ва орқа тешикка қўйилади.

*Бошқа таркиб.*

Ҳанзалнинг пўстлоғини қайнатиб, тиндирилади, сўнг унга бурақ гир неча томчи канақунжутнинг ёғидан томизилади ва шу аралашма билан ҳуқна қилинади.

Бу мавзуда зикр қилганларимиз кифоя қилади.

## ЎН УЧИНЧИ ФАСЛ БЎҒИНЛАРГА БОҒЛАНДИГАН ВА СУРТМА ҚИЛИНАДИГАН ДОРИЛАР ҲАҚИДА

**Б**у дорилар иссиқ шишларда ишлатилиши боис оғриқларни тинчлантирувчи ва ташқи зарарли таъсирлардан сақловчи хусусиятларга эгадир. Биз булар ҳақида бўғин касалликларининг давоси зикрида айтиб ўтдик.

Ташқи таъсирлардан сақловчи боғичлар оғриётган бўғинларнинг устига хўл ҳолда қўйилмаслиги керак, уларни ични бўшатгандан сўнг қўйилади ва бу нарса баданга фойда келтириши керак. Моддани оғриётган аъзодан торт-

гандан сўнг, биз шу каби боғичлар ва суртмаларни талабга биноан ишлатамиз. Шунга кўра аъзоларни қувватли қилиш учун ва чириган кўп чиқиндиларни қабул қилмаслиги учун бу дориларни соннинг устига ҳам қўямиз. Биз мана шу даволаш услубининг бошқа турларини ҳам зикр қиламиз.

**Бўғинлардан моддаларни чиқариб ташловчи, оғриқларни қолдирувчи ва қондан бўлган, кучли яллиғланган шишларни даволовчи суртма.**

Қизил сандални итузум суви билан идишга солиниб, эзилади ва куйдирилган зиғирни майдалаб, қорда совутилган гул суви билан қўшиб, ҳаммаси боғланади. Агар ўша боғланган нарса қизиб кетса, бошқаси билан алмаштирилади. Уни эрталаб икки соатга боғланади, сўнг ўша аъзо ювиб ташланиб, қуритилади ва бир соат очиқ қолдирилади, кейин тадбир яна такрорланади ва бу иш оғриқ тўхтагунича ҳар куни қилинади. Шундан сўнг аъзонинг устини ювиб ташлаб, нафас олиши учун тегилмайди. Агар оғриқ қайталаса, юқоридаги тадбир ҳам такрорланади. Бунга яна оғриқни қолдириш учун оқ сандални ҳам қўшиш зарар қилмайди. Агар оғриқ жуда кучли бўлиб, лекин пишга айланмаган бўлса, юқоридаги икки ҳолатни бирлаштира ҳам бўлади.

**Бошқа бир боғич.** У моддаларнинг оқишини тўхтатади ва совутади, оғриқни тинчлантиради ҳамда иссиқдан бўлган шишларни қайтаради.

Бир қисмдан момисо шиёфи, ақоқиё<sup>61</sup> ва афюнлардан олиб майдаланади ва итузум сувига ёки бошқа совуқ мизожли кўкатлардан сутчўп, фарфююн, сачратқиларнинг сувига қориб, боғланади.

**Аъзоларни қувватлантирувчи, гализ моддаларни қайтарувчи, ҳароратни сўндирувчи суртма дори.**

Баробар вазнда қизил сандал, момисо шиёфи, фуфал<sup>62</sup>, майдаланган қизилгул, қора кўкнор пўстлоғи ва шохтаралардан олиб, ҳаммаси жамланади, яна ҳожат тушганда бундуқдан ҳам бир донасини олиб, аъзо устига қўйиб, айтиб ўтганимиздек ишлатилади.

**Бошқа таркиб.**

Гул суви, озгина кофур ва куйдирилган зиғирларни қўшиб, зикр қилгандек ишлатилади.

**Бошқа бир кучли совитувчи оқ суртма.**

Бугдой крахмали, кўрғошин упаси, табошир ва кофурдан олиб, уларга гул суви қўшиб, суртма тайёрланади.

**Оғриқларни қолдириш ва аъзоларни кучайтиришда ишлатилувчи ажойиб суртма.**

Куйдирилган суюқни майдалаб, сувда икки ёки уч мартаба ювилади ва қуритилади. Сўнгра ундан бир қисм, оқ савринжондан икки қисм крахмал ва кўрғошин упаларидан бир қисмдан олиб, ҳаммасини гул сувига аралаштирилади. Аралашмага майдаланган кофурни қўшиб, сўнг суртилади.

**Бошқа таркиб.**

У аъзога қувват беради, агар модда кўпайиб кетса, уни ислоҳ қилади, агар шиш жуда катта бўлса, қурилади.

Қизил сандал, момисо шиёфи, арман лойи, анор гули, темир занги, *муғос*<sup>63</sup> ва *шитаражлардан* олиниб, уларни мирта суви билан қўшиб суртилади. Бу аъзолардан моддаларни ҳайдашда жуда кучли суртмадир.

**Кўнгина совуқ моддаларни ҳайдайдиган суртма.**

Ақоқиё, мози, момисо шиёфи, сандал ва гулдан олиниб, ҳожат бўлганда уларни мирта суви билан бирга суртма қилинади ва у олдинги айтилган дори кабидир, лекин даф қилишда ундан ҳам кучлироқдир.

**Кучли совутувчи суртма.**

Иссиқдан бўлган шишларда истеъмол қилинса, уларни шифолайди. Крахмални кофур билан майдалаб, гул сувида суртма қилинади.

**Бошқа совутувчи, қайтарувчи суртма.**

Кўрғошин упасини майдалаб, гул сувида ёпишқоқлик ҳолатига келгунича қорилади ва суртма қилинади.

**Оғриқларни қолдирувчи бошқа суртма.**

Кўрғошин упасини сигир сути билан суртма қилинади ва у ҳароратни сўндиришда жуда яхши восита бўлиши билан бирга кучли даф қилувчи ҳамдир.

**Сафровий шишларни ислоҳ этувчи дори.**

Зиғир уруғини сиркага солиб пиширилади ва совутиб, *фарфийун* билан боғланади ёки қовоқнинг пўстлоғи, ёҳуд қурбақаўт билан боғлаш ҳам мумкин. Дори илиганда уни алмаштириб турилади ёки уни қор билан совутилган сувга солиб қўйилади ва тез-тез алмаштириб турилади. Шиш қайтгунга қадар боғич устидан совуқ сув қуйиб, совутиб турилади.

**Оғриқларни қолдирувчи суртма.**

Уни оғриқ жуда кучли бўлганда ишлатилади. Оқ ундан тайёрланган ноннинг ўртасидаги юмшоқ ерини олиб, то у марҳамдек бўлгунича сигир сутида ивотилади сўнгра унга нон миқдоридан сутда ивотилган афюндан солиб, уни ҳам аъзоларга суртма қилинади. Унинг устига баъзи совуқ кўкатлардан қўйилади ва илиганда алмаштириб турилади. Дарҳақиқат, у оғриқларни қолдиришда энг зўр дорилардандир.

**Бошқа таркиб.**

Мумни тўрт баробар миқдордаги гул ёғи билан эритилади, сўнгра ҳар бир уқиясига бир *дирҳам* заъфарон ва етти *дирҳам* афюн солинади, барчасини ҳавончада эзиб, юмшатилади ва оғриган жойга суртма қилинади. Унинг устига сутчўп, сачратқи ва қаръ қовоқ барглари қўйилади.

Оғриқни қолдирувчи жуда кучли дори

Ўн *дирҳам* ҳиди ўтқир янги афюн, беш *дирҳам* меҳриғиё илдизининг пўстлоқларидан олинади ва ҳаммасини жам қилиб, сутчўп суви билан ёки

қора мингдевона билан ёнғоқдек қилиб юмалоқланади ва оғзи ёпиқ ҳолатда сақланади. Кучли оғриқ пайдо бўлганда сутчўп суви билан қўшиб, суртма қилинади.

#### **Бошқа таркиб.**

Арман шиёфидан олиб, уни итузум сувида ивителиади ва суртма қилинади. Булар биз билган нарсалар бўлиб, уларни суртма қилганда итузум суви билан аралаштирилса, таъсири кучли бўлганини кўрдик ва уни *фус арманий* деб атадик. Агар оғриқ кучайиб, боғичлар ҳам уни тинчлантира олмаса, унга узоқ муддат совутилган ўткир сирка қўйилади.

#### **Иссиқ шишларда ишлатиладиган суртмаларнинг баёни.**

Улар шишларнинг ҳажми тўхтаб қолганда совутиш учун ишлатилади.

Қизил сандал ва заъфаронларнинг ҳар биридан тенг бўлақдан олиб, янги кашнич суви билан суртма қилинади.

#### **Бошқа суртма.**

Момисо шиёфи, темиртикан ва араб алоэсининг ҳар биридан тенг бўлақдан олиб, сачратқи ва петрушка суви билан суртма қилинади.

#### **Бошқа хили.**

Арман лойи, алоэ, ликий шираси, заъфарон, амом ва муррдан олиб, улардан кашнич сувида суртма тайёрланади.

Оғриқ ва ҳароратни биргаликда тинчлантиришда ишлатиладиган суртма дориларнинг баёни.

Шишларнинг сўрилишига эҳтиёж туғилса, кепак, гулхайри ва мойчечак гулдан олиб, ҳаммаси майдаланади ва қорозга суртиб аъзога қўйилади.

#### **Бошқа таркиб.**

Майда зигир уруғини *голия*<sup>64</sup> билан жам қилиб аъзога қўйилади.

#### **Бошқа суртма.**

Товуқнинг ёғи, сариқ йўнғичқа талқони, қуруқ аччиқ тош ва зигир уруғларини карам суви билан аралаштириб, суртма қилинади.

#### **Бошқа нусха.**

Мумдан етти жузъ, укроп ёғи ва мойчечак гулларида олти жузъ олиб, ҳаммаси майдаланади ва суртма қилинади.

#### **Бошқа таркиб.**

Қора товуқнинг ёғини эритиб, худди шу миқдордаги мойчечак ёғи билан аралаштирилади ва аъзоларга қўйилади.

#### **Бошқа хили.**

*Диёхилун марҳамини*<sup>65</sup> мойчечак ёғи билан аралаштириб, аъзога суртилади.

#### **Кучли суртма.**

Кул ва карам илдизини олиб, эски ёр билан аралаштириб, аъзога суртилади.

*Ҳушбўй ҳидли бошқа бир дори.*

Пўсти тозаланган камхастак, бон уруғи, мастаки, ладан ва майъа елимидан олиб, ҳаммасини озгина гулсафсар ёғи билан арадаштирилади. Бу жуда кучли юмшатувчи ва шишларни қайтаруқчи доридир.

*Бошқа кучли дори.* У тошларни парчалашда ва қаттиқликларни юмшатишда синалгандир. Канақунжут ва бон уруғига гулсафсар ёғини қўйилади. Уни ишлатишдан аввал аъзони бир соатгача иссиқ сувга солиб турилади, сўнгра дорини аъзога ўн соат боғлаб қўйилади. Бу тадбирдан сўнг, шиш тўлиқ қайтиши учун уни олиб ташлаб, бошқаси боғланади. Агар мана шу тадбирдан сўнг ҳам шиш қайтмаса, у қаттиқ шишлардан ҳисобланади. Биз ҳам қаттиқликларни даволашни қўйида зикр қиламиз. Ҳозир эса ниқрисдаги иссиқ шишларда қўлланиладиган боғичлар ва суртмалар каби дориларни етарлича баён қилдик.

Биз қайтарувчи боғичларга модда савдовий ғализ қондан ёки балғамдан бўлган ҳолатларда эҳтиёж бўлади, деб айтган бўлар эдик. Сафровий шишларга келсак, улар тоза қизил рангда бўладилар шу сабабдан айтиш керакки, ўша нарсага муҳтож бўлинмайди. Яна айтадиларки, бу дорилар бўғинларда қолиб кетган иссиқ шишларни эритишда суэт бўлганлиги сабабли уларни кўришимизга ҳожат йўқдир. Чунки жисмларнинг ёғ боғлаган қисмларидаги шишларни тарқатувчи модданинг кайфияти қаттиқлик бўлиб, бўғинларни боғлаб туради ва у нарса чириган бўлмайди. Шу сабабли у ердаги шишларни қайтариш осонроқдир.

## ЎН ТЎРТИНЧИ ФАСЛ СОВУҚДАН БЎЛГАН БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИДА ИШЛАТИЛУВЧИ СУРТМА ВА БОҒЛАНДИГАН ДОРИЛАРНИНГ БАЁНИ

**Ж**уда кўп чиқиндиларнинг қўймуч суягида тўпланмаслиги учун аъзоларнинг қувватини бўшатгандан кейин оқувчи нарсаларнинг бошланишида истеъмоқ қилинадиган дориларга эҳтиёж бўлади. Агар оғриқ кучайиб кетса сусайтирувчи, мизожни алмаштирувчи, оғриқларни қолдирувчи, тўғри бўшатувчи нарсаларни ишлатиб, қўймуч суягидаги оғриқни қолдиришимиз керак бўлади. Яна *сиқирус* деб аталувчи қаттиқ шиш ғализ моддадан бўлса, уни тарқатувчи дорилар билан бўшатиш керак бўлади.

*Совуқдан бўлган бўғин касалликларининг бошланишида ишлатиладиган суртма дори.* Ақоқиё, жуда ҳам аччиқ ва ўткир алоздан олиб, мирта суви билан суртма қилинади.

*Бошқа таркиб.*

Сунбул ва мозилардан олиб, суртма тайёрланади.



*Мизожни алмаштирувчи ва оғриқларни қолдирувчи суртма.* Оғриган жойга майъа елими ва нилуфар ёғи билан суртма қилинади. Ёки қундуз қири, мурр ва қустлардан олиб, уларни эски зайтун ёғи билан суртма қилинади. Ёхуд мурч, ёввойи зира, қундуз қири, муррлардан тенг бўлақдан олиб, уларни гулсафсар ёғининг дурдаси билан суртма қилинади. Аъзони рум сумбули ёки қуст ёғлари билан ёғланади.

*Синалган кучли суртма.*

Мумни гулсафсар ёғида ёки нилуфар ёғида зритиб, унга янги бешта *фарфиюн* қўшилади ва у оғриётган аъзода ҳарорат ҳосил қилгунича бир соат боғлаб қўйилади.

*Бошқа суртма.*

У билан аъзолар ёғланади ва ундан ҳарорат пайдо бўлади. Мурч, қундуз қири ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан бир *мисқолдан* ва икки *мисқол* назлаўтидан олиб, майдаланади ва бир *уқия* қуст ёғига қўшилади. У билан аъзони қаттиқ ишқалаб, боғланади.

*Бошқа таркиб.*

Афюн ва қундуз қиридан тенг вазнда олиб, уларга ярим вазнча заъфарон қўшиб, аъзога суртма қилинади. Агар оғриқ кучли бўлса ва шу ҳолатда унга ҳали дори ишлатилмаган бўлса, мазкур таркибни ялпиз ёки шаробда пишириб, иссиқ ҳолда оғриётган аъзоларнинг ўзигагина кўп муддат суриб қўйилади.

*Бир исбаъ бўлган шишларни сўндирувчи тадбир.*

Ток новдасининг кули ёки дуб ёнғоғи кулидан олиб, унга сув қўшиб, бир кеча-қундуз қолдирилади, сўнг сузилади. Сузиб олинган эритмага ўшанча сирка аралаштирилади. Аралашмага латтани ҳўллаб, у билан оғриган жойлар уқаланади.

*Бошқа хили.*

Андароний тузидан<sup>66</sup> олиб, уни кукун қилиб майдаланади, сўнгра оғриётган жойни ўша туз билан уқаланади.

*Совуқ шишларни қайтарувчи бошқа бир даво.*

Савринжон пўстлогини сув билан қўшиб, суртма қилинади.

*Бошқа суртма.*

Алоэ, ликий шираси ва муррлардан тенг вазнда олиб, уларни суртма қилинади.

*Бошқа хили.*

Қалимиё<sup>67</sup>, аччиқ тош ва сиркадан олиб, уларни эзиб, суртма қилинади ва уни ликий елими талқони билан кетказилади. Сўнг ёғ билан ёғлаб, унинг устига толнинг кулини сепилади ва кучайтириш учун эса ёғ билан ёғлагач, унинг устига сиркага аралаштирилган индов ва туз қўйилади. Ёки яна толнинг кули ва юлғунлардан олиб, аъзони ёғ билан ёғлаб, у дориларни ҳам

устидан ёғ куйиб, кучайтирилади. Яна карамнинг кули ёки миср боқиласи қайнатмаси билан ҳам суртма қилинади. Агар мана шу нарсалар шишларни қайтармаса, табиий сода, бурақ, карамнинг кули, аччиқ тош ва куйдирилган кўрғошиннинг талқонидан олиб, ҳудди шуларнинг миқдорича ёғ кўшиб, аралаштирилади сўнгра дорилардан тенг вазнда олиб, касал аъзо устига қўйилади ёхуд аъзони қизигунича урилади ва бу доридан қўйилади.

## ЎН БЕШИНЧИ ФАСЛА БЎҒИНЛАРГА АЛОҚАДОР ҚАТТИҚ, ҚОТИБ ҚОЛГАН ШИШЛАРНИ ДАВОЛАШ

**Б**из юқоридагиларни зикр қилишдан олдин балрамдан бўлган шишларни даволаш ҳақида айтиб ўтган эдик. Лекин қаттиқ шишларга балғамли шишларни тарқатувчи нарсаларни ишлатиб бўлмайди. Чунки улар қаттиқлашиб кетиши мумкин. Шунинг учун уларни қиздириб юмшатиш билан бошқа ерларга тарқатиб юборилади. Яна бу шишлар ҳақида айтадиган нарсаларимиздан уларни даволаш ва уларнинг дорилари ҳақида айтили лозим. Биз зарур тадбирларни мана шу шишлар бошланиб, қотаётган вақтида қилишимиз керак. Биз уларни юмшатовчи дорилар билан, шишнинг миқдори ва кайфиятига қараб ишлатамиз. Агар қаттиқлик кам бўлса, мўътадил юмшатовчи ва ухлатувчи дориларни танлаймиз ва уни қисқа муддат ичида ишлатамиз. Унинг зиддига эса бу нарсалар фойда қилмайди. Аммо биз шишни юмшатиб тўхтатишимиз керак. Шунинг учун кимда бу касаллик бўлса, аввал юмшатиш ва шиш ҳажмини катталаштириш, сўнгра эса уни бўшаштириб, кўчириш керак. Унинг кайфияти эса шишнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Яна суяк учун кучли дори танланади ва узоқ муддатга қўйилади. Биз баданни ҳаммом билан бўшаштираемиз ва қонни қуюлтирадиган нарсаларни ман қиламиз. Улар: *ҳариса*<sup>48</sup> ва *акориълардир*<sup>49</sup>. Асаб аъзолари ва бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиши каби касалликларда эса ялпиз, *ҳарисалар* ва жамики қаттиқ қуригувчи нарсалар: арпа, ясмиқ, тарих ва яна қонни қиздирувчи тузланган нарсалар саримсоқ, пиёз ишлатилади. Жамики уни ғализлаштирувчи нарсалардан қуюқ шароб, қуруқ пишлоқ, қайнатилган ва қовурилган тухумлар ишлатилади. Яна парранда гўштлари, улоқ гўшти, қўзичоқ гўшти, муррий билан чала пиширилган тухум, шароб, тузи кўп бўлган нон ва яхши шароб, қотган нон ва мулойим шароб ишлатилади. Яна ўша шиш тўла қайтиб кетмагунича ва ундан бир нарса ажралиб чиқиб кетмагунича ҳаракат тўхтатилмайди. Агар ўша шиш бирор бир ҳолатда қотиб қолса, бўғинларни боғлаш учун териятувчи нарсалар билан қайтадан даволаймиз. Агар шиш бўғиннинг чуқур ерларига кирган бўлиб, боғичлари билан ёпишган бўлса, унга юмшатовчи, ҳиссларни камайтирувчи дорилар ишлатилади.

*Мулойим нутул.*<sup>70</sup>

Аъзога иссиқ сув билан компресс қилинади. Меҳригиёдан суртма қилиб, олти соатга қолдирилади ва бу нарса ҳар куни икки мартаба такрорланади. Сўнгра унга бўшаштирувчи дорилардан қўйилади.

*Кучли нутул.*

Қиздирилган ёғ билан компресс қилинади

*Бошқа хили.*

Хурмо ёғида гулхайри, ёввойи бодринг илдиэларини пиширилади ва у билан компресс қилинади ёки уларни укроп ёғида, пишириб ишлатилади.

*Кучли нутул.*

Боғични қалин ва юмшоқ қилиб ишлатиш маъқулдир. Аъзога иситилган узум сиркаси боғланади ва у аъзони бўшаштиради.

*Кучли юмшатувчи суртма дори.*

Товуқ ва ўрдак ёғларидан, бузоқнинг болдиридаги илиги, оқ ва сариқ елим, сирка чўкмасидан олиб иситилади ва аъзоларга компрессдан кейин қўйилади, сўнг унинг устига шишни бўшаштирувчилардан қўйилади.

*Юқоридагидан кучлироқ бўлган суртма.*

Икки мисқол юмшоқ муқл<sup>71</sup> суюлтирилган майъа елимларидан олиб, гулсафсар ёғи билан қорилади ва унга сариқ йўнғичқа шираси ҳамда ўрдак ёғи қўшиб, у билан аъзолар боғланади.

*Бошқа хушбўй таркиб.*

Камхастак, майъа елими, гулсафсар ёғи ва бон ёғларидан олиб, ҳаммаси аралаштирилиб, боғланади.

*Кучли юмшатувчи боғлама.*

Беш дирҳам миқдорида бузоқ болдирининг илиги, сариқ мум ва эзлик дирҳам гулсафсар ёғи, муқл, ва оқ қаррақлардан ўн дирҳамдан олиниб, мумни гулсафсар ёғида эритилади, қолган дорилар биргаликда майдаланади, сўнг эритилган мум билан аралаштирилади ва аъзоларга компресс қилингандан кейин суртилади. Юмшатувчи дорилар ҳақида зикр қилмоқчи бўлганларимиз шулардир.

*Бўшаштирувчи боғлама.*

Булар қаттиқ шишлар юмшаганидан кейин истеъмол қилинади. Сариқ йўнғичқанинг талқонини олиб, асал суви билан қориб, боғланади ёки эчкининг эскирган сўлагини сиканжубин билан аралаштирилади, ёки карамнинг кулини қаврак елими билан қўшиб боғланади. Яна қаврак елимининг эски зайтун ёғи билан ёки канакунжут ёғи ва турп ёғи билан, ёхуд мирта сиркаси билан бўшаштириш учун суртма қилинади. Яна гулсафсар, зарованд,<sup>72</sup> етмак ва мурчлардан олиб, уларни зифт билан жамланади ва унга миср боқиласининг талқони, сариқ йўнғичқа ва тизимгул қўшиб, сиканжубин билан аралаштириб, суртилади.

**Кучли оғриқларда ишлатилувчи боғлама.** Назлаўти, зарованд, ковул илдизи пўстлоғи, миср боқиласи, гулсафсар, тизимгул ва бурақлардан тенг бўлақдан олиб, канакунжут ёғида юмшагунича эзилади ва аъзога боғланади.

**Кучли тарқатувчи марҳам.** Бир ҳисса куйдирилган қўрошин упаси ва эски зайтун ёғидан олиб, марҳамга айлангунича қайнатиб, ишлатилади.

**Юқоридегидан ҳам кучли суртма.**

Куйдирилган қўрошин упаси ва зайтун ёғини қайнатилади ва унинг устига сариқ йўнғичканинг шираси қуйилади. Яна унга шунча оҳак, табиий сода, назлаўти, зарованд ва олтингугурт аралаштириб, уларни марҳам қилиб, юмшатиш ва тарқатиш учун ишлатилади.

**Худди шунга ўхшаш бошқа дори.**

Қаврак елими, муқл, майъа елимининг эритилганидан ўн дирҳамдан, оқ қарракдан беш дирҳам, бурақдан ўн беш дирҳам, назлаўтидан ўн дирҳам, сигир болдирининг илигидан ўн дирҳам, сариқ йўнғичканинг талқонидан ўн дирҳам, сақич дарахтининг елимидан ўн дирҳам, эскирган зайтун ёғидан ярим ратл олиб, ҳаммасини эзиб, жамланади.

**Тазрибадан ўтган бошқа боғлама.** Мойчечак гуллари, укропнинг учи, сариқ йўқричканинг майдалангани ва зифир уруридан ўн дирҳамдан, юмшоқ муқл, суюлтирилган майъадан, қаврак елимидан беш дирҳамдан, пўсти ажратилган канакунжутдан ўн дирҳам олиб, уларга елимлар юмшайдиган даражада гулсафсар ёғидан қўшилади ва қора анжир елими билан суртма қилинадиган ҳолатта айлангунича аралаштирилади ва аъзога ёпиштирилади.

Аммо шишларнинг қотиб қолишларига келсак, бизнинг мақсадимиз уларни компресс ва боғламалар билан юмшатишдир. Агар у юмшамаса ва тарқалмаса, унга арпа сиркаси, гуруч сиркаларини боғлаш яхшидир.

**Қотиб қолган шишлар учун махсус даволар.**

Гулхайри илдизи, укроп, мойчечак қайнаган сувни оғриган аъзога қаттиқ қизариб кетгунича компресс қилинади. Сўнгра унинг устини ёғлар билан ёки илик билан бир кеча кундуз боғлаб қўйилади. Кейин иситилган укроп ёғидан шишларни қайтарадиганчалик миқдорда компресс қилинади ва ёғлардан боғланади. Шундан сўнг ўша қотган жой қизаради ва унинг устига сирка қуйилади. Худди шу тadbирни бир соат ўтгандан сўнг яна қайтарилади. Сиркани эса яна ўша қаттиқлик бўшашганда ёки сирка исиб кетганда қўйилади ёки компресс қилинади, ёхуд ўша шишни совутиш учун мўлжалланган сиркани ичиш лозим бўлади. Бу муолажа бир неча кун қилингандан сўнг, қаврак елими ва нордон хурмони майдалаб, оғриган аъзо устига ёпиштириб, у билан бир неча кунгача муолажа қилинади, сўнг яна биринчи тadbирга қайтилади.

**Қаттиқликларни тарқатиш учун махсус марҳам.** Қаврак елими, жовшир, муқл, сода, оҳак, хардал<sup>73</sup>, назлаўти ва олтингугуртлардан ўн дирҳам, ёғ

билан қайнатиб юмшатилган куйдирилган қўрошиндан олтмиш *дирҳам* оли-  
нади ва уларни аралаштириб, сирка билан ўша қаттиқлик бор жойга боғлана-  
ди. Жолинуснинг айтишича, у эски пишлоқни олиб, узоқ муддатта ўша пиш-  
нинг устига қўйган ва у қиздирган, лекин пишлоқни яхшилаб майдалаш ке-  
рак. Ёки яна тўнғиз болдирларини қайнатиб, юқоридаги панирни ана ўша  
қайнатмага майдалаб, бўғинларга боғланади, шунда қотган моддалар ўша  
қаттиқликдан терини шилиб ажралади ва чиқиб кетади.

## ЎН ОЛТИНЧИ ФАСЛ КУЙДИРУВЧИ ЎТКИР ДОРИЛАР ҲАҚИДА

△лар яна баданнинг ҳолатини куйдириш ва қиздириш воситаси билан  
▽ўғартирувчи деб ҳам номланадилар. Яна табиблар уларни «бадан-  
нинг асоси» деган атама билан ҳам номлайдилар. Бу дорилар касаллик маро-  
мига етганда ишлатилади ва уларнинг вазифаси куйдиришдан иборат. Бу  
дорилар чўзилиб, сурункалик ҳолатига айланган касалликларда ишлатилса-  
лар-да, уларни кўпроқ сон суяғидаги бўғин оғриқларида қўлланади ва бу  
нарсаларни биз олдин ҳам зикр қилган эдик. Яна сон суягининг бўғинидаги  
оғриқларни даволашни жуда ҳам зарур деб билиш керак. Модда ундан ўтга-  
нидан сўнг ўша бўғиннинг чуқур еридан бадан ташқарисигача бориб етади  
ва бу дорилар модда қувватини ва иссиқлигини баданнинг устига майда бўлак-  
ларга бўлиб, чиқариб ташлайди. Бу дорилар жуда ҳам кучли таъсирга ва  
баданни кучли тозалаш хусусиятига эгадир.

*Сон суяғи бўғинининг чуқур ерларидан моддаларни сўриб олувчи боғ-  
лама.* Куйдирилган қуйқа, индов, назлаўти, ковул иддизидан тенг бўлакдан  
олиб, анжир ёғочи кудининг суви билан аралаштириб, сон суяғига боғлана-  
ди ва у жуда қиздирувчи бўлиб, у ердан жуда кучли равишда оғриқларни  
сўриб олгунича кутилади, яъни қиздирмагунича ечилмайди. Агар ўша жой  
қорайиб қолса, қаваргунича кутилади. Сўнг боғламани ечиб, қавариқлар  
тозаланади ва ундаги бор нарсалар оқизилади, кейин ўша ерни иссиқ сув  
билан компресс қилинади. Ўша яралар битиб қолмаслиги учун иссиқ нарса-  
лар билан ёғланади. Чунки битиши қийин бўлса яхши тузалади, агар оғриқ  
бутунлай таскин топмаса, тадбир такрорланади.

*Бошқа турдаги кучли боғлама.*

Куйдирилган чўкма, тоғ майизи, олакуланг, чўл тазакўтининг елими,  
ёввойи пиёз ва индовлардан тенг бўлакда олинади ва ҳаммасини жамлаб  
ёввойи пиёзнинг суви билан қўшиб, юқорида тавсифлаганимиздек муолажа  
қилинади.

*Бошқа боғлама.*

Чўл газакўтининг елимини сувда эритиб, иситиб ичилади, яна сонга шу

эритмадан қизаргунича суртилади. Суртмани ҳаммомда олиб ташланади.

**Бошқа таркиб.**

*Бастни*<sup>74</sup> иссиқ ҳолида суртма қилинади, сўнг уни тозалаш учун ҳаммомга тушилади.

**Бошқа тури.**

Саримсоқни боғланади ёки олақулангни зайтун ёғига солиб қўйилади, сўнг бу ёғ билан аъзони силанади.

**Бошқа таркиб.**

*Бастни* балозур асали билан тери шилингунича аъзога ишқаланади. Мана шу яралардан ҳеч бири сондаги оғриқлар қолмагунича тузалмайди. Жолинус қадимгилардан бир одам ҳақида шундай ҳикоя қилади. Унинг қўймуч суягида ва бўғинларида оғриқ бор эди ва унга бошқа дориларга эҳтиёж қолмайдиган муолажа буюрилди. Бемор ҳаммомга оғир ҳолда киргазилди ва бир маротабанинг ўзида у ерда даволанди ва ўз оёқлари билан юриб чиқди. Бу дорининг таркиби қуйидагича:

*Шитараж* ўсимлигидан ёзда, кўм-кўклигида олинади ва яхшилаб майдаланади, сўнгра уни ёғ билан яна эзилади, кейин қўймуч суягининг атрофига, сонга, болдирларга ва у ердаги оғриган ерларга суриб, беморнинг ҳолатига қараб тўрт соатдан олти соатгача қолдирилади. Сўнг уни ҳаммомга киргазилади, агар унинг бадани қизиса, сувга туширилади ва бу тадбир унга кифоя қилади. Агар унда бирор оғриқ қолса, ўн кундан сўнг яна шу тадбир такрорланади ва қайтадан у дорилар боғланади.

## ЎН ЕТТИНЧИ ФАСЛА СОНГА ЁПИШТИРИБ ҚЎЙИЛАДИГАН БАНКАЛАР ҲАҚИДА

**Я**рим *шибр* катталигидаги оғзи бир ҳовуч келадиган, суюқликларни қайнатиш ёки ҳайдаш учун ишлатиладиган ёпиқ идиш (анбиқ) олинади ва унинг ичига қоноздан солиб, олов ёқилади, кейин бадан куймаслиги учун уни оз-оздан иситиб, сўнгра сонга қўйилади ва маҳкам ёпиштирилади ва мана шу идишнинг тагида бир тепшик бўлиб, ҳаво кирмаслиги учун унинг устига гулҳайри ва сирач ёпиштирилади ва сувалади. Агар у нарса ёпиштирилмаса, банканинг фойдаси бўлмайди. Кимёгарлар мана шундай асбобларнинг номини *ал-анбиқ* деб атайдилар.

Агар банкани олиб ташлашни ҳоҳласанг, унинг тешигини очиб, ёпиштирилган еридан чегарасини олиб ташла, шунда ўша қўйилган банка бўшайди ва тушиб кетади. Банкани қўйилган ерида икки соат турганидан сўнг олиб ташла, ундан кейин бир жузли матони иссиқ сувга бўктириб, компресс тайёрлаб, ўша ерга қўйилади.

## ЎН САККИЗИНЧИ ФАСЛ ҚУЙМУЧ ОҒРИҒИДА ДОҒЛАШ ТАДБИРИ

**Қ**уймуч оғриғини доғлаб даволашда қўлланиладиган восита. Қуймуч турли йўллар билан доғланади, аммо унинг энгил ва мукамал усули куйидагича. Ярим *шибр* катталиғидаги асли темирдан бўлган қадақсимон нарса олинади. Унинг оғзининг қалинлиги хурмо данаги йўғонлигича бўлиши керак. Унинг бошқа тарафидаги иккита ёнма-ён тешиги ҳам шу катталикида бўлиб, уларнинг орасида боғланиши мумкин масофа бўлсин. Мазкур асбобни олиб, унинг учи қон каби қизаргунча қиздирилади ва оғриган ер у билан доғланади. Бемор эса соғ ёнбошига ётқизилади. Сўнгра у ерда тўпланган нарсаларга тушиб кетиши учун ёр билан боғланади.

Яраларнинг тез битиши мақсад қилинмайди, балки йиринг янада кўпроқ оқиб тушиши учун ўткир дорилар боғланади. Мана шу энг мукамал усулдир.

Оғриқлар тўхтаб, яралар битиши учун бемор тинч бўлиши, ёнбошида ухлаши ёки ўзига мувофиқ ҳолатни ихтиёр этиши лозим бўлади. Бунда соннинг юқори тарафда туриши мақсадга мувофиқдир. Куйдирилган (доғланган) жой доира ёки чизик билан белгилаб қўйилади.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ БЎҒИН КАСАЛЛИҚЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

**А**гар биз касаллик вужудга келган вақтда уни пайдо қилувчи нарсаларни йўқотиш ва қаршилик кўрсатишни мақсад қилсак, касаллик йўқлиги ҳолатида унинг пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак бўлади. Унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш эса муҳим ишлардандир. Бўғин касалликлари уч хил сабабдан бўлади.

Биринчиси: теқилмаларни келтириб чиқарувчи хилтлардан.

Иккинчиси: бошқарувчи аъзолар қувватларининг камайиши ёки уларда теқилмаларнинг пайдо бўлиши.

Учинчиси: қабул қилувчи аъзоларнинг чиқиндилардан заифлашиши.

Мана шу учта сабабдаги иккинчисига, яъни қувватга келсак, унга зид ҳаракат қилиб, қаршилик кўрсатиш керак эмас, балки унинг бир ҳолатда қолишига интилиш керак.

Учинчи сабаб, яъни қабул қилувчи аъзоларнинг заифлашишида эса унга ҳар доим ҳам зид ҳаракат қилиб, қаршилик кўрсатиш керак бўлмай, балки баданни бўшатиш ва тўлиб қолишни камайтириш керак.

Биринчи сабабга келсак, у хилтларни қайтариш бўлиб, уларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш керак. Бундай қилиш учун теқилмаларни туғдирувчи нарсаларнинг таъсирларини кесиш, уларнинг (теқилмаларнинг) жам-

ланишини камайтириш ҳамда бошқарувчи аъзолар воситасида уларни заифроқ бўлган аъзолардан бошқа аъзоларга ҳайдашга мажбур қилиш керак. Мана шуларни ҳисобга олиш шишлар каби касалликларнинг олдини олишдаги асосий ишлардан биридир. Чунки бу чиқиндилар фақат бир хил бўлмай, уларнинг туғилишларини қайтарувчи тадбир ҳам бир хил эмасдир. Шунинг учун уларнинг ҳар бирини алоҳида, махсус зикр қилиш керак бўлади.

Айтадиларки, шишдан пайдо бўлган бўғин оғриқларини юнонликлар “флегмона” деб атайдилар. Бунда қизиб кетишнинг олдини олувчи, баданда қонни кўпайтириб юбормайдиган ва қиздириб юбормайдиган тадбирларни қилиш керак бўлади.

Бунинг учун гўштлар, ични қотирувчи нарсалар, ловиялик овқатларнинг истеъмолини, ширинликлар ва озуқалиги кўп нарсалардан ҳалимлар, қуюқ шўрвалар, тухум, қўзичоқ гўштлири истеъмолини тўхтатиш керак бўлади. Жамики тадбирларни қонни кўпайтирмайдиган, қиздирмайдиган, иситмайдиган нарсаларга қаратиб, сирка қўшилган таомлар, пишмаган узум, ясиқ, татим каби нарсалар билан озуқаланadi. Яна озуқаларининг кўпи булдуруқ қуш гўшtidан қилинган овқатлар, ясиқлик, эчки боласининг гўшtidан ва уй паррандаларининг гўшtlаридан тайёрланган нарсалардан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари хом узумнинг суви, мол гўшти ва қориндан тайёрланган жуда ҳам нордон бўлган *сикбож*<sup>73</sup> ва шунга ўхшаш нарсалардан истеъмол қилинади. Унга яна мевалардан олма, аччиқ анор, олхўри, шафтоли, ўрик берилади. Уни анжир, хурмо, банан, яхши узум, тарвуз ва шунга ўхшаш сувлилиги ва озуқаси кўп бўлган нарсаларни кўп истеъмол қилишдан қайтарилади. Агар бемор кўп ейдиганлардан бўлса, унга оз-оздан парранда гўшtlари (жўжа, ўрдак гўшtlаридан ташқари) берилади. Унга товуқ, каклик, булдуруқ қуш гўшtlаридан бериш мумкин. Гўшtlардан эса улоқ, қўзичоқ ва қўй гўшtlари берилади. Агар беморга оғир келса, уларни сирка ва шу кабиларда пишириш билан тузатамиз. Агар бемор шароб ичишни ҳоҳласа, уни қуюқ, янги, ширин, эски ва кучли шаробдан узоқлаштирамиз ва унга вақтининг ва қувватининг мўътадилида бўлган шаробдан берамиз. Агар кучли ичимликлардан бирортасини ҳоҳласа, баъзи ҳолатларда унга латифлаштирувчи нарсаларнинг қиёми, яъни равочнинг қиёми, хом узум қиёмларидан берилади ва уни мана шу нарсалар билан чекланади. Агар бемор бундай ҳолатни давом эттиришни ҳоҳламаса, уларни ёқтирмаса ва қийнадиб қолса, ёки ширин нарсаларни ейишни ҳоҳласа, унга асал, хурмо ва узум бўтқаси каби нарсалар берилади. Уни шакардан тайёрланадиган нарсалардан қайтарилади. Унга эритувчи ёғлардан берилади. Кунжут ёғи ва бодом ёғи эритувчи бўлса ҳам, уларнинг ҳарорати ва озуқаси кўпдир.

Лекин биз озуқаси кўп бўлган нарсалардан қочамиз, чунки улардан қон кўпроқ туғилади. Шунинг учун ҳам биз узум шиннисидан ҳам кўра қандни



танлаймиз. Ундан кейин латиф ичимликлардан берамиз ёки ўрнига қандан тайёрланадиган *созажли* сиканжубин берамиз. Аммо биз юқорида зикр қилиб ўтган баъзи нарсаларга келсак, уларнинг тўйимлилиги етарли эмас. Агар уларни бир кун ишлатилса унинг (касалликнинг) тадбири шу ейиладиган ва ичиладиган нарсалар билан бўлади. Озуқалар билан даволашга қасд қилинганда ва мизожни ўзгартиришга ҳожат бўлганда шулардан фойдаланилади. Аммо уйқу ва уйқоқлик ҳамда шу каби ҳолатларни ўртача қилиш керак. Чунки гўшдаги қон ухлаганда ва дам олганда кўпаяди. Шунинг учун ҳаракат, сакраш кўпайса, қон қизийди куйдиради ва қизартиради. Биз ундайларнинг бирортасидан ҳам қон олмаймиз.

Аммо жинсий қувватга келсак, жамияки бўғин касалликлари уни пасайтиради. Айниқса қуйи бўғиндаги, яъни сондаги оғриқда шундай бўлади. Биз эса касаллик ҳолатида бундай нарсалардан беморни сақлаймиз. Яна касаллик ҳолатларида беморни қиздирмаймиз. Соғлиқ ҳолатига қайтаётганда ҳар кун аъзога тухум боғлаш мумкин. Бу эса баданни қиздиради, юз ва кўзларда эса ранг махсус бўлади. Агар биз томир уришини кўрсак, унинг тезлиги ортади, аъзо рангининг қизиллиги эса кўпаяди, томирнинг кўриниши йўғонлашгандек бўлади. Агар мана шу нарсалар озуқанинг кўпайишидан бўлса, беморга дам берамиз. Агар озуқанинг миқдоридан эмас, балки унинг кайфиятидан бўлса, унинг зиддига юзланамиз. Агар уйқу ва дам олишнинг кечикканидан бўлса, у иккисини бадантарбия ва бедорлик билан алмаштирамиз, агар ҳаммомга тушишдаги хатоликдан бўлса, беморга совуқ сувга тушишни буюрамиз. Қачонки биз тадбир қилинаётган кишига мана шундай қарши тадбирни ва унга яқин бўлган нарсани қўлласак, ва у қувватга киришидан олдин унга буюрилган енгил нарсаларга итоат этса, тўлиб кетиш унинг баданида содир бўлмайди. Агар тўлиб кетиш содир бўлса, касаллик ҳуруж қилади ва биз шу тарафга боғлашни ишлатмаймиз ва унга яқинлашмаймиз, шу билан чўзилишни кечиктирамиз. Биз касаллик ҳуруж қилмагунича тўлиб кетишни била олмаймиз. Қуёш чиқмасидан олдин ярим *ратл* қон оламиз ва шунда оғриқ тўхтайдди. Аммо бемор заифланади, қийналиб қолмаслиги учун уни ҳаракатлантIRMаслик керак. Бўғин оғриқларида лўқиллатган оғриқ ҳам бўлади. Бу оғриқ шундайки, унда бўғинга жуда кучли куйдирувчи, иссиқ, йирингли суяқ модда оқиб кириб, шу бўғинда катта шиш бўлмаса, бу ундаги кучли қизиш ва оғриқнинг ҳисобига бўлади. Қизиш ва оғриқ эса иссиқ, чириган хилтлар йиғилганидан содир бўлади. Агар мана шу модда беморнинг бўғинларига қуйиладиган бўлса, теридан уни билиб бўлмайди, ундан суяқ йиринг чиқмайди, юрганга оғриқ сезилмайди. Фақат тажрибали табибгина буларни билади. Хилтлар эса суяқ сафро бўлиб, улар қуюқлашади. Бу ҳақда аввал айтган эдик. Қачонки тери кўпчиб, шиш атрофида оғриқ тўхтаса, унинг бўғинида қуюқ нарса қолмайди. Хулоса шуки, мана шу хилт йирингли,

сувоқ ва сафровий бўлиб, бу кишининг қонида пайдо бўлган, жигардан эса ортиқча ҳароратли ва рутубатли нарса ажралиб чиққан. Чунки унинг гўштининг кўплиги ва ҳаракатининг камлиги учун баданидан жуда ҳам кам нарса чиқарилган. Мана шу киши тадбирининг сабаб ва мақсадлари хилтани камайтириш бўлиб, унинг ейдиган нарсаларида нордонларини кўпайтириб, иссиқ ширинликлар камайтирилади. Ичимликлар талабга кўра илдишлар ва уруғлардан тайёрланган гуланжубин, сиканжубин ва гулоблардан иборат бўлади. Уларни олхўри шароби, тамрҳиндий шароби, нордон лимон шароби, хом узум шароблари билан алмаштирилади.

Овқатлар эса парранда гўшлари, хом узум суви, улоқ гўшти, кичик обинон ва шу каби нарсалардан тайёрланади. Агар бемор бадани тўлиб кетган бўлса, соғайиши учун ундан жуда ҳам кўп қон олинади. Қон олиш беморнинг қуввати кетиб, заифлашгунича давом эттирилади. Агар уни юқоридаги нарсаларсиз тўлиб кетган ҳолатда топилса, беморнинг овқати фақат арпа суви билан бир кун ёки икки кунга чекланади. Бу ишни у кўп терлагунича ва қизигунича қилиб, баданни йиринглардан тозаловчи дорилар билан тозаланади. Шунда бу хилт чиқиб кетади. Бу тадбир бир ойда бир марта қилинади.

Агар бемор баданида иссиқлик борлиги билинса, унга совуқ мизожли сабзавотлар берилади, испағул ширасини нордон анорнинг суви билан ёки сиканжубин билан аралаштириб, ичилади. Петрушка илдиши, арпабодиён майдалаб борланади. Яна бодринг уруғи ва сачратқи уруғлари ҳам ишлатилади. Ундаги иллат катта бўлса, нордон ва қуруқ нарсалардан ҳам ишлатилади. Мен мана шу тадбирни бир ёки икки маротаба қиламан ва тадбир қилинаётган вақтда юриш мумкин эмас. Яна бу тадбирда бемор томирларидаги нарсаларнинг олдинга ҳаракат қилиши қийинлашади. Лекин мана шу вақтда бу ҳолат терида билинмайди, балки олдинроқ унда қизиш сезилади. Баданни кўзғатмаслик ёки аввалги ҳолатига қараб бир оз кўзғатиш мумкин. Тадбирни чўзиш учун ўринбосарларни ишлатиш керак. Беморни чарчатадиган ва баданини қиздирадиган тадбирлар унинг учун хатарлидир. Яна кўп ҳолатларда уни иситма безовта қилади ва бутун баданини эгаллаб олади. Кўпинча уни қон олиш ва ични суриш билан дафъ қилинади. Бу нарсалар уларга кучли ҳожат тушгандагина қўлланилади. Мен мазкур мисолларни улардан фойдаланишни кўпайтириш учун айтдим. Уларни барча қонунқоидалар асосида зикр қилишимга ҳожат йўқ, зеро Жолинус улар ҳақида ўзининг китобларида айтиб ўтган. Шу билан бирга унинг фикрича, юқорида айтилган нарсаларга ўт қопи касалликларидаги эҳтиёт чораларини кўришнинг умумий қоидалари билан бирга амал қилинса, ўрганувчига фойдали бўлади. Мен айтаманки, агар у хилт баданда сариқ каймусдан пайдо бўлса, унинг миқдорининг ортишидан ёки кайфиятининг йўқолишидан бўлади. Бундай ҳолат хатарли бўлиб, кучли аъзолар чиқиндиларни заиф аъзоларга

ҳайдашга мажбур бўлади. Бу эса аввало ўша хилт табиий сафро хилтининг кайфиятини сақловчи бўлгандан ёки у ҳам хилт кайфиятни қайтарганидан, ёхуд баданнинг ҳолати қизиганидан, ёки мўътадилликда, ёки ундан ўтганда нуқсонли бўлишидандир. Бу нарсаларни эса бўғиндаги шиш сафровий шишнинг аломатларини сақлаб қолгандагина билиш мумкин. Чунки ана ўша сафроли чиқинди табиий асл сафронинг кайфиятини сақловчидир. Аммо, агар бўғинда кучли оғриқ бўлса ва ҳарорат кўтарилса, шу билан бирга шишнинг ҳажмида катталик бўлмай, у юшамаса, ана ўша бўғиндаги шиш оғриқни пайдо қилувчи, уни ачиштиб қиздирувчи бўлади. Бу нарса эса табиий сафронинг кайфиятини қайтаришда кўпайиб кетган хилтли чиқинди бўлади. Шу ерда табиблар қавмидан бири шундай тахмин қиладики, агар бўғин касаллиги жуда ҳам кучли оғриқли бўлса ва шу билан бирга уларда хатолик бўлмаса, бундай ҳолатда «мизожни алмаштирувчи ва мўътадиллаштирувчи» деб номланган, бўшатишда истеъмол қилинадиган тинчлантирувчи нарсаларни тез ва кўп ишлатиладиган муолажа турини амалда қўллаш оғриқни қолдиради. Табиблар мана шу жинидаги бўғинларда моддасиз ҳолатда мизожнинг ёмонлашишидан оғриқ пайдо бўлади, деган хулосага келдилар. Биз эса мана шундай фикрларни китобимизда ёздик ва шу билан бирга уларни амалда ҳам синаб кўрдик ҳамда яна шу фикрларни адолатли ва тўғрилигини муолажа китобларида ҳам кўрдик ва шуларнинг барчасини бир махсус китобга жамладик. Яна биз у ерда *“да-ул фирқа”* ҳақида ҳам баён қилдикки, унда бўғин оғриқлари унга келувчи модда туфайли эмас, унинг табиатида бор нарсалар туфайли кўпаяди. Шунинг учун биз у ҳақда мана шу ерда зикр қилдик.

Икки муолажа усулидан биринчисини, яъни бўшатиш ва мўътадиллаштириш орқали мизожни ўзгартиришга келсак, биз биринчи навбатда бўшатишга эътиборимизни қаратамиз, мизож кўпайган ҳолатда ҳам шу ишни қиламиз. Мен айтаманки, сариқ каймус хилти бўғинга куйилганда сафрони бўшатишни белгиламиз. Бу ҳақда сафрони бўшатиш бобида ёзганмиз. Уни соғлиқ ҳолатида ва касаллик хуружи йўқлигида, қилиш кераклигини ҳам айтганмиз. Беморни яна сафрони туғдирувчи нарсалар билан, хусусан, ширинликлар ва ёғли нарсалар билан қиздираемиз. Улар асал, хурмо, узум шиниси, қанд, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, мағизлардан ёнғоқ, pista, норжил ва шулардан тайёрланадиган нарсалардир. Унинг овқатини эса қондан бўлган бўғин касалликларини олдини олиш ҳақидаги бобда айтилган нарсалардан қиламиз. Жамики совитувчи ва ҳўлловчи нарсалар тўғри келади. Бундай таъсири нарсаларга арпа суви, қовоқ, фарфиюн, Рум исмалоғи, бодринг, хиёршанбар, қовун ва шу кабилар киради. Аммо биз унга нордон нарсаларни буюрмаймиз, чунки нордон нарсалар қуритади. Буриштирувчи нарсалардан, яъни узум ғўраси ва ровоч кабилардан ҳам воз кечамиз, чунки улар

сафрони кучли даражада сўндиради ва таъмсиз нарсаларга нисбатан кўпроқ латифлаштиради. Биз яна мана шу ҳолатда беморга кўпроқ ухлашни тавсия қилиб, меҳнат қилиш ҳамда фикрлашни тарқ қилишни буюрамиз. Шунингдек, яна унга қондан бўлган овриқларни олдини олиш чораларида айтганимиздек, чучук сувлик ҳаммомга тушишни тавсия қиламиз. Ҳамда терлатишни давом эттириб, бадандан сувни чиқарамиз. Тер чиқиши камайганидан кейин аъзо юмшайди ва унинг ранги шу ерга қон қуйилиши ҳисобига кучаяди. Лекин модда аъзонинг букилган еридан ажралган чиқинди бўлса, биз биринчи ишни кучайтириш учун ўша хилтнинг қайтарувчилари кўпаймагунича бўшатиш тадбирини қилмаймиз. Агар аъзода шиш бўлмаса, тадбир уни юмшатади ва яра қилмайди, шу билан бирга терининг шилиниши эса фаол хилтнинг кўпаймаслигига далолат қилади. Лекин зиддида эса сафрони арпа суви, зиғир уруғининг қайнатмиси, розмарин ва шу каби ёрдам берувчи нарсалар билан мўътадиллаштирилади. Мана шундай ҳолатда яна қорли сув ичилади ва илитилган чучук сувни бемор устидан қуйиб, яна унинг ичига жамики аъзолари билан туширилади ва баданнинг устидан сув қуйишни давом эттирилади. Хусусан, овқатлангандан сўнг. Шунингдек, беморни иссиқ бўлмаган ҳаммомга ёки илитилган тоза чучук сувли *обзанга* (ваннага) бир кунда бир неча марта туширилиб, сўнгра ухлатилади ва узоқ муддат дам олдирилади. Шу ишларни қилаётган вақтда бемор сафро хилти учун махсус дорилардан истеъмол қилади, яна унга совуқ мизожли дорилардан компресс қилинса ҳам бўлади. Унга сачратқи суви ва итузумнинг сувидан ҳам берилади. Қачонки ўша шиш сўнса ва тинчиса, овқат беришни оз-оздан кўпайтирамиз ва орада шароб бериб турамиз.

Балғамдан бўлган бўғин касалликларининг эҳтиёт чорасини кўриш ҳақидаги сўзимизнинг мукаммали шуки, агар модда балғамли бўлса, ундай ҳолатда биз беморни дам олаётган вақтида чиқиндилар кўп бўлган нарсалар билан қиздирамиз. Улар кўзичоқ гўшглари, сут, тухум, балиқ, янги шароб ва ҳўл мевалар, қовурмалар, қайнатмалар, эчки ва улоқнинг бўлиб қурилган гўшглари, мушаклари кам бўлгани учун қушнинг гўшtidан ҳам берилади. Яна ҳазми кучайтириш учун латифлаштирувчи муайян дорилардан ҳам берилади. Улар ёввойи зира, зира, тошчўп, сирка, муррий ва шу кабилардир. Яна мурабболар ва латифлаштирувчи жуворишлардан *каммуний*, *фаллофилий*, *қадодикун* ва *яллизиллари* берилади. Яна унга асал суви, қорабеда ва эски шароб ичирилади. Шунингдек, яна имкон борича таом, янги шароб ва буғдойиқдан сақланиш керак. Агар бемор нотинч бўлса, унга қанд берилмайди. Шунингдек, яна умрининг кўп қисмида шароб ичмаслиги керак. Агар бундай қилишни ҳоҳламаса, овриқ тўхтагунига қадар бир ёки икки *ратлдан* ичиб туради ва овқатланишидан олдин ҳаммомда кўп муддат терлайди ва кўпроқ бадантарбия қилади. Яна у ҳаммомдан сўнг тезда овқатланмайди,

балки ундан сўнг узоқроқ муддат ўтказади. Шунингдек, унинг жасади ва айниқса бўғинлари ҳаммомда натрун билан ишқаланади ва ўраб қўйилади. У кундузи ухламасдан кечанинг ҳаммасида ухлаши керак. Чунки агар бемор кечаси ухламаса, унинг ҳазми бузилиб, баданида тиқилмаларнинг пайдо бўлиши кўпаяди. Қачонки унда балғам хилти жуда кўп йиғилиб кетса, уни балғам ҳайдовчи дорилар билан чиқариб таплаймиз. Хусусан, касаллик хуружи яқинлашган вақтда мана шу турдаги бўғин касалликларида сийдикни ҳайдовчи нарсалардан сақланиш керак.

Балғамни суришдаги латифлаштирувчи машҳур дориларга келсак, улар мана шу оғриқни чиқариб ташлаш учун ичилади. Улар Ҳирмис иёражи<sup>76</sup>, *тарёқ ал-арбаъ*<sup>77</sup>, каби дорилардир.

Бу дорилар мазкур касалликлар каби жуда кўп маротаба тавсифланган. Бу ерда бизга маълумларини зикр қиламиз.

Бўшатиш турларидан қон олиш, қайт қилиш, сурги қилиш, сийдикни ҳайдаш ва терлатиш кабилар ўз ўринларида ишлатилса, бўғин оғриқлари таскин топади деб айтиб ўтилган эди. Шу билан бирга бемор қанд ва имкон қадар енгил таом истеъмол қилиб туриши керак. Чунки улар бемор баданидаги чиқиндиларни қайтаради. Табиблардан Жолинуc *ниқрис* билан оғриганларни бўшатишдан аввал қанд истеъмол қилишдан қайтаради ва овқатларни кучайтириш ёмонликка олиб келишини айтиб, шароб ва хўл меваларни кўп истеъмол қилишни буюради, чунки улар гализликнинг кўпайиб кетишига йўл қўймайди. Лекин биз мана шундай ҳолатда ҳам бу касалликларни тушунчамиз етганича даволаймиз. Муолажаларга эса фаҳм билан етишиш мумкин. Жумладан, қайт қилишни тушуниш ҳам фойда беради. Чунки у балғамни ҳайдайди, лекин шу билан бирга меъдани ҳам заифлаштиради. Шунинг учун биз уни кўп ишлатмаймиз. Муолажада сийдикни ҳайдашга кўпроқ суянамиз. Чунки у кучли даражада қурилади ва совуқ мизожли меъданинг қувватини ҳам бузмайди, балки уни текислайди ва қувватлантиради. Муолажани суғуриб олиш хусусиятига эга бўлган дорилар ердамида ични суриш билан давом эттириш керак. Улар баъзи иситмаларни боғлайди, яъни уларнинг қўзғалишига йўл қўймайди. Агар иситмалар боғланмаса, улар қуришиб, ҳалокатга олиб келиши мумкин. Агар бемор шароб ичишни кўтара олмаса ёки юқори даражадаги озуқаларни ҳазм қила олмаса, шаробга майиз ва тоғ петрушкаси уруғидан солиб берилади. Жолинуc мана шу шароб совуқдан бўлган бўғин касалликларига фойда қилишини айтиб ўтган. Агар бемор гализ овқатдан қийналган бўлса, бу шаробдан озгина сурги билан балғамни жуда кучли парчаловчи дориларга қўшиб истеъмол қилинади. Агар у хўл мевалар билан аралаштирилган бўлса, ундан қустириш учун берилади. Ундан сўнг эса иссиқ мизожли мурабболардан берамиз.

Аммо қорга келсак, беморни албатта ундан асраш керак. Чунки бундай

қилиш замон олимларининг талабидир. Агар бу парҳез бузилса, ҳаммомга кириб доимо терлаши керак бўлади. Шунингдек, сийдикни кучли ҳайдовчи, юмшатувчи дорилардан истеъмол қилади. Агар касаллик бўғин оғриқларидан деб ҳисобланса, тўлиш вақтида ҳаракат сезилади, ёки унда хилтларни қайтариш содир бўлиб, уларни бўғинларга тортади. Шунда бўғинларни уларнинг соғлом вақтида қувватлантирувчи дорилар билан кучайтирамиз ўша бўғин олд тарафидан қувватлантириш учун силанади ва доимо оз-оздан уни бўшатиб туришни давом эттирамиз. Беморнинг бўғинларини туз ва ёр билан у дам олаётган кунларида кучли даражада ишқаланади. Мана шу тадбир чиқиндиларни қабул қилишдан бўлган бўғин касалликларини тозаловчи мукамал муолажадир ва унда ҳосил бўлган нарсалардан бўшатувчидир. Агар бундан кейин ҳам бўғинларга модданинг ҳаммасини келиши давом этса, беморни қуруқ иссиқ бўлган юртларга кўчирамиз. Ейиш-ичиш навбатини яқинлаштирамиз. Агар модданинг келиши бу билан ҳам давом этаверса, унга юқорида айтиб ўтилган таркибни ўзгартирувчи дорилардан берамиз. Агар доғлаш зарур бўлиб қолса, қуритувчи дорилар ишлатилади ва чиқинди тўпланган тараф силанади. Баданни бўшатишга мажбур бўлсак, ана ўша чиқиндилар шариф аъзоларга бориб, қайталанувчи касаллик ёки ўлим пайдо бўлади. Чунки инсонларнинг кўпчилигида доғлашдан сўнг бу нарсалар содир бўлади.

## ЙИГИРМАНЧИ ФАСЛ СОҢ ОҒРИҒИ ВА ИРҚУННАСОДАН САҚЛАНИШ

**Б**у бўғин оғриқларидан сақловчи тадбирлар бошқа бўғин оғриқларидан сақланиш тадбирларидан фарқланмайди. Лекин уларда сурги дориларга нисбатан қустирувчи дорилар кўпроқ истеъмол қилиниши керак. Лекин уларнинг кучли ва етуқлари инсоннинг жинсий қуввати ва манийни камайтиради. Сафар вақтида, айниқса уйқу вақти яқинлашганда оғриқ кўпаяди. Бемор эса ухламайди ва бутун гавда оғирлигини ўнг сонига туширмаслик учун уйқуда соғ тарафига ётишга ҳаракат қилади ва қаттиқ оғриқ сезади. Агар мана шундай давом этиб, сурункали ҳолатга айланса, ирқуннасонни олдини олиш чоралари ҳақида айтган сўзимиз каби доғланади.

Аммо қондан бўлган модданинг томирларда кўпайиб, оёққа қуйилиши ва шу билан чўзилиш ҳолатига келсак, қондан бўлган бўғин оғриқларини эҳтиёт чорасини кўриш бобида айтиб ўтилган жамики тадбирлар қўлланади. Яна бемор оғир юк кўтармаслиги керак. Рутубатли чиқиндиларнинг оқишига келсак, балғамдан бўлган бўғин касалликларида эҳтиёт чораларини кўриш бобида айтилган жамики нарсалар қилинади ва чиқиндиларни кўпайтирувчи

ҳўл мизожди озуқаларни истеъмол қилишдан сақланилади, терлашни кўпайтириб, сийдикни ҳайдовчи дорилар билан сийдикни ҳайдалади. Агар шунда ҳам касаллик давом этиб, чўзилиб кетса, юқорида айтганимиз каби доғланади ёки шилиб ташланади.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ ФАСЛ БЎҒИН ОҒРИҚЛАРИНИ ТОРТИБ ОЛУВЧИ МАШҲУР ДОРИЛАР ВА УЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

**Б**илгинки, мана шу турдаги дорилар балғамдан пайдо бўлган бўғин касалликларида ёки балғам моддаси бўғинга оқиб келиб, сафро моддасидан ғолиб келган вақтда истеъмол қилинади ва унлар иссиқ оғриқларни тортиб олади. Яна уларни куруқ мизожликларга ҳам ишлатиш мумкин, чунки улар латифлаштиради ва кучли қуритмайди. Улар фақатгина балғамни чиқаради, лекин бошқа мизож ва аъзоларга эса таъсир қилмайди. Агар мана шу дориларни ўзларининг ўринларига қўйиб ишлатилса ва улар қиздиришни амалга оширса, ва уларни қўллаш шартларига сабр қилинса, бу дорилар жуда ҳам ажойиб ишни қиладилар, яъни мазкур оғриқларни тортиб олиб, қолмағунига қадар таъсир қиладилар. Мен эса улардан танлаб олиб, кўзга кўринганларини айтиб ўтмоқчиман. Шундай тадбирлардан бири қуйидагича. Уни ҳузирон (ижон) ойида кун ора ичиб турилади, ойнинг ярми ўтгач бемор юра бошлаганидан кейин ва ундаги оғриқлар чиқиб кетгунича унинг бир *мисқолини* бир *уқия* асал суви билан ичилади. Агар ундаги оғриқ тутилиб қолса, чиқиб кетмагунича ёки ҳуқна билан чиқарилиб ташланмагунича дорини ишлатилмайди. Шу ишлардан сўнг дори қўлланади. Ундан сўнг етти соат вақт ўтмагунича ҳеч нарса ейилмайди, кейин латифлаштирувчи озуқалардан едирилади ва балғамдан бўлган бўғин касалликлари ҳақида айтилган нарсалардан берилади. Саккиз *дирҳам камадирюс*, саккиз *дирҳам* майдаланган луфо, етти *дирҳам зарованд*, олти *дирҳам* гентиана илдизи, беш *дирҳам* далачой, тўрт *дирҳам* валеариана ва ёввойи укроп илдизидан бир *дирҳамдан*, тоғ петрушкаси ва *горикундан* бир *дирҳам* олиб, ҳаммасини жамлаб, бир *мисқолдан* ичилади.

### **Бошқа хили.**

Бу майда қон томирлардаги тикилмаларни очувчи дори деб танилган дир.

Қизил шаббўй гулидан бир ярим *мисқол*, қалампирмунчоқдан беш *дирҳам*, укроп уруғидан ўн *дирҳам*, *жуьдадан* уч *дирҳам*, юмалоқ аристолохиядан бир *уқия* олиб, юқорида айтиб ўтилган шартлар бўйича ҳар куни ярим *дирҳамдан* ичилади.

**Бошқа таркиб.** Тоғ петрушкаси уруғидан бир *дирҳам*, ёввойи сабзи уруғидан ўн *дирҳам*, рўяндан ўн беш *дирҳам*, ёввойи нордин, юмалоқ аристоло-

хия, ковул илдизи пўстлоғи, гентиана илдизидан етти *дирҳамдан*, *гориқун*, *дастарбош*, моҳизаҳраларнинг ҳар биридан ўн беш *дирҳамдан*, янги арча бужури, дорчинлардан ўн *дирҳамдан* олиб, ҳаммасини жамлаб ҳар куни бир *мисқолдан* юқорида айтилганларга кўра ичилади. Бу дори бошқа турдаги чиқиндиларни ҳам чиқариб ташлайди. Уни иёраж билан ҳам ичса бўлади. Бу дориларнинг ҳаммасини қиш фаслида ҳар куни юқорида айтганимиз каби бир *мисқолдан* ичса, таъсири яхши бўлади.

**Бошқа хили.** Бу хилтларни камайтирувчи дори бўлиб, тўрт турли дори деб ҳам танилган ва тажрибадан ўтган. Булар *камадириус*<sup>78</sup>, *камофитус*<sup>79</sup>, гентиана илдизи ва сазоб уруғларидир. Уларни алоҳида-алоҳида ҳар куни бир *мисқолдан* совуқ бошланиши билан, то иссиқ бошланишигача юқорида айтган шартларимизга кўра истеъмол қилинади.

**Бошқа тури.** Бу бўғин касалликларини дафъ қилувчи машҳур доридир. Уни юқоридаги шартларга кўра ичилади. Хитой ровочи, пионгул, мирра, сунбуллардан йигирма *дирҳамдан*, ҳинд малобатридан бир *уқия*, қалампир-мунчоқдан ўн беш *ҳабба*, қизил шаббўйдан ўн *дирҳам*, аристолохиядан ўттиз *дирҳам* олиб, ҳаммаси жамланади ва ҳар куни овқат ҳазм бўлгандан сўнг ва ич тозалангандан сўнг ярим *мисқолдан* истеъмол қилинади. Уни куз фаслининг ўртасидан бошлаб, эллик кун ичиб, сўнг ўн беш кун дам олинади, сўнгра яна эллик кун ичилади, кейин яна ўн беш кун дам олинади. Ундан бир юз олтмиш беш кун ичилади. Ҳузирон (июн) ойининг ярмида тўхтатилади. Об ойи (август) ўртасигача ҳам давом эттириш мумкин. Сўнг тадбир енгиллаштирилади. Мутлақо шароб ичилмайди ва мана шу муддат ичида жамики ғализ хилтларни туғдирувчи нарсаларни истеъмол қилиш тўхтатилади. Улоқ, парранда, кўзи, бузоқ гўштларидан бошқа гўштларни ейилмайди. Баъзи *зирбож*, *сикбож* ва бошқа турдаги қовурма ва қайнатмалардан ва булдуруқ қушдан тайёрланган овқатлардан ейилмайди ва ҳар куни овқатланишдан олдин ҳаммомга кирилади ва дорини ичгандан сўнг тўққиз соат вақт ўтгач, овқатланиш мумкин.

**Бўғин оғриқларини тортиб олишда машҳур бўлган сиртлон ва тулки билан муолажа қилиш.**

Тулки ёки сиртлонни аччиқ тош ва туз қўшиб, улар эзилгунича қайнатилади, сўнгра бемор бу қайнатмада бадан куймайдиган ҳолатда икки соат ўтиради. Кейин иккинчи дорини ҳам кейинги куни қайнатиб, унда ҳам ўтиради. Бу ишни бир кунда икки мартаба ёки ойнинг бошида уч кун қилинади. Сўнгра қайнатма алмаштирилади ва у билан ҳам ойнинг ўртасида уч кун, ойнинг охирида ҳам уч кун муолажа қилинади. Бу муолажани эшак гўштини дориворлар билан қайнатиб қилса ҳам бўлади.

**Қиш кунларининг ҳаммасида бўғинларга суртиладиган ёғлар.** Улар бўғин касалликларидан сақлайди. Андароний тузи, яман аччиқ тоши, куйди-



рилган шароб қуйқасидан баробар миқдорда олинади ва эски зайтун ёғидан мана шу дорилар аралашадиган миқдорда қўшиб, аралашма билан аъзолар силанади.

**Бошқа кучли дори.** Аччиқ тош, туз, мозининг куйдирилгани ва эски зайтун ёғидан олиб, аралаштириб, улар билан силанади.

**Бошқа хили.** Натрун ва новшадиллардан олиб, уларни ёғ билан аралаштириб, суртилади. Агар у қизартирса, муқаммал тайёрланган бўлади.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ ФАСЛ МАЗКУР КАСАЛЛИКЛАРГА ЖАВҲАРИ БИЛАН Фойда қилувчи нарсалар ва уларнинг хоссалари

**Б**из мана шулар билан муолажа қилишда бир нарсани кўрдик ва унга бир оз мойил ҳам бўлдик. Лекин биз қадимда ўтганларнинг мана шу касалликни даволашда айтган сўзларига ушбу мақолани зид қилмаслик учун бу ерда тўғри бўлган ишончли хабарларни зикр қиламиз.

Тухуринфус<sup>80</sup> айтадики, қурбақанинг оёғини кесиб олиб, *никрис* билан оғриган оёққа боғлаб қўйилса, яхши натижа беради. Яна айтадики, маржонни *никрис*лик оёққа қўйиш ҳам фойдалидир. «Ҳижорот» («Тошлар») китобининг муаллифи Литаюс айтадики, агар магнитни қўлда ушлаб турилса ёки оёққа боғлаб қўйилса, *никрисга* фойда қилади.

Искандар<sup>81</sup> айтадики, чап оёқнинг товонини ўнг оёқдаги *никриснинг* ўнг тарафига қўйилса, чап тарафдагисини эса чап томонга қўйиш яхши фойда беради. Яна Тухуринфус айтадики, агар тошбақанинг оёғини кесиб олиб, *никрис* билан оғриган оёққа қаттиқ боғланса, фойдалидир. Тошбақанинг ўнг оёғини инсоннинг ўнг оёғига, чап оёғини эса инсоннинг чап оёғига, унинг қўлларини эса инсоннинг қўлларига боғлаш ҳам яхшидир.

Аллоҳнинг инояти ва гўзал тавфиқи билан китоб ўз ниҳоясига етди. Ақлни ва ҳаётни ҳада қилган зотга ҳамдлар бўлсин. Унинг илмининг чеки йўқдир, ундан саломлар ва унга салом бўлсин. Мана шу рисолани гуноҳкор банда бўлмиш Муҳаммад бин Юсуф Муҳаммад ас-Садид муборак рамазон ойининг ўнинчиси, пайшанба куни 704/1305 йилда иззатлик ўрнида тугатди. Муҳаммадни ва унинг оила аъзоларининг барчасини Аллоҳ таоло офатлардан сақласин.

## ИЗОҲЛАРДА ИШЛАТИЛГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

**Баранов** – Х.К.Баранов. Арабско-русский словарь. Москва, Русский язык, 1977.

**Босворт** – К.Э.Босворт. Мусульманские династии. Москва, Наука, гл.ред. восточной литературы

**Минералогия** – Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Пер. А.М. Беленицкого, статьи и примеч. А.М.Беленицкого и Г.Г.Леммлейна. М., АН СССР, 1963.

**МНМ** - Мифы народов мира. Энциклопедия в 2-х т., Москва, Советская энциклопедия, 1991-1992.

**РАМС** - Г.Арсланян, Я.Шубов. Русско-арабский медицинский словарь. Москва, Русский язык, 1977.

**Сайдана** - Абу Райхан Беруни. Фармакогнозия в медицине. Исследования, перевод, примечания и указатели У.И.Каримова / Избранные произведения. Т.4. Т., Фан, 1974.

**Сирр ал-асрор** - У.И.Каримов. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн» Т., Изд. Академии наук УзССР, 1957.

**Фарҳанг ал-мабсут** - Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший, Хомидхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фарҳанг ал-мабсут ёки Истилоҳот ул-атиббо фи-инти-фоот ил-аҳиббо 3. Табдил ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т. Янги аср авлоди, 2004.

**Қонун** - Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Т.1-V, Т., Фан, 1979-1983.

**Қонуни Боситий** - Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий ёки Қонун ал-мабсут, 2 Нашрга тайёрловчи, табдил, сўз боши, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.

**Қумрий** – У.И.Каримов. «Словарь медицинских терминов» Абу Мансур ал-Кумри // Сб. Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. Т, Фан, 1991 С.112-155.

## ИЗОҲЛАР

1. Абу Йаъқуб – Сеистон амири ‘Амр ибн Йаъқуб ибн Муҳаммад ибн ‘Амр (912-913). (Босворт, 148).

2. Иккин чихазм – Шарқ табобати назариясига кўра овқатнинг меъдадаги ҳазми биринчи ҳазм, жигарда бўладигани эса иккинчи ҳазм дейилди. (Қонун, I, 33).

3. Учинчи ҳазм – Қон ва у билан юрадиган бошқа хилтларнинг қон томирларидаги ҳазми. (Қонун, I, 33).

4. Шариф аъзолар – мия, юрак ва жигар. Уларни бошқарувчи аъзолар

ҳам дейилади. (Қонун, I, 13).

5. *Жирм* - бирор нарса таркибдаги жисм ёки жавҳар (Қонун Боситмай, 2, 871).

6. *Намла* – сафродан бўладиган майда тошмалар (Фарҳанг ал-мабсут, 525).

7. *Дували* – оёқ веналарининг кенгайиши. (Фарҳанг ал-мабсут, 523).

8. *Тўлиб кетиш (имтило)* – овқатнинг ҳазм бўлолмагани, бўқини. Шу билан бирга томирларда қон ва бошқа хилтларнинг қўшилиб кетиши ҳам тушунилади. (Фарҳанг ал-мабсут, 38; Қонун, I, 219).

9. *Чўзилиш (тамаддуд)* - Аъзонинг ёзилган ҳолда қотиб қолиб, йиричи олмаслиги (Фарҳанг ал-мабсут, 97).

10. *Босилиқ* – билакнинг ички томондаги тери ости венаси – *Vena basilica* (Қонун, I, 455).

11. *Ақҳал* – тирсақ бўринининг олдинги сатҳда танақ ва ички тери ости веналарини бириктирувчи томир. (Қонун, I, 455).

12. *Абто* – қўлтиқ ости венаси – *V. axillaris*. (РАМС, 97).

13. *Қийфол* - қўлнинг елка қисмида танақ тирсқдан тери остида жойлашган вена – *V. cephalica*. (Қонун, I, 455).

14. *Ахваф* – қийфол томирининг юзига дегудан шикобчилардан бири бўлиши мумкин.

15. *Софин* – оёқ тери ости венаси (Қонун, I, 125).

16. *Флегмона* – қондан бўлган иши (Қонун, I, 151).

17. *Сиқриус* – дастлабки доридан ўтган қиттиқ иши тур. (Қонун, IV, 268).

18. *Исфидбоз* – дўза ёки ёш эчки ёхуд бузоқ тўғитидан собоноват ва иссиқ мизожлик доривор ўтлар қўшиб тайёрланган мурут (Фарҳанг ал-мабсут, 23).

19. *Сикаксубин* – форсча *sikkakabin*нинг муарраб исми. Сирак билан асадан турли дориворлар қўшиб тайёрланадиган дори. (Қонун, V, 106-109)

20. *Хумра* – қизил бод, саримас (Фарҳанг ал-мабсут, 525).

21. *Тарансубин* – антоқ шакар, яъни *Albari* : *mir koton Fisch* (туз илофи) ўсимлигидан чиқадиган ширин модда (Қонун, II, №724).

22. *Хунайн шароби* – Маншур ва сиқрини табиби ва тарансубин Хунайн ибн Исҳоқ ал-Ибодийга (808-873) нисбат берилган, шароб асосида турли дориворлар қўшиб тайёрланган ичимлик.

23. *Сақмуниё* ёки *сақамуниё* – нечаклар туркумига мансуб *Convolvulus scamptonia* L. ўсимлигининг шираси (Қонун, II, №497).

24. *Каймус* – лотинча сўз бўлиб, «сўнгги ўнгарини» маъносини беради. Ибн Синонинг таърифича, овқат дастлаб меъдада ҳазм бўлганда каймусли айланади. У суяқ бир модда бўлиб, қоншоқлик ва оққанда арзаннинг сўмига ўхшайди. (Қонун, I, 31; Фарҳанг ал-мабсут, 351-352).

25. *Мурий* (обкома) – ялпиз, арча уми, туз ва сувдан тайёрланадиган мураккаб дори (Фарҳанг ал-мабсут, 7,400).

26. *Иркунисо* – I. Оёқларнинг танақ ёки тарсқдан тўғилган,

аниқ кўриниб турувчи томир. Аксар одамларда оёқ жимжилоғининг ёнидаги бармоқчага тушади. 2. Қўймуч нервларининг яллиғланишидан пайдо бўлган бўғин оғриғи. (Фарҳанг ал-мабсут, 274, 523; Қумрий, 125).

27. *Гуланжубин* –асал билан тайёрланган гул мураббоси; араб тилида жуланжабин дейилади. (Қонун, II, 213; Фарҳанг ал-мабсут, 115).

28. *Фаллофий жуворишни* -буни мурч жуворишни ҳам дейилади. Жуворишлар меъданинг ипини яхшилаш ва ҳазми кучайтириш учун бериладиган мураккаб таркибли дорилар бўлиб, уларнинг таркибий қисмлари меъдада узоқроқ сақланиши учун йирикроқ қилиб майдаланади. Улар доимо хушмаза қилиб тайёрланган (Қонун, V, 244).

29. *Қуқайо* –Жолинусга (52 изоҳга қаранг) нисбат берилган ҳаб дори. Одатда аччиқ дорилар ҳаб шаклида (таблетка) истеъмол қилинган, чунки уларни ютиш осонроқ бўлади. (Қонун, V, 139).

30. *Узлуксизлик* – «узлуксизликнинг бузилиши» ёки ажралиши дейилганда, одам аъзоларининг механик шикастланиши, жойидан силжиши ва узилиши назарда тутилади (Қонун, I, 147, 456).

31. *Афитимун* – девпечак – *Cuscuta epithymum* Murr. ўсимлиги.

32. *Басфойиш* –бистпоя – *Polypodium vulgare* L. (Қонун, II, №117).

33. *Гориқун* – «дарахт пўкағи» - *Polyporus officinalis* Fries. (Қонун, II, №801).

34. *Ҳирмис* – Хермес, юнон мифологиясида сайёҳлар ҳомийси, ўлганлар жонини нариги дунёга кузатиб боровчи худодлар элчиси (МНМ, I, 292). Сирли илмларнинг ҳомийси ҳисобланган (Сирр ал-асрор, 115 (11)).

35. *Сабри суқутро* -уни *усқутарий* ҳам дейилади. Бу сабир, яъни алоий ширасининг энг яхши нави сифатида тавсифланган. (Қонун, II, №603).

36. *Кабоба* –*Piper cubeba* L. ўсимлиги. (Қонун, II, №345).

37. *Маъжун* –бу сўз билан таркибий қисмлари яхшилаб янчиб, эзиб аралаштирилгандан кейин асалга ёки қанд қиёмига ёки бошқа бирон шарбатга қориш орқали тайёрланадиган мураккаб дори ифодаланади (Қонун, V, 17, 234).

38. *Кофур* –камфара – *Cinnamomum camphora* Nees дарахтидан олинadиган кристалл ҳолидаги рангсиз ва махсус ҳидга эга бўлган модда (Қонун, II, №338).

39. *Фарфиюн* –*Euphorbia resinifera* Berg. ўсимлигининг қотирилган шираси (Қонун, II, №578).

40. *Катиро* –*Astragalus tragacantha* L. ўсимлигининг елими (Қонун, II, №348).

41. *Илк ал-бутм* –бутм дарахти, яъни *Pistacia terebinthus* L. елими. (Қонун, II, №136).

42. *Турбид* –Ҳиндистонда ўсувчи *Ipomoea turpetum* R.Br. ўсимлиги (Қонун, II, №735).

43. *Ҳанзал* – Абу Жаҳл тарвузи – *Citrullus colocynthis* Schr. (Қонун, II, №251).
44. *Ҳабб ун-нил* – ҳинд маҳсари – *Ipomoea hederacea* Jacq. (Қонун, II, №272).
45. *Никрис* – подагра, оёқ ва қўлларнинг бармоқларида то қўлтиқ ва чоттача борадиган қаттиқ оғриқ билан бўладиган яллиғланиш. (Қонун, III (2), 498).
46. *Шитараж* – бақа жўхориси, сассиқ тол – *Lepidium latifolium* L. ўсимлиги. (Қонун, II, №691).
47. *Анисун* – Рум арпабодиёни – *Anisum vulgare* Gaertn. ўсимлигининг уруғи (Қонун, II, №2).
48. *Сакбинаж* – Эрон қавраги – *Ferula* турларининг елими. (Қонун, II, №498).
49. *Қирмдона* – қичитқиўт уруғи ёки мозариюн уруғи (Қонун, II, №361).
50. *Руфус иёражи* – савдо хилти, балғам ва «тулки касаллиги» га фойда қилувчи мураккаб таркибли сурғи дори. (Қонун, V, 68). Унинг таркиби қадимги Рим табиби Руфга (I-II асрлар) нисбат берилган. (Сайдана, 70).
51. *Антиёфатрус иёражи* – меъда касалликларида фойда қиладиган иёраж бўлиб, антик табиблардан бирига нисбат берилган (Қонун, V, 210).
52. *Жолинус иёражи* – машҳур қадимги Рим табиби Галенга (129-200) нисбат берилган иёражлардан бири. (Қонун, V, 71).
53. *Мозариюн* – *Daphne mezereum* L. ёки *Daphne oleoides* Schrch. ўсимлиги. (Қонун, II, 405).
54. «Қарғанинг оёғи» ёки «зоғ оёғи» – *рижл ул-гуроб* – *Carum ammioides* Benth. ўсимлиги. (Қонун, II, №675).
55. *Шиёф* – кўз ва бурун ҳамда ичак ва бачадон касалликларида ишлатиладиган шамча шаклидаги мураккаб дори. (Қонун, V, 247).
56. *Созаж* – малобатр – *Cinnamomum citriodorum* Thwait. ўсимлиги барглари. (Қонун, II, №479).
57. *Асорун* – ёввойи нордин – *Asarum europaeum* L. ўсимлиги. (Қонун, II, №8).
58. *Ҳуқна* – дорилик клизма (Қумрий, 135).
59. *Артанисо* – *Syclamen europaeum* L. ўсимлиги (Қонун, II, №533).
60. *Ушнон аҳзар* – яшил ушнон (зиг ўткир хили) *Salsola kali* L. (Қонун, II, №27).
61. *Ақоқиё* – Араб акациясининг елими. (Қонун, II, №5).
62. *Фуфал* – Арка пальмаси *Agesa catechu* L. нинг данаги (Қонун, II, №566).
63. *Мугос* – *Glossostemon Brugieri* Desf. ўсимлигининг илдизи. (Қонун, II, №411).
64. *Ғолия* – Анбар, бон ёғи, ҳинд уди ва бошқа хушбўй моддалардан тайёрланадиган мураккаб дори. (Қонун, II, №809).
65. *Диёхилун марҳами* – қулуғуна ва қаттиқ шишларга қўйиладиган мураккаб таркибли марҳам (Қонун, V, №160)

66. Андароний тузи – Суриянинг Андара номли жойидан чиқадиган оқ туз. (Сайдан, 824; Минералогия, 448).

67. Қалимиё (иқлимиё) – олтин, қумуш, мис каби металлارни эритиб олаётганда ҳосил бўладиган тўпол (Қонун, II, №626,627).

68. Ҳариса – янчилган бугдой, гўшт ва ёғдан тайёрланадиган таом, (Фарҳанг ал-мабсут, 485).

69. Акориъ – қўй ёки молнинг пиширилган пойчалари (Фарҳанг ал-мабсут, 36).

70. Нутул (натул) – дориворлар қайнатилган сувдан иссиқ ҳолда қўйладиган компресс ёки шу қайнатманинг аъзолар устидан қуйилиши (Қумрий, 134).

71. Муқл – *Commiphora mukul* Engl. ва *C. africanum* Engl. дарахтларининг елими (Қонун, II, №408)

72. Зарованд – юмалоқ аристолохия - *Aristolochia rotunda* L. (Қонун, II, №238).

73. Хардал – қичи, горчица – *Brassica nigra* Koch. (Қонун, II, №749).

74. Баст – наша уруғидан тайёрланадиган дори (Баранов, 71).

75. Сикбож – гўшт ёки балиқ, сирка, пиёз ва бошқалардан тайёрланадиган нордон таом (Қонун, III, (2), 167, 186).

76. Ҳирмис иёражи - Ҳирмисга (34- изоҳга қаранг) нисбат берилган мураккаб таркибли сурғи дори.

77. Тарёқ ал-арбаъ – заҳарларга қарши ишлатиладиган жуда мураккаб таркибли дори.

78. Камадирюс – *Teucrium chamaedrys* L. ўсимлиги (Қонун, II, №342).

79. Камофитус – «Ер бағирлаб ўсувчи санавбар» - *Ajuga chamaeritis* Schreb. (Қонун, II, №341).

80. Т у х р и н ф у с – антик табиблардан бири.

81. И с к а н д а р – Афродизиялик файласуф (2-3 асрлар) (Қонун, III (2), 710).

## ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

дирҳам – 2,975 г. г.

донақ – 0,495 г.

жавза – 38,25 баъзан 17,0 г.

исбаъ – 3,125 см.

ратл – 340 г

уқия – 29, 75 г.

шибр – 22,5 см.

хусса – 3060 г.

## М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши .....	3
Абу Бакр ар-Розий. Бўгин касалликлари ҳақида рисола .....	8
Биринчи фасл. Бўгин касалликларининг пайдо бўлиш сабаблари ва кайфиятлари. ....	10
Иккинчи фасл. Аъзоларда тиқилмаларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларнинг баъзи аъзолардан бошқаларига қуйилиши ҳамда инсондан иллатларни юқоридагиларга кўра даф қилиш .....	11
Учинчи фасл. Бўгин касалликларини уларда туғиладиган моддаларга ва белгиларга қараб тақсимлаш .....	16
Тўртинчи фасл. Бўгин оғриқларига алоқадор бўлган умумий касалликларни даволаш .....	20
Бешинчи фасл. Қўймуч суяги бўгинларидаги касалликларни умумий даволаш .....	28
Олтинчи фасл. Ирқуннасонинг баёни ва уни даволаш .....	31
Еттинчи фасл. Иссиқдан бўлган бўгин касалликларини даволашда ишлатиладиган сурги дорилар .....	33
Саккизинчи фасл. Бўгин касалликларида балғам ва хилтни ҳайдовчи дорилар .....	37
Тўққизинчи фасл. Савдони ҳайдовчи дорилар .....	40
Ўнинчи фасл. Сафро ва балғамни баробар ҳайдаш .....	40
Ўн биринчи фасл. Оғриқларни қолдирувчи дорилар .....	42
Ўн иккинчи фасл. Сон оғриқларида ишлатиладиган ҳуқналар .....	43
Ўн учинчи фасл. Бўгинларга боғланадиган ва суртма қилинадиган дорилар .....	44

Ўн тўртинчи фасл. Совуқдан бўлган бўғин касалликларида ишлатилувчи суртма ва борланадиган дориларнинг баёни .....	48
Ўн бешинчи фасл. Бўғинларга алоқадор қаттиқ, қотиб қолган шишларни даволаш .....	50
Ўн олтинчи фасл. Куйдирувчи ўткир дорилар .....	53
Ўн еттинчи фасл. Сонга ёпиштириб қўйиладиган банклар .....	54
Ўн саккизинчи фасл. Қўймуч оғриғида доғлаш тадбири .....	55
Ўн тўққизинчи фасл. Бўғин касалликларининг олдини олиш чоралари ..	55
Йигирманчи фасл. Сон оғриғи ва ирқуннасодан сақланиш .....	62
Йигирма биринчи фасл. Бўғин оғриқларини тортиб олувчи машҳур дорилар ва уларни истеъмол қилиш .....	63
Йигирма иккинчи фасл. Мазкур касалликларга жавҳари билан фойда қилувчи нарсалар ва уларнинг хоссалари .....	65
Изоҳларда ишлатилган шартли қисқартмалар .....	66
Изоҳлар .....	66
Ўлчов бирликлари жадвали .....	70

Қоғоз бичими 60x84<sup>1/16</sup>. Адади 100 нусхада.  
 Буюртма № 58. Ўз Р ФААК босмахонасида чоп этилган.  
 Босмахона манзили: И. Мўминов кўчаси, 13-уй.